


Абдулла Сафоев

КОМИЛ ХОРАЗМИЙ ВА АВЛОДЛАРИ



Абдулла САФОЕВ

**КОМИЛ ХОРАЗМИЙ
ВА АВЛОДЛАРИ**

(Хужжатли қисса)

29.08.2004чл.

Хоразм ўзбек халқи доврўғи, шон-шуҳрати, ақл-заковати, ирода ва жасоратини жаҳонга танитган буюк алломалар юрти. Ушбу китобда ана шу муқаддас заминда камолга етган улуғ зот - шоир, хаттот, таржимон, мусиқашунос, давлат арбоби Комил Хоразмий ва унинг авлодлари тўғрисида ҳикоя қилинади.

Замондошлари ҳаётидан қатор ҳужжатли қиссалар ёзган истеъдодли, заҳматкаш ижодкор Абдулла Сафоевнинг бу қиссаси кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган. Ҳужжатли қисса Сизга манзур бўлади деган умиддамиз.

Тақризчилар: *Отаназар Мадраҳимов,*
филология фанлари доктори профессор.

Абдулла Абдурасулов,
тарих фанлари номзоди,
Хоразм Маъмун Академияси архиология,
фалсафа ва тарих бўлими мудири.

Ушбу китобимни ўзбек халқининг улуғ фарзанди Комил Хоразмийнинг 180 ҳамда бу улуғ зот чевараси Шоназар Аҳмедов раҳбарлик қилаётган “ХИВА СОПОЛИ” корхонаси ташкил топганлигининг 30 йиллигига бағишлайман.

МУАЛЛИФ

ФЕРУЗНИНГ СУЯНГАН ТОҒЛАРИ

(Сўзбоши)

Мустақиллик шарофати билан халқимизнинг миллий гурури, маънавияти ҳақида дадил, ошқора фикрлар айтиш имконияти туғилди. Истиқлол халқимизнинг қадим қадриятлари, урф - одатларини яна ўзига қайтарди. Маънавий бойлигини оширишга кенг йўл очиб берди. Улуғ аждодларимиз ҳаёти ва ижодини ўрганиш, тарғиб қилиш учун эътибор ошди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига мувофиқ Баҳовуддин Нақшбанд, Хўжа Аҳмад Яссавий, Ат Термизий, Алишер Навоий, Улуғбек, Бобур, Оғаҳий сингари буюк аждодларимизнинг юбилейлари нишонланди. Шулар қатори 1994 йилда Муҳаммад Раҳимхон Ферузнинг 150 йиллик таваллуд тўйи байрам қилинди. Ваҳоланки собиқ иттифоқ даврида бу улуғ сиймолар ҳаёти, фаолияти, ибрати ҳақида тўла ва аниқ тасаввурга эга эмас эдик.

Ушбу китоб бутун умрини туғилган юрти, халқига бахшида этган мўътабар зот Комил Хоразмий ва унинг авлодлари тўғрисида. Бирок гапни буюк аждодларимиз, хусусан Феруз ҳазратларидан бошлашимиз бежиз эмас. Муҳаммад Раҳимхон Феруз 47 йил хонлик даврида мамлакатни обод этиш борасида катта хизматлар қилди. Маданият, маърифат, адабиёт, санъат ривожига улкан ҳисса қўшди. XIX асрнинг иккинчи ярмида ўзбек адабиёти тараққиётига ҳисса қўшган эдикдан ошди хоразмлик шоир, таржимон, тарихчилар камолоти, тошбосмани йўлга қўйилиши, соз илми, хусусан мақомларни тиклаш, сақлаш борасидаги саъй ҳаракатлар, кўплаб масжид-мадрасалар, сув иншоотлари қурилиши, сулҳпарварлик сиёсати, хонлик ҳудудида оғизбирлик, ҳамжиҳатлик муҳити яратиш каби кўплаб хайрли ҳаракатлар самараси Феруз фаолияти билан боғлиқ. Шубҳасиз бундай оламшумул, тарихий режалар рўёбида унга ҳамнафас, ҳамкор бўлган сарой аҳллари, ёнма - ён, елкама - елка турган энг яқин маслакдошлари, ўз оға - ини, қариндошлари, донишманд инсонлар бор эди: Оғаҳий, Муҳаммад Юсуф Баёний, Саййид Аҳмад Тўра, Султон Ғози Тўра, Элгузар Иноқ, Абдуқодир Тўра, Иброҳимхўжа, Абдуллахўжа, Матмурот Девонбеги, Шайхназарбой, Ислом хўжа... Ферузнинг ана шундай суянган тоғларидан бири Комил Хоразмий эди. У олдин ҳаттот, мирзабоши, сўнгра ўн йилга яқин девонбеги лавозимларида сидқидилдан фаолият кўрсатди. Ўзининг оқилона маслаҳат, йўл-йўриқлари, хайрли бошламалари билан хон эътиборини тортди, ишончини қозонди, бинобарин, мамлакат обо-

дончилиги, фаравонлиги, адабиёт, санъат, маданият тараққиётига ўзига хос бебаҳо ҳисса қўша олди. Хусусан, Хоразм мақомларини нотага тушириб қолдиришдаги тарихий хизматлари билан довруғ қозонди.

Хужжатли қисса хоразмлик улуғ инсон Комил Хоразмий, унинг авлодлари ҳаёти ва фаолиятига бағишланган. Муаллиф — истеъдодли журналист ва ёзувчи Абдулла Сафоев ана шу тарихий шахснинг муракаб тақдирини, буюк хизматларини баҳоли қудрат яратишда анча изланганлиги, заҳмат чекканлиги сезилиб турибди. Мен буни шоҳ ва шоир Феруз ҳақидаги қўш рисоланинг муаллифи сифатида ўз тажрибамдан келиб чиқиб айтаялман. Тарих ва бугунни уйғунликда ифодалаб бериш ижодкордан кўпроқ кунт, зеҳн, идрок, ҳафсала, билим ва тажриба талаб қилади. Абдулла Сафоев бу борада муайян иқтидорга эга ижодкор. Ўндан ошиқ китоб муаллифи. “Хива тонги” газетасида йигирма беш йилдан ошиқ ишлаб қалами чарчланган.

Китобда Комил Хоразмий чевараси Ўзбекистонда хизмат кўрсатган саноат ходими Шоназар Аҳмедов ва у бош бўлган “ХИВА СОПОЛИ” корхонаси жамоаси ҳақида ҳам кенг фикр юритилади. Замондошларимиз ҳаёти ва меҳнат фаолиятининг ибратли жиҳатлари завқ билан қаламга олинган. Комил Хоразмийнинг Хивада, Урганчда, Ҳазораспда, Самарқандда, Тошкентда яшаётган бошқа авлодлари ҳақида ҳам маълумотлар келтирилади. Китоб, айниқса унинг биринчи қисми тарихий манбаларга таянган ҳолда ҳамда хотиралардан унумли фойдаланиб, бадиий-публицистик йўналишда ёзилган. Муаллиф Комил Хоразмийдек атоқли шоир, мусиқашунос, таржимон, давлат арбоби бўлган тарихий шахснинг мураккаб ҳаётини мукаммал ёритиб бера олган дея олмаймиз. Бироқ буюк аждодларимиз, шу жумладан Комил Хоразмий ҳаёти ва ижоди ҳақида ўқувчилар онгида маълум тасаввур, тушунча, ҳурмат уйғотиш мақсадида меҳр билан қўлга қалам олиш, бунга журъат этиш, вақт топишнинг ўзи савоб, ижодкорлик масъулиятини ҳис қилиш демакдир. Айниқса муаллиф шундай буюк элдошимиз авлодларини излаб топиб, улар билан юзма юз мулоқотлар ўтказиб, фикрларини ушбу китобга киритганлиги ҳаловатсиз изланишлари самарасидир.. Замондошларимизнинг фикр-мулоҳаза, истаклари китоб мундарижасини бойитишга хизмат қилган. Ушбу асар Комил Хоразмийдек серқирра ижод соҳиби тўғрисида яратилган дастлабки бадиий-публицистик асар сифатида диққатга сазовордир.

Муҳтарам юртбошимиз Ислом Каримов ўзбек давлатчили-

гининг тамал тоши қўйилган дея эътироф этган қадим Хоразм заминиди таваллуд топган, жаҳоншумул хизматлар қилган бошиқа буюк аждодларимиз ҳақида ҳам яна кўплаб асарлар яратилса нур устига нур бўларди. Бунга бурчлимиз, бундан умидвормиз. Ана шу йўлдаги изланишлар самараси бўлган ушбу китоб ўқувчиларга манзур бўлади, уларнинг қалбида она Ватанга, буюк аждодларимиз, суюк замондошларимизга меҳр-муҳаббат уйғотади деган ниятдамиз.

2005 йилда Комил Хоразмий таваллудига 180 йил тўлади. Бу китоб ана шу қутлуғ санага дебеча тухфадир.

Давлатёр РАҲИМОВ,
адабиётшунос, Ўзбекистон халқ ўқитувчиси.



МУАЛЛИФ ҲАҚИДА СЎЗ



Мен иқтидорли қаламкаш Абдулла Сафоев ижодини 80-йиллардан буён кузатиб келаман. Аввало вилоят ва республика матбуотида ёритилган долзарб мавзулардаги мақола, лавҳа, очерклари диққатимни тортган. Кейинчалик унинг бадиий тафаккури ҳам намоён бўла бошлади. Газета-журналларда шеърлари, ҳикоялари эълон қилинди. Турли нашриётларда «Кўнглим сиздадир», «Муҳаббат кўчалари», «Сўзи ҳикмат, умри ибрат», каби қатор китоблари чоп этилди. Драматургия жанрида ҳам ўзини синаб кўрди. «Қаҳр ва меҳр» номли саҳна асари Хоразм вилояти

халқ театрлари ижодиёти танловида совринли ўринга сазовор бўлди. «Баёнийдан бир байт», «Навой сабоғи» каби кичик саҳна асарлари, «Нон қадри», «Тоғдаги гап», «Сўз сеҳри» шеърӣ ривоятлари, «Минг бир сир» тўртликлар, «Гап эгасини топади» эпиграммалар туркумлари, хонандалар томонидан куйланаётган қўшиқлари, асосан замондошлари ҳаётдан ёзган очерклари, ҳужжатли қиссалари унинг серқирра ижодкор эканлигидан далолат беради.

Абдулла ҳаётни синчковлик билан кузатиб, баъзилар кўз илғамайдиган нарсаларни ижодкорларга хос нигоҳ ва дид билан пайқаб, улардан ҳаётӣй хулосалар чиқаради.

Мен Абдулла Сафоевни жамоат ишларида ҳам фаол ижодкор эканлигини биламан. Ўзи яшаётган қадим Хивада ўтадиган турли маданий-маърифӣй тадбирлар ташкилотчиси. Наврўз, Муствақиллик байрамлари сценарийларининг муаллифи. Хива туман Ҳокимлигининг ўзбек, инглиз, рус тилларида чиқаётган «Хива — Шарқ гавҳари» журнали таҳрир ҳайъати аъзоси. «Хоразм» нашриёти жамоатчи маҳаррири. Хоразм радиоси ва телевидениясида чиқишлар уюштириб туради.

Адабий жамоатчилик назарига тушган ижодкор Абдулла Сафоев Республика ижтимоӣй-сиёсий, маърифӣй «Маҳалла» газетасининг Хоразм вилояти муҳбири сифатида ҳам фаолият кўрсатмоқда. Изланувчан ва заҳматкаш шогирдимга янада ижодӣй парвозлар тилайман. Комил Хоразмийдек улуглар руҳи қўллаиверсин!

Комил Аваз,
Огаҳӣй номли Хоразм вилоят
мусиқали драма ва комедия театри
директори, шоир, ёзувчи, драматург

Биринчи қисм

АЖДОДЛАР



MY CHIEF, NAKUDA



THE CHIEF, NAKUDA, AND HIS MEN, TAKEN AT THE CAMP OF THE ARCTIC EXPEDITION, 1901-1902.

Copyright, 1902, by the U.S. Government.

...Инсон кўнгли гулдан нозик, тошдан қаттиқ. Баъзан нимадандир қувониб, яйраб, севинчинг дарёдай тошади. Гоҳида кимдандир, нимадандир кўнглинг дарё чўккандай чўкиб ўзингни қаерга қўйишингни, дардингни кимга айтишингни билмай қоласан. Ана шундай лаҳзаларда кўпинча вақт топиб қадим обидалар бағрига ошиқади Шоназар оға. Ичонқалъа бўйлаб аста-секин танҳо ҳаёл суришни яхши кўради. Қизиқ, бу қадим қалъани неча бор айланган, кезган. Аммо ҳар сафар ҳаётнинг кўз илгамас бир ҳадисини кашф этгандай бўлаверади. Бир-биридан виқорли, гўзал, сержило обидалар гоҳ меҳр, садоқатнинг рамзи бўлиб туйилса, гоҳида сабр-чидам, матонатдан сабоқ бергандай бўлади. Гўзаллик, яхшилик, эзгулик ифодаси бўлиб кўринади кўзига. Ичонқалъа мўъжизаси кўнглиларга таскин беришида, улуғ орзу-умидлар уйғотишида эмасмикан?

Бу гал Ичонқалъага хизматчилик юзасидан ташриф буюрди. Ота дарвозадан ўтиб, Муҳаммад Аминхон мадрасаси пойгоҳига тугаш йўл бўйидаги ҳужраларда очилган дўконларда ўзи раҳбарлик қилаётган корхона маҳсулотларининг сотилиши билан қизиқди. Қадим шаҳарга қадам ранжида қилаётган сайёҳ борки, Хива кулоллари, чиннисозлари тайёрлаган бирор юмни албатта харид килар экан. Фақат эсталик учун эмас, юртига борганидан кейин хонадонида уй-рўзғор буюми сифатида фойдаланиш учун ҳам. Буни эринмай сайёҳлар билан ёнма ён юрган гид таржимонлардан сўраб билди. "Шукр, маҳсулотларимиз жаҳон кезаяпти. Бу биз учун фахр. Ишлаб чиқараётган буюмларимиз харидоргир бўлса ҳам моддий, ҳам молиявий рағбат. Ўзимиз учун ҳам, давлатимиз учун ҳам фойда. Демак, изланишдан тўхтамаслигимиз, янгиликка интилишимиз сифат учун курашишимиз керак!"

Шоназар Аҳмедов корхонага карашли фирма дўконларини ҳам кўздан кечириб, уларнинг сонини ошириш зарурлигини ҳис қилди. Бу ҳақда раҳбарлар, тегишли мутасадди ташкилотлар бошлиқлари билан кенгашиб олишни кечиктирмасликни кўнглига тугиб қўйди. Одатича, қадим обидаларга синчков нигоҳ ташлади. Кўк билан бўй талашиб турган баланд миноралар, қуёшнинг заррин нурларидан минг бир тусда жилоланаётган масжид мадрасалар, Кўҳна Арк, Тош ҳовли, Карвонсарой... Ҳар бири ўзи бир тарих, ҳикоя, дoston!

Паҳлавон Маҳмуд мақбарасини зиёрат қилиб чиқар экан, ўзини руҳан тетик, бардам ҳис қилди. Ўз қавми, аждоди Комил Хоразмий мангу макон топган маскан-қорихона, уй музей айни мана шу муқаддас даргоҳ билан ёнма ён жойлашганлигини илоҳий иноят деб билди. Қалбида ғурур, фахр билан

бобоси пойгоҳига кириб борди. Дилида хуш калом—“Илоҳим руҳлари шод бўлсин!” Шу топда йўлбошловчининг сайёҳларга айтаётган сўзи диққатини тортди:

- Бу ерда шоир, бастакор, Хоразм мақомларини нотага туширган мусиқашунос, давлат арбоби Комил Хоразмий яшаган. Унинг жасади ўз васиятига кўра шу мақбара пойига дафн этилган.

Йўлбошловчи Комил Хоразмий ва унинг уч фарзандининг тарихий хизматларини билимдонлик ва иштиёқ, айни кезде юртгига, юртдошларига меҳр билан ҳикоя қиларди. Сайёҳлар эса зўр қизиқиш, ҳаяжон билан тинглашар, дафтарчасига нималарнидир қайд қилишар, мўъжазгина видеокамаераси билан тасвирга туширишар, турли саволлар беришарди. Комил Хоразмийдек буюк зот ҳаёти, ижоди, фаолияти уларни беҳад қизиқтириб қўйганлиги юз-кўзларидан сезилиб турарди. Аммо ёнгинасида шундай улуғ зот авлоди турганлигини на йўлбошловчи, на бошқалар билишарди. Шоназар оғанинг ўзи эса бундан сира ҳам хижолат чекмас (Ҳали яқин дўстлари, хиваликларнинг ўзлари билишмайди бу ҳақда.) фақат эътироф, эъзоз этишга лойиқ, хурмат-эҳтиромга мушарраф ажлодлари бўлганидан, уларнинг вориси эканлигидан фахр туярдди қалбида. Ҳаёлида эзгу ўйлар чарх урарди: “Одамзотдан нурли излар, гўзал боғлар қолиши керак экан. Эл ғами билан яшаган инсонлар номи ўчмас экан” Аждодлари ҳақида кексалардан эшитганлари, китоблардан ўқиганларини эслади. Қулоғи остида бастакорлар раҳнамоси бўлган бобоси яратган мумтоз куйлар жанглагандай бўлди. Кўз ўнгида мозий манзаралари жонланди.

* * *

Муҳаммад Раҳимхон — Ферузнинг Кўҳна Аркдаги саройи. Аҳли уламо, шуаро, созандаю гўяндалар жамул-жам. Дастурхонлар ноз-у неъматга тўлиқ, дам соз, дам суҳбат давом этиб, навбат мушоирага етиб келди.

- Аввал хон ҳазратларнинг ўзлари бошлаб берсинлар — деди илтифот кўргазиб Аҳмад Табибий-зеро, куёш чикқанидан сўнг олам юзи мунаввар бўлгай.

Шоирлар Табибийни қўладилар. Феруз уч-тўрт варақ қоғозни кўздан кечириб, улардан биттасини танлаб олдида қироат билан ўқишга киришди:

**Шод ўлғил эй маҳзун кўнғил бу кеча дилдоринг келур,
Ширин такаллум, гулбадан, лаъли шакар боринг келур.**

Соз айла айли асбобини, очил тараб авбобини,
Рухсори олам тобини очиб севар ёринг келур.

Лаълини қилиб мўъжаз баён, бермакка умри жовидон,
Юз нав меҳр айлаб аён, жонбахш гуфторинг келур.

Ҳижрони ичра барҳо тортар эдинг ранжу ано,
Бу дам тутиб васли вафо шўҳи ситгамкоринг келур.

Маҳзун қялиб яғёрни, шод этгали сен зорни,
Тарк айлабон озорни, ёри вафодоринг келур.

Кўнгилга ноланг бир саҳар, таъсир қилмушдир магар,
Ширин дудоқу сиймбар, фарҳудда дийдоринг келур.

Ферузбахт ўлғал мудом, эт нўши ишрат бирла жом,
Андоғки сарви хуш хиром, озода рафторинг келур.

Ғазал тугаши билан “Офарин”, “Балли”, “Янги ашғор ҳам-мамизга муборак бўлғай”, “Бу ғазал тез ора қўшиқ бўлиб таралгуси” деган ҳамду санолар атрофни тутди. Мушоира қазигандан қизиди. Ниёзий, Комил Девоний, Рожий, Баёний, Чокар, Мирзо, Ходим, Мутриб... айрим шоирлар хонга бағишлаб ёзган ғазалларини навбатсиз ўқиб беришга ошиқардилар. Мулозимлар ҳар бир шоирнинг ҳатти-ҳаракати-ю, ўқиган ғазалларини синчковлик билан кузатиб ўтирган Ферузнинг нимадандир кўнгли тўлмаётганини фаҳмлашар, буни айтишга эса журъатлари етишмас эди. Ниҳоят хонинг ўзи базм охирлаб бораёганида қўлини кўтариб ишора қилдида чеккароқда ўйчан ўтирган, соч-соқолига оқ оралай бошлаган кишига мурожаат этди:

- Мавлоно Сиз нега ашғор ўқимоқни охирга қўйиб ўтирибсиз. Ҳамма “Комил Хоразмийга қачон навбат етар экан?” деб Сизни эшитмоққа илҳақу мунтазир. Бунга нима дейсизлар, навбатни Паҳлавон шоиримизга берсак?

Комил Хоразмийга тахаллусидан ташқари мардлиги, серғайратлиги, ўз лабзи ва касби—қорига садоқати боисиданми Паҳлавон деган лақаб ҳам беришган, хон баъзида сийлаб унга “Паҳлавон шоир” деб лутф этишини хуш кўрарди. Бу гал ҳам хоннинг ўзи эҳтиром ила илтифот кўрсатганидан ғоят руҳланган Комил Хоразмий базм аҳли кўнглини кечагина ёзган янги ғазали билан хушнуд этишга чоғланди.

Баҳору боғ сайрини найлайин бир лаҳза жононсиз,
Борурми булбул ул гулшангаки гул барғи хандонсиз.

Эрурман бир гули хандон гамидин ул сифат, гирён,
Ки бир дам кўзларим ҳам ашксиз эрмас кўнгил қонсиз.

Эмасман ул гарчи оромижонсиз бир замон хушнуд,
Ва лекин ул ҳамиша шод эрур ман зори ҳайронсиз.

Менинг ишқим фузун булбулдин ўлса не ажаб сенсиз,
Эмасман гар баҳору, гар хазон бир лаҳза афғонсиз.

Кўнгил вайрон бўлур бир лаҳза айрилса ҳаёлингдин,
Хароб ўлгай, бале, ҳар мулкким гар бўлса султонсиз.

Юзи қаддингдин айру гунту лол ўлсам тонг эрмас ким
Қалурму қумриқо булбул фиғон сарви гулистонсиз.

Эмас нолам хароши бесабаб ҳижрон аро доим,
Кўнгил кўзгусидан ҳам занги кетмас ушбу суҳонсиз.

Таку пў йиллар этсам ҳам фироқинг дашти қатъ ўлмас,
Не ёнглиғ водийи муҳлик эди ул ҳадду поёнсиз,

Кўнғилга дардсиз оҳинг муассир эрмас эй зоҳид,
Нечук омонча киргай агар ўқ бўлса пайконсиз.

Замиринг айлагил ишқу муҳаббат маъдани, Комил,
Не қадру эътибор ўлгай садафга дурри ғалтонсиз.

Ҳаммадан кўп хоннинг ўзи Комилни олқишлади. Бу ғалғ зарбоп тўн ҳам унга насиб этди. Аҳли шуаро шоирни чин дил дан қутлади. Яна бир оз соз-суҳбатдан сўнг Феруз давра аҳлиг юзланди.

- Бугунги базмга қандай баҳо берасизлар, кўнғиллар бир оз бўлсада таскин топгандир?.

- Олампаноҳ — деди Аҳмаджон Табибий — Сиздай адлу карамда беназир, илму маърифат аҳлига раҳнамо, назми наво билимдони бош бўлган бу даврани ҳали кўп эслаб юруرمىз. Бугун таралган куй — кўшиқлар, яралган ғазаллар умримизга ҳам, ишимизга ҳам мазмун бағишлагай, рағбат бўлгай.

Комил Хоразмий сўз сўради. “Бажонидил- деди Феруз — айтинг, қимматли фикру мулоҳазангизга муштоқмиз устоз”.

- Хон ҳазратлари, бугунги илтифотингизга минг бора ташаккур. Мени маъзур тутгайлар, бу давра интиҳосида Муҳаммад Ризо Огаҳий пиру устозимизнинг бир рубойисини эслатиб ўтмоқни жоиз деб билурман. Руҳсат этсангиз, шуни айтиб берсам.

- Қани марҳабо, эшитурмиз.

Комил Хоразмий зукко кўзларини узоқларга, уфққа қадаганича қироат билан Огаҳийдан байт айтди:

**Киши сонсиз иморат қилса бунёд,
Ва ёким ҳаддин афзун кўйса авлод.
Тутиб бўлмас барисидин бақо кўз,
Қолур боқий жаҳон ичра магар сўз.**

- Баракалло устоз, фаҳму фаросатингизга тасанно! - деди Феруз, сўнгра даврада ўтирган шоиру фузалоларга қарата сўзида давом этди- кўрдингизми, Огаҳий сўз қадрини нақадар баланд тутган. Биз учун жонимиздан азиз фарзандлар ва не-не захматлар ила бунёд этилгуси иморатлар қадар қиёслаб, ҳатто алардин ҳам устун кўйган. Зеро, ҳаммамиз бу дунёга меҳмонмиз. Умр, вақт, мол-дунё ҳеч кимга вафо қилмаган. Одамдан фақат яхши сўз қолади. Ўз ўрнида, ўз ўлчовида айтилган сўз. Огаҳий ҳазратлари тагин шундай мисралар битган:

**Эй кўнгал одам ҳаёл айлаб дема, нодонга сўз,
Чуқки ул инсон эмас, топсанг дегил инсонга сўз.**

Огаҳийни эслаб, эслатиб кўп савоб иш қилдингиз устоз. Боя ўзингиз ҳам ғазалингиз охирида “Не қадру эътибор бўлгай садафга дурри ғалтонсиз” деганингиздек, бу даврада Огаҳийнинг ўрни сезилиб турди. Раҳмат сизга! Энди қози Муҳаммад Салим ҳазратларини чорласак, Огаҳий руҳига Қуръон тиловат этсалар. Сўнгра тарқалурмиз. Дарвоқе, Комил устоз, эртага ҳузуримга келсангиз, маслаҳатли гап бор.

* * *

Ҳамиша тинч, осойишта, хотиржамлик билан ўтмаган хонлиқдаги ҳаёт. Ҳамиша ҳам базми жамшидлар бўлавермаган. Созу суҳбат кўнгилларга сиғмаган ҳар доим ҳам. Қанча селу тўфонлар, жангу жадаллар, тожу тахт, мансаб таллашиб ҳатто ота-бола, оға-инилар ўртасидаги жанжал-у низолар, фитналар, ёвмуллар, мўғуллар, туркманлар билан бўлган қирғинбарот

олишувларга гувоҳ бўлган бу қадим шаҳар. Феруз Хивани руслар томонидан қамал қилиниши давридаги ҳолатларни кўз олдига келтирди, ўшанда Полвон Мирзобоши (Комил Хоразмий)нинг маслаҳатларига қулоқ тутмаганида, ёнидаги бошқа аъёнларининг “Ўрисга ён бермаймиз, курашни давом эттира-миз” деган хитобларини амалга оширувига изн берганида қанча аҳоли, қолаверса мана бу асрий ёдгорликлар ер билан яксон бўларди. Хон ҳеч хотирасидан кўтарилмайдиган ўша хатарли лаҳзаларни яна бир ҳаёл кўзгусидан ўтказди.

Хива хонлигини забт этишдан асл муддао, мақсад нима эди? Бу ўз ўзидан аён... пахта, пилла, қорақўл тери каби табиий бойликларидан ташқари маънавий, маданий мероси, ноёб бойликлари ҳам бор эдики, кўпроқ шу туфайли кучли давлатлар тажовузига дучор бўларди бу юрт. Кудратли давлат деб ҳисобланган Русия Хива хонлигини забт этишнинг тажовузкорона режасини тезлаштирди. Тошкент, Кўқон, Бухорони босиб олгандан кейин (XIX асрнинг иккинчи ярми) Хивага кўз тика бошладилар. Ниҳоят 1873 йилга келиб Туркистон, Кавказ, Оренбург генерал губернаторларидан 13 минг аскар, 56 оғир тўп, 17 пулемёт каби энг зўр қурооллар билан қуроолланган рус аскарлари май ойи охирларида Хива шаҳри атрофларини қуршаб олдилар. Хива қамал ҳолатида қолди. Қалъа дарвозаларининг орқа томонидан кўмилиб, истеҳкомлар мустаҳкамланди. Ҳар дарвозага Муҳаммад Ризо Тўра, Элгузар Иноқ, Султон Ғози тўра, Абдуқодир тўра, Раҳимбердибек, Оллоберган тўралар маъсул этиб тайинланди. Худоёр Қушбеги, Раҳматулла ясавулбоши, Абдулла махрамларни ёнига олганича кўпмингкишилиқ аскарларга бош бўлиб Ғозовот томонидан Маҳмуд ясавул боши Ғовук қўли йўли орқали душманларга қарата юриш қилишга чорладилар. Ҳар қанча кўрсатилган қаршилиқ кутилган натижани бермади. Рус қўшинларини қўли баландлиги, кучли ҳарбий техникага эга эканлиги ҳар лаҳзада намоён бўла бошлади. Тўплардан тўхтовсиз отилган ўқлар шаҳар мудофасини таъминлаётган аҳолини саросимага солиб қўйди, гранаталар отилиб дарвозалар орқасидаги истеҳкомлар бузилди, Ичон- қалъа, Дешонқалъа деворлари ўпирилиб, шаҳар вайрон бўла бошлади. Қалъани ҳимоя қилиш учун куч излаб, уларни бирлаштирган ҳолда ҳужумга ўтиш ва душманни шу йўл билан чекинтириш мақсадида шаҳардан ташқарига чиқиб кетган Саид Муҳаммад Раҳимхонни ўйлаган режалари ҳам барбод бўлди. Худди игна билан қудуқ қазиган каби не-не заҳматлар, машшақатлар билан бунёд этилган обидалар сал вақтда ер билан яксон бўлиши, аҳолини беҳуда нобуд бўлиши шундоқ аён эди.

Ҳалиям икки ҳафта давом этган жангларда юзлаб одамлар ҳалок бўлган, шаҳарнинг бир қисми вайрон этилганди. 29 май куни пешин маҳали Ҳазорасп дарвозаси орқали Хива ичкарасига киришга муваффақ бўлишди. Истилочилар шаҳарни талон-тарож қилишга киришдилар. Хон саройидан тортиб олинган мол-мулклар орасида олтин, кумуш, тангалар, қимматбаҳо эгар-жабдуқ, юганлар, турли хил матолар, гиламлар, чинни идишлар, турли соатлар, мусиқа асбоблари, қурол-ёроғлар, ҳаммасидан ҳам катта бойлик - ноёб китоблар, сержило ва сервиқор Хива хонлари ўтирган тахт Санктпетербургга жўнатилди. Талон-тарож, қирғин шу тариқа давом эта бериши, шаҳар вайронлар орасида қолиши муқаррар эди. Матмурот девонбеги ва яна унинг уч-тўртта тарафдори хонни шунга даъват этди. Аммо хон тахтига ўтирган йилдан бошлаб мирзобошилик вазифасида ишлаб келаётган Полвон Ниёз (Комил Хоразмий) шаҳар баттар вайрон бўлишини олдини олишга бутун ақл - идроки, куч-ғайрати билан ҳаракат қилди.

Хонга бу машғум ҳолатнинг аянчли оқибатларини тушунтира олди. Олдин туркманлар билан қилган низоларни бартавраф этишда ҳам ана шундай саъй ҳаракатлари билан хон эътиборига тушган эди. Бу гал ҳам хонни руслар билан мувосага даъват этди.

- Сулҳ тузмоқдан ўзга чорамиз йўқ - деди вазиятни тўғри англаб Муҳаммад Раҳимхон - Қани эди менга қолса бир қарич ерни ҳам, биронта бўлакни ҳам раво кўрмасдим. Лекин кучимиз тенг эмас. Айниқса қурол-аслаҳамиз ўрисларникига қараганда ўн баробардан ҳам оз. Туғилиб ўсган диёримни душман тўпларига оёқ ости бўлишни хоҳламайман.

1873 йилнинг кузида 12 август куни чор Россияси ҳукумати номидан Кауфман ва Хива хони Сайид Муҳаммад Раҳимхон Гандимён шартномасига имзо чекдилар. (Бу шартнома матни Комил Хоразмий томонидан хатга туширилди.) Хива хонлиги Русия ихтиёрига ўтди. Итоат этиб яшашдан ўзга иложи қолмади. Хонлик гарданига 2 миллион 200 минг сўм товон тўлаш мажбурияти юкланди. Рус подшолигига, фуқароларига тегишли кема Амударёда юриши бемалол эканлиги қайд этилди. Рус савдогорлари ҳеч қандай солиқ тўламасдан эркин савдо қилишлари, дўкон, омбор қуришлари мумкинлиги белгиланган бўлди. Хуллас, Хива дарвозалари Россия учун кенг очилганлигидан кўплар ҳайрон, кўплар бунинг туб моҳиятини англаб етган эдилар.

- Оллоҳнинг хоҳлагани бу - деди Полвон Мирзобоши хонга таскин бериб, -Яратганининг амрига бўйинсунмасдан иложи-

миз йўқ. Энг муҳими тани сиҳатлик, сабр-бардош. Бошга тушганни кўз кўради, дейдилар хон ҳазратлари. Кўл азият чекаверманг, шукр қилайлик. Ахир ўзингиз ашъорингизда айтиб қўйибсизку:

**Саломат аҳли бошига фалақдин,
Даме тинмай ёғар сангу маломат.**

**Маломат тошидан озурдадурлар
Бу кўҳна дайрда аҳли фаросат**

**Маломат чекмайин десанг жаҳонда
Худони берганига қил қаноат**

**Қаноат бирла сабр ўлса санга нш,
Ҳар ишда қилмагунг ҳаргиз надомат.**

Феруз қалдини тиклаб, қаршисида таъвозе билан турган садоқатли бу инсоннинг фаҳми-фаросатига ичидан тан берди: “Асли шоирда. Дардимга малҳамни ўзим ёзган ғазалдан излаб топишни лозим кўрди. Шоир халқи гарчи ашъорларида “Мен” сўзини қўлагани билан, аслида одамларни кўнглидаги тўйғуларини тараннум этиб, халқи номидан, эли номидан сўз айтади. Замонлар келар, менинг бу шеъримдаги куйинишларим беҳуда эмаслигини, халқим дардини ўз дардим деб билганлигимни, шоҳ эсамда замон зайли олдида ожиз қолганлигимни Комил Хоразмий каби келгуси авлодларим ҳам тушиниб етарлар”.

Феруз нимадандир суюнган ва куюнган пайтлари кўнгилга яқин одамларни ҳузурига чорлаб, улар билан суҳбат қурмоқни хуш кўрар эди. Бундай дилкаш гурунлар, мулоқотларни кўпчилиги нозик дид, фаросат, ўткир зеҳн-идрок соҳиби Комил Хоразмий билан ўтарди. Руслар истилосидан кейин хон уни ўзига жуда яқин олар, ўрислар билан бўладиган музокара-ю мусоҳабаларда ўрис тилини анча -мунча билганидан (Комил Хоразмий Абдолбобо авлиёси ёнидаги қул бозоридан икки нафар русни сотиб олган, улардан рус тилини сўраб-суриштириб, бироз ўзлаштирган эди) унинг хизматидан кўп фойдаланар эди. “Бу гал ҳам бирор фойдали мулоқотта чорлаганга ўхшайди” ҳаёлидан ўтказди Комил Хоразмий.

- Ўз уйингизда янги мактаб очишда кўрсатган саъй ҳаракатларингизни шоҳиди бўлиб қувондим — деди Феруз Комил Хоразмийга илтифот билан чой узата туриб — пайт келар рус тилида ҳам, ўз она тилида ҳам илму-фан қўшиб ўргатиладиган

бундай мактаблар, янада кенгаяр. Мавжуд мадрасалардан фарқли ўлароқ, бу ерда дунёвий билимларни, хорижий тилларни зеҳн билан ўрганишни янада муқаммал йўлга қўймоғимиз даркор. Яна мактабингизда фақат бойлар, пулдорларнинг эмас, ўткир зеҳн, иқтидорга мойил камбағалларнинг болаларини ҳам ўқитиш зарур. Ахир бу савоб, худо йўлига қилинадиган хайрли иш.

- Бу гапингиз жуда ўринли — деди Комил Хоразмий — меҳнаткаш халқ орасида шундай интилувчан, илм-фан эгаллашга ихлос-эътиқоди баланд ёшлар борки, топиб тарбияласак, келажакда улар мамлакат ривожига бебаҳо ҳисса қўшгайлар.

- Яшанг, мени тўғри тушиндигиз. Энди яна бир муҳим вазифани адо этишга даъват этмоқчиман. Зеро бу борадаги хайрли ҳаракатларимиз сустлашмасин, аксинча дадиллик билан давом этсин.

Комил Хоразмий девонбегидик лавозимига тайинланганидан буён Муҳаммад Раҳимхоннинг серқирра фаолиятига ҳайрат ва ҳавас билан қараб, унинг ноёб фазилатларининг борган сайин кашф этар, фан, маданият, санъатга раҳномолигини бағоят қадрлар эди. Ахир бу жаҳон айвонида не-не ҳукмдор-у арбоблар ўтишган. Улар бутун куч-қудрат, заковатларини кўпинча фақат салтанат юмушларига сафарбар этганлар. Феруз эса салтанат ва мамлакат ривожини бир-бирига боғлиқ ҳолда олиб бораётганлигига кўплар қатори Комил Хоразмий гувоҳ, нафақат гувоҳ бундай хайрли ишларнинг иштирокчиси эди. Ҳозир ҳам хоннинг мангуликка даҳлдор бир юмушни зиммасига юклашини қалбан ҳис қилди “ Халқ, мамлакат келажак, равнақи учун ҳар қандай оғир юкни елкага ортиб, манзилга элтмоққа тайёр туришимиз керак. Қолаверса хон ҳар кимга ҳам ишонавермайди” Ферузнинг салобатли, даъваткор овози ҳаёлини бўлди.

-Ўтган галги мушоирамизда ўқиган газалингиз хотимасида яхши бир гап айтдингиз. Бу гапингизни Огаҳий ҳазратларининг ашъори билан исботладигиз. Таъкидингиз тўғри: умр ўткинчи, сўз боқий. Бу дунёда сизу биздан келажак авлодларни эзгуликка, яхшиликка, бунёдкорликка даъват этгувчи сўз қолади. Хуллас, Эрондан тош босма олдирганимиздан хабарингиз бор. Ана шу мамлакатдан келган Иброҳим Султоннинг шартнома муддати тугади. Лекин у кишига минг раҳмат. Парчахослик Отажон Обдол ўғлига тошбосмани икир-чикирларигача ўргатиб кетди. Шў пайтгача тошбосмада хонлик ҳужжатлари, айрим китоблар босилган. Бу старли эмас. Имкониятдан фойдаланиб халқимизнинг илмга, адабиётга бўлган эҳтиёжини қондирмоғимиз фарз. Ахир китобларни фақат мадрасаларга эмас халққа ҳам етказиб бермоғимиз лозим. Матбаачилик шўъбаси

бошлиғи Табибий билан бир дастур ишлаб чиқсангизлар. Китобот ишларини жонлангирмасак бўлмас, не дедингиз?

- Хон ҳазратлари — деди Комил Хоразмий-дардни чеккан табиб. Зар қадрини заргар биледи. Мен ўзим ҳаттот, Мирзо боши бўлиб ишлаб, ҳарфма ҳарф китоб кўчириш нақадар мушкул, игна билан қудуқ қазииш билан баробар эканлигини биламан. Бундай мушкулдан қутқарганингиз учун сизни яратганинг ўзи ярлакагай. Ойлаб, йиллаб бажариш қийин бўлган ишлар енгиллашди. Ишонч ва илтифотингиз учун раҳмат. Бу ишни Сиз айтган даражада давом этишини йўлга кўюрмиз. Хотирингиз жам бўлсин хон ҳазратлари.

Комил Хоразмий Феруз ҳузуридан чиқибоқ шу ўртада, Кўҳна Аркнинг ўзида тош босма жойлашган бино томонга йўланди. Шоир Табибий ҳам шу ерда экан. Отажон босма (Одамлар унга шундай лақаб қўйишган эди.) билан айвонда узоқ суҳбат қурдилар. Гап ишларни жонлантириш, янги шогирдларни жалб этиш ҳақида борди. Иш жараёнини кўздан кечиришди. Котиб тош босмага ўйилган ҳарфларга маҳсус сиёҳ куйгач, иккинчи варақларни қўйиб, айлана филдираксимон усқунани унинг устидан юргизяпти. Тош босмадан чиққан варақлар эса пешмапеш қуритилиб, тоқчаларга териб қўйиляп ти.

- Бу фақат битта вараққа мўлжалланган экан-деди Комил Хоразмий-унинг ҳажмини катталаштириш керак, шунда иш унуми яна ошади.

Ҳафта, ўн кун ўтмай тош босма фаолияти жонланди. Бора-бора босма табоғи кўп бўлган йирик асарлар, бир-икки дона эмас, ўнлаб чоп этилиб, қўлма қўл бўлиб кетди. Илк китоб одат бўйича энг аввало хонга тақдим этилар эди.

Бир куни Муҳаммад Раҳимхон Феруз Комил Хоразмийни Кўҳна Аркдаги ўз кутубхонасига олиб борди. Бу ерда жамланган нодир китобларни Феруз хонлик хазинасидаги бойликдан ҳам афзал, зиёда кўришини Комил яхши биларди. Рус истилосининг илк кунларида фон Кауфман уч юздан зиёд китобни берухсат тўғридан-тўғри талон-тарож қилиб рус подшосига совға қилиш мақсадида Московга юборганидан ҳабар топганида ич-ичидан қуюнган, кўзларига ёш келганди. Шундан кейин у кутубхонасини янада бойитиш илинжида бўлди. Дунёни турли бурчакларидан араб, форс, турк тилларида ҳуснихат қилинган беш юздан ошиқ китоблар жамланди. Мана, энди Хивани ўзида, тош босмада босилган ўндан ошиқ китоб ноёб асарлар қаторида турибди.

- Бунда Сизни ҳиссангиз ҳам катта-деди Феруз - кўп китобларни чоп этилишига шахсан бош-қош бўлдингиз, котиблар аҳволидан мунтазам хабар олиб турибсиз.

- Аслида бу ҳаммаси Сизнинг ҳиммат, саҳоватингиз самараси-деди Комил Хоразмий- Йиллар ўтар. Бу хайрли иншларингиз аҳли илм, халқ томонидан ҳали кўп эътироф ва таҳсинга сазовор бўлгусидир.

Комил Хоразмий тоқчага тартиб билан терилган китобларга меҳр билан кўз ташлади. Ана “Подшои замон типолитографияси” илк маҳсули—“Нисобус-сибиён”(“Болалар насибаси”), буюк ўзбек шоири, давлат арбоби, узтоз Алишер Навоийнинг “Ҳамса” сига кирган “Ҳайрат ул аброр” “Ҳазойин ул маоний” (50 минг мисрани ўз ичига олган бу китоб сўз бошисини ўзи ёзган эди.)...

Феруз Муҳаммад Эрнӣёзбек ўғли Оғаҳийнинг 530 бетдан иборат “Таъвиз ул ошиқин” номли девонини қўлига олиб, ихлос билан кўзига суртди.

- Афсус тош босмада босилган бу китобини кўрмай кетди деди Феруз ва устозининг дилида ҳамиша такрорлаб юрадиган ва ўзига ҳам таниш бўлиб қолган мисраларини ёд айтди:

**Оғаҳий шеърин ўқи, гар хушдил ўлмоқ истасанг,
Ким тараб мазмунидир жонпарвар ашъоримга хос.**

Оғаҳий ашъорлари ҳали асрлар оша халқимиз кўнглини кўп хушнуд этади. Устознинг бошқа девонларини ҳам чоп этиш чораларини кўрмоқ лозим.

Тош босма тафаккурни чарчлайдиган ўткир восита бўлиб қолди. Отажон Обдалов ўз ёнига Оллоберган Раҳим ўғли деган ёш чаққон йигитни шогирд қилиб олди. Муҳаммад Ёқуб, Хударған Харрот, Хударған Муҳрқон, Исмоил Девон каби ўткир қобилият ва истеъдод соҳиблари ҳам матбаа машшақатларини енгиб, бу соҳа ривожига ҳисса қўшдилар. Оғаҳий, Феруз, Баёнӣй, Муҳаммад Расул Мирзо, Пир Комил, Комил Девонӣй, Муҳаммад Юсуф Рожий, Муҳаммад Табибий, Фуломий, Султонӣй, Саъдий, Фозий, Раҳмон қули қори каби ижодкорларнинг баёз ва девонлари тош босмада бирич-кетин нашр этилиб, нафосатга ташна дилларни қондира бошлади. Тош босма ўша даврнинг буюк кашфиётларидан бири бўлиб қолди. Тош босмада Комил Хоразмийнинг ҳам 204 бетдан иборат 1773 байт шеърни ўз ичига олган алоҳида девони босмадан чиқди. 1882 йилда чоп этилган илк девони эди бу. Орадан беш йил ўтиб 2850 байт шеърини ўз ичига олган 232 бетдан иборат иккинчи девони дунё юзини кўрди. Ҳар иккала девон ҳам Феруз кутубхонасидаги нодир китоблар қаторига қўшилди.

Тош босма ишени йўлга қўйишда чинакам жонкуярлик қилган садоқат ва ихлос билан ишлаган Комил Хоразмийга Муҳаммад Раҳимхон Феруз яна бир бошқа масъулиятли ишни топширмоқни кўнглига туккан эди....

* * *

... Тўртинчи бора шам ёққанида қороз-қаламни бир нафас чеккага суриб учқур хаёлларга берилди.. “Таржима — икки халқни, икки дилни бир-бирига боғловчи қудратли восита, дўстлик, қардошлик ришталарини мустаҳкамлайди. Тил равнақиға хизмат қилади. Меҳр-оқибатни устивор этади. Хон ҳазратлари мутаржимлик санъати тақомили йўлида яхши саъй ҳаракатлар қилиб, шарт-шароит яратиб бердилар. Дедиларки, “Таржима нусха кўчириш эмас, балки қайта яратмоқдир. Шундай таржима қилмоқ жоизки, маҳаллий халққа тушуникли, содда, равон бўлсин. Аммо асардаги мазмун, мантиққа асло халал етмасин!”

Бир наст ором олган бўлдида XVI асрда яшаб ижод этган Сафийнинг “Латойиф ат тавойиф” асарини яна қўлига олди. Сафий улуг ижодкор. Навоийнинг замондоши Ҳусайин Воиз Кошифийнинг ўғли. Асли исми Фахриддин Али. Сафийнинг “Маҳмуд ва Аёз”, “Рашахат” номли асарларини ҳам ўқиган. Ҳаётий, қизиқарли, зўр асарлар. Вақти келар бу асарлар ҳам таржима қилинар. Бироқ ҳукмдорлар, олимлар, шоирлар, шайхлар, дарवेशлар ва ўша даврда яшаган бошқа тоифадаги кишилар ҳаёти ҳақидаги ихчам ҳикоялар, латифалардан иборат “Латойиф ат тавойиф” (“Турли тоифаларни латифалари”) китобини таржима қилишни айнан хон ҳазратларининг ўзлари буюрган. Шиддад билан ишга киришди. Бундан олдин Бардхурдор бин Маҳмуд Фароқий Мумтознинг “Махфил аро” (“Мажлиста зийнат берувчи сўзлар”) асарини форсчадан ўзбекчага ўтириш чоғидаги тажрибалари қўл келди. Мутаржимликнинг ўзига хос томонларини ҳисобга олиб ўн тўрт бобга киритилган тўрт юздан ошиқ ҳикоя, латифаларни китобхонлар савияси, дидига мувофиқлаштирди. Қайта ишлади. Эринмади. Шомдан тонггача таржима устида ўтирган пайглари бўлди. Пайғамбарлар, авлиёларга бағишланган, Жомий, Навоий ва бошқа шоирлар ҳақидаги ҳикоялар, латифаларни айниқса завқ-шавқ, ихлос билан таржима қилди.

- Шундай катта китобни қисқа вақт ичида таржима қилиб кўп савоб иш қилдингиз — деди Феруз асар билан мухтасар танишиб — энди бу китоб келажак насллар ҳаётини нурафшон этгувчи бебаҳо мулкимиз бўлиб қолажак.

Муҳаммад Раҳимхон Феруз Комил Хоразмийга сермаш-шақат, аммо ўта хайрли бошқа бир вазифани топширганида яна унинг зукколиги, ақл-идроки, жонкуярлиги, туғилган юртига меҳр, эътиқодини назарда тутди. Хон саройида бўлиб ўтган баъзи жамшидларнинг бирида Ферузнинг адабиёт, санатга раҳнамолиги, ўзи ҳам бу билимлардан хабардор эканлиги, шоир — у созанда, бастакор — у гўяндалар бошини бир жойга қовуштириб мақом кечалари уюштириётганлиги ҳар қанча таҳсинга сазовор эканлиги қайта-қайта тилга олинди. Айниқса Хоразм мақомларининг халқнинг даҳсиз мулки, уни камситган ва ёки бузиб ижро этган кимсаларни қаттиқ жазолаш тўғрисидаги фармони айти санъат аҳли ва санъатсевар халқ ҳақидаги ғамхўрликнинг тимсоли деб баҳоланди.

— Мақомларни тушиниб, ҳис қилиб куйламоқ ва тингламоқ масадани бир томони-деди Феруз — аммо яна бошқа бир муҳим томони ҳам борки, биз буни кечиктирмасдан ҳал қилмасак келгуси авлодлар бизни кечирмайдилар. Ота-боболаримиздан бизга мерос ўн икки мақомнинг олти ярими мавжуд. Қолганларичи? Қаердан топамиз мақомларимизнинг йўқолганларини? Кимдан оламиз? Мен кўп ўйлаб бу саволга жавоб топмадим. Шундай қарорга келдим: агар мақомларимизнинг ҳозирги бор бўлганини қоғозга тушириб қўямасак йиллар ўтиб, бора-бора уларнинг ҳам изсиз йўқолиб кетиши ҳеч гап эмас. Бу ишни хассос шоиримиз, моҳир созанда, бастакоримиз Комил Хоразмийга топширсак. Бир неча бор ўрус юртига — Петербург, Московга, қолаверса Тошкентга борганида бу иш билан қизиққан, анча-мунча ўрганган, зарур бўлса яна юборамиз. Мақомларимизни асраш-авайлаш, бойитиш йўлида неки даркор бўлса аямаймиз. Мол-мулк, олтин-қумуш ўрнини тўлдириш, қоплаш мумкин. Аммо унутилган, йўқолган меросни қайта тиклаш, топиш мушкул, жуда мушкул. Балки адо ҳам этиб бўлмас бу ишни. Шунинг учун мақомларимизни қоғозга тушириб қолдириш иштини Комил Хоразмий бошчилигида ҳаммамиз ҳам-жиҳат бўлиб амалга оширсак.

Бу қимматли фикр давра аҳлига нафақат кайфият, рағбат, шодлик, балки фахр, гурур бағишлади. Санъатсевар ва элпарвар хонга ихлос, эътиқодлари янада ошди. Ҳамма хайрихоҳ эканликларини, зарур бўлса мададини аямасликларини билдирдилар.

Комилнинг кўнгли беғубор туйғуларга тўлиб-тошди, Худди куй, наво, кўшиқнинг ўзидек сеҳрли куч уни оҳанрободек оғушига тортди. Бир эзгу истак, ишонч, мақсад, гурур билан олдин улуг пир — Паҳлавон Маҳмуд мақбарасига қадам ранжида қилди. Забардаст сиймо хоки пойини тавоб этди, руҳи

покига Куръон тиловат қилди. Улуғ пир даргоҳидан қушдек енгил, руҳан тетик бўлиб чиқар экан, гўё унга бошлаётган буюк ишига Пурёйвалий (Паҳлавон Маҳмуд лақаби) нинг ўзи оқ фотиҳа бериб қолгандай туюлди. Хужрасига қайтиб қўш табақали деразани очиб юборди. Хонага баҳорнинг майин хуш тоза ҳавоси уфурди. Комилнинг кўнгли ҳам баҳордай яшнаб, тоза-риб кетгандай эди шу топда. Довот, қоғоз-қалам олиб ишга киришмоқчи эди. Лекин шу лаҳзаларда кўнглига яхши бир ўй келди - ўзидан олдин ўтган устозларини ёдга олди. Аслида унда мусиқа санъатига бўлган меҳрни Муҳаммад Раҳимхон I (1856-1863 йилларда хонлик қилган.) сулоласи уйғотган. Хива мадрасасида муддарис бўлиб ишлайдиган отаси Абдулла Охун уни комил инсон бўлиб етишмоғини орзу қилиб яхши тарбия берди, саводини эрта чиқариш ҳаракатида бўлди Мадраса қошидаги мактабга ўқишга берди, сўнг мадрасасига олиб борди. Бу ерда ҳам ихлос билан сабоқ ола бошлади. Уйда отаси ёнида ўқиганларини, ўрганганларини такрорлаб айтиб берар, ўғлини хотираси, илм олишга иштиёқни баландлигидан қувонган отани ўзи ҳам унга араб, форс тилларини ўргатиб борарди. Адабиётга бўлган ҳавас ҳам отасининг қимматли ўтит, маслаҳатлари билан оша борди. Мумтоз шоирларни, айниқса ғазал мулкисининг султони Алишер Навоийни ўзига устоз билиб кунт билан ўргана бошлади. Ҳатто буюк шоирга меҳри тобора ошиб унга тақлидан шеър устозлар машқ қила бошлади. Отаси ўз жигарбандининг шеърят аталмиш нафосат гулшанига шайдо бўлиб, ана шу жаннатий боғдан ўзига хос гулдасталар саралаётганидан мамнун бўларди. Мадрасада ўғлининг хаттотлик санъатини, мусиқани ихлос билан ўрганаётганидан қувонарди. Мадрасани битказганидан кейин ноёб истеъдод, талант учқунларини кўрган Хива ҳукмдори Сайид Муҳаммадхон уни саройга ишга чорлади. Комил хаттот бўлиб хизмат қила бошлади. Афсуски, бундай эҳтиромга сазовор бўлганлигини падари бузруквор кўра олмади. Узоқ давом этиб келаётган касаллик туфайли ўғли мадрасани битказиш арафасида дунёдан кўз юмди. Ўғлининг йиллар ўтиб оламшумул ишларга бош бўлишини кўрмай кетди. Начора, бир кам дунё...

Мана ота вафотидан йигирма олти йил ўтиб, Муҳаммад Раҳимхон Феруз даврида, эллик етти ёшида мақомларни нотага тушириш шарафига муяссар бўлиб турибди. Кўз олдига Сайид Муҳаммадхон ҳукмдор бўлган пайти хаттот бўлиб ишлаган даврдаги саройдаги ўтиришмалар, соз-суҳбат кечаларига лутфан тақлиф этилган пайтлари, сўнг унинг ўғли Бобожон Тўра Муҳаммад Раҳимхон -11 хонлик даврида санъаткорлар қато-

рида ўзи ҳам тамбур чертиб, газал айтган кезлари келди. Азиз устозларини ёдга олди: Ниёзхўжа, Муҳаммаджон сандиқчи, Абдусаттор маҳрам Хўжаш ўғли, Худойберган этикдўз...

Петербург сафарини эслади: 1874 йил. Аини куз фасли. Руслар истилосидан кейинги паришон кунлар. Феруз мамлакатнинг кейинги тақдири, тинч-тотувлиги, маданият, санъат ривожини ўйлаб, бир гуруҳ сарой аёнлари билан уни Петербургга жўнатган эди. Ўшанда Комил ўзи билан олиб борган танбурни, гижжакни Николай оқ подшони ўзи иштирок этган базмда шундай сайратган эдики, оқ подшога кўшилиб зиёфатга йиғилганлар узоқ қарсақ чалиб туришганди. Ўшанда ниҳоятда завқланиб кайфияти кўтарилган Николай II Комил Хоразмийга эман дарахтидан ясалган қоп-қора ажойиб пианинони совға қилган эди. Комил бу катта мусиқа асбобини ҳам қисқа муддатда ўрганиб, Гандимёнда Отажон Тўра ҳовлисида макон қуришган Генерал фон Кауфман бошлиқ ўрисларга чертиб берганида улар роса ҳузурлангандилар. Мураккаб чолғу асбобини ўрганиб олган йигитга ҳаваслари келиб унинг ноёб талантига тан берган эдилар. Ўша йили, ундан сўнг ҳам Петербургга берганида нота ёзувига қизиққан Комил бу ҳақда Муҳаммад Раҳимхонга келиб айтганида хон ҳайратланган, суюнган ва “Менинг мақомларимизни бузиб айтган, қадрига етмаган одамларни жазолаш ҳақида фармон чиқарганимдан бохабарсиз. Мен бу ишни бебаҳо мулкимиз бўлган мақомларни келгуси авлодларга мумкин қадар мукаммал ҳолида етиб борсин деб қилдим. Агар мақомларни Сиз айтган нотага туширсак улар абадул-абад тарих зарварақларига муҳрланиб қолгай. Келгуси авлодлар кўзларига тўтиё қилиб, биздан бағоят миннатдор бўлурлар. Мен Сизга албатта имкон яратурман.” деган эди.

Мана, энди ўша имкон ишга чорляпти. “Ўн саккиз минг оламини яратган қодир эгам, ўзинг мададкор-у ўзинг паноҳ бўлгайсан! Фазл-у караминг кенг. Илоҳий шафоатингдан баҳраманд этгайсан.” Шиддат билан ишга киришди. Петербургдан олиб келган нота ёзувларни олдига қўйиб уларни қайта-қайта синчковлик билан кўздан кечирди. Сир – у синоатлари қаерда экан? Гоҳ майин, гоҳи жарангдор оҳангларни қоғозга қай тарзда муҳрламоқ лозим? Мақомни даромади, ўрта авжи, авжи, катта авжи бор. Овознинг кучини куй баробарида аниқ ва тиниқ кўрсатмоқ, қоғозга жойламоқ жойиз. Оддий, тушиникли йўсинда. Катта дафтарнинг ҳамма варақларига танбурнинг ўн саккиз нардасига қараб ўн саккиз чизиқ тортиб чиқди, яна уч-тўрт дафтар варақларини шу таҳдиддаги чизиқлар билан тўлдирди. Сўнг қайси куй нечанчи пардага тўғри келса зарбларнинг

урилишига биноан зарур нуқталарни нотага жойлаштириб чиқди. Бу юмуш аввали кўзига осон бўлиб кўринсада кейинчалик худди игна билан қудуқ қазини каби мушкул, нозик иш эканлигини англади. Лекин чекинмади, лоқайдликка, хотиржамликка берилмади. Ҳатто кўп тунларни бедор ўтказди. Шу тариқа “Рост” мақомининг бош қисмини нотага олишга муваффақ бўлди. Бу мақомни ўзи басталаган “Пешравий Феруз”, “Мураббайи Комил” куйлари билан тўлдирди. Кўп меҳнат, заҳмат, машшақат-талаб иш эди бу!

Комил Хоразмийнинг бу таҳлит жонкуярлигидан, тиниб-тинчимаслигидан огоҳ бўлиб турган Муҳаммад Раҳимхон бу инсоннинг сабр-тоқати, иродаси, куч-ғайратига қойил қоларди. Айниқса янгиликка интилиши, давр, замон руҳини ижодига пайванд, вобаста этиши хонга хуш ёқарди. Комил ўзидаги бу каби фазилатларни фарзандларига ҳам сингдира олди. Фарзандлари ҳам адабиёт, санъатни чинакам шайдолари эдилар. Катта ўғли Матрасул Мирзо таҳаллуси билан, ўртанча ўғли Абдурасул эса Пуркомил таҳаллуси билан шеърлар ёзар, саройдаги мушоира кечаларида ўқиб беришганида хонга, давра қатнашчиларига манзур бўлганидан Комил Хоразмий ота сифатида бағоят шодланарди. Фарзандларининг ёзганлари айрим баёзларда чиққанида уларни девон тартиб беришларини орзу қиларди. Фарзандлар санъат бобида ҳам отага эргашдилар. Мақомларни нотага тушириш чоғида сал бўш вақт топишса отаси ёнига ошиқдилар. Абдурасул Гурланга Ҳоким бўлиб кетганидан кейин нота ёзуви билан боғлиқ ишлардан бироз чекинди. Хон саройида мирзабоши бўлиб хизмат қилаётган Матрасул эса отасининг бу хайрли ишига қизиқар, бутун вужуди билан берилиб диққат-эътиборини бир нуқтага жалб этар эди. Ҳатто чарчаган пайтлари отасига ёрдам беришга чоғланарди. Комил Хоразмий ўйланиб қолди: қараб турса ўғли бу ишни ўзидан ҳам мухтасар давом эттиришга қодир.

- Ўғлим, - деди куллардан бир куни - биласан, давлатни кўп ишлари менинг зиммамда. Девонбеги сифатида мамлакатни бутун бож, хирож закотларини йиғиш, жамлаш ишига бош бўлиш осон эмас. Бу ёғи Питнак, бу ёғи Хўжайли, Кўнгирот, Кўҳна Урганчгача бу ишларни йўлга қўйиш мушкул. Хонга айтман, энди нота ёзув ишларини ўзинг давом эттирасан. Бунинг учун имконинг бор. Сен муқим Хиванинг ўзидасан. Хон сенга ишонади. Ахир сен унга танбур, гижжак чалишни ўргатгансан. Бир даврда ҳатто сени мақтаб “Мусиқа соҳасидаги муаллимим” деб айтганида бошим осмонга етган эди.

Комил Хоразмийнинг фикрини хон маъқуллади. Отасидан

кейин Матрасул Мирзо Хоразм олти ярим мақомини “Танбур чизиги”га муҳрлашни охирига етказишда гайрат, ҳиммат ва садоқат кўрсатди. Нота ёзувидаги мураккаб жиҳатлар-уфқий чизиқлар орасидаги фарқлар, нағмаларни хоналарга ажратиш, ҳар мақом бошида бу мақомга хос махсус усул ёзиш, гўянда билан чалинадирган айтимларни айрим, гўёндасиз чалинадиган оҳангларни алоҳида ёзув қилишда эринмади. Отаси изидан бориб бастакор сифатида “Рост” мақомига “Сабъ” ва “Уфорий” номларида икки куй басталади. Унинг бу муҳим ва оламшумул ишга ижодий ёндошганлиги нотанинг “Тасниб” ва “Мушкулот” яъни “Манзум” ва “Мансур” қисмларини алоҳида-алоҳида иккита китоб қилганида янада яққол намоён бўлди. Муқаддас манба — мақомлар нота ёзувининг бутун Хоразм элининг бебаҳо мулкига айланишида, унинг мукамаллик касб этишида Муҳаммад Ёқуб харрот, Худойберган муҳркон, Комил Девоний, Муҳаммад Юсуфбек Баёнийлар ҳам мададкор, ҳамкор, ҳамнафас бўлдилар. Улар томонидан ҳам “Танбур чизиги” нотаси бир неча бор қайта кўчирилиб нусхалари кўпайтирилди. Комил Хоразмийнинг ўзи бу ишларга бевосита раҳбарлик қилиб турди. Энди санъаткорлар суянадиган салобатли “тоғ”-нота ёзуви мусиқа аҳлини узоқ-яқиндан оҳанграбодек ўзига тортарди. Энди улар нотага туширилган мақом йўлларини изчил ижро этиш санъатини ўрганишга ихлос ва эътиқод билан киришиб кетдилар.

* * *

Комил Хоразмий ўзбек адабиёти, санъати, маданияти ривожига катта ва бетакрор ҳисса қўшди. Шоир сифатида ўзбек мумтоз адабиётида ўзига хос салмоқли ўрин эгаллади. Хушхат ҳаттот, моҳир мусиқачи, билимдон бастакор ва давлат арбоби сифатидаги хизматлари билан ҳам тарихда ўчмас из қолдирган. Фарзандлари Муҳаммад Расул Мирзо, Абдурасул — Пур Комиллар ҳам отаси каби эшпарвар, ватанпарвар инсонлар бўлганлар.

Ана шундай илғор фикрли, халқ хизматига камарбаста, маърифатпарвар инсон ҳаёти умрини охирида аянчли кечганлиги тажжубланарли. Бунга хон атрофида мансаб-у мартабага эришмоқ ниятида ҳар қандай жирканч ишлардан ҳам қайтмайдиган мунофиқ, иззатгалаб, хушомадгўй, ичиқора кимсалар сабабчи бўлганлиги тарихдан аён. Комил Хоразмий етти йил девонбегилик вазифасида мамлакатни идора этишда фаол иштирок қилди. Фарзандлари, шогирдларини ҳам эзгу, савоб ишларга даъват этди. Адабиёт, санъат, маданият ривожига билан боғлиқ

тадбирлар бошида турди, Бироқ унинг давлат арбоби сифатидаги фаолияти узоқ давом этмади. Калуга шаҳрида сургунда бўлган Матмуротни унинг тарафдорлари яна Хивага қайтаришди ва аввалги девонбегилик вазифасига тайинланишига эришдилар. Комил Хоразмийнинг шундан кейинги ҳаётида булутли кунлар бошланади. Аммо бу қора булутлар унинг ижодига таъсир қила олмади. Бир неча муддат мирзобошилиқ вазифасида ишлайди. Сўнгра қасаллиги туфайли хон бу ишни унинг ўғли Муҳаммад Расул Мирзога топширади.

Саройдаги фиску-фижур, фитнес, игво, тухмат, тайзиқлар таъсирида жисмонан ва руҳан азоб чексада умидсизликка берилмайди, ижод этишда давом этади. Ҳатто умрининг охирида кўзи ожиз бўлиб қолсада ўзи қурдирган қорихонада муридларга Куръон тиловатини ўргатиб, ўзини халқ ишига камарбаста эканлигини ҳис қилиб, шундан қаноат топиб яшайди. Эл-юрт хизматида бўлишни сўнгги нафасигача бурчи, эътиқоди, Ватан олдидаги қарз ва фарз деб биледи. 1899 йилда етмиш тўрт ёшида ҳаёт билан видолашади. Комил Хоразмий ҳаётининг сўнгги давларигача адабиёт ва санъатга содиқлигича қолди. Унинг фарзандлари — 1922 йилда саксон уч ёшида вафот этган Муҳаммад Расул Мирзо, олтиш беш ёшида оламдан ўтган Абдурасул (Пуркомил) номи ҳам халқ орзу-умидлари рўёби йўлидаги хизматлари, ижоди билан эл-юрт ёдида, тарих зарварларида муҳрланиб қолди. Комил Хоразмий ва фарзандлари хизматлари, уларнинг ижодий салоҳияти олимлар, тарихчилар, ёзувчи ва шоирлар томонидан эътироф этилган ва эътироф этилмоқда.

* * *

Навраз фикр ва тоза таъб шуародин, фазл ва ҳунар аҳли орасинда мумтоз Паҳловон Ниёзким фозиллар гуруҳу ичра тахаллуси Комилдур.

Муҳаммад Эрнӣзбек ўғли ОҒАҲИЙ.

* * *

**Комилнинг мусиқийшунос,
Жаҳонда йўқ манаду қиёс.
Ки абётдин эрур хуш адиб,
Ки шеърларидур ажиб бир шариф.**

**Шаймоқомга ажаб устод бўлиб
Қолиб андин неча анъорлар,
Мақоми Феруз ондин ёдгорлар.**

* * *

**Дағи Мирзо файзли ҳаддин зиёд,
Ҳамага эрур назмга устод.
Жаҳон ичра шогирди бисёрдур.
Гул назмига таъби гулзордур.
Улус ичра унга кўндир эътибор,
Эрур маҳкама ичра лайлу наҳор.
Бу абёт онинг файзли ҳолатидур,
Гувоҳи касбу камолатидур.**

* * *

**Пуркомил Абдилрасул эрур,
Шоҳаншоҳга ҳам маҳбул эрур.
Онинг ҳолатидин неча сўз,
Бу абётдин онларсиз рамуз.
Пуркомил ажаб кибру гурур,
Бўлиб анча илмига мағрур.**

...Пур Комил Ферузнинг ҳаётидан кейин Асфандиёрхон замонида Гурланга иккинчи марта ҳоким бўлиб турадур. Аммо 1916 йил 10 январ кечаси ёвмут туғёнчиларидан ёвмут ўрус тийрасини бошлиғи Курбон Муҳаммад сардор исён қилиб, маҳкамаи девонхона бошлиғи Абдуллажон мирзо (Муҳаммад Расул Мирзонинг ўғли. А. С.) бошини отиб шаҳид қилганида, онинг ўрнига Асфандиёрхон томонидан Пур Комилким Абду-расулбой демак билан машхур эрди, маҳкамий девонхонага мирзо бошилиғи бўлиб тайин бўлади. Сўнгра дағий 1920 йил 5 январ душанба куни Хива Саид Абдуллани хонлигидан узл этиб, Хоразм халқ жумҳурияти пайдо бўлгач, Пур Комил марказий ижройи кўмитасида газиначилик вазифасида ишлаб, 1926 йил Урганч районида қайнатасининг уйида ўладур.

Ҳасанмурод Қорий ЛАФФАСИЙ.

* * *

Машхур мусиқашунос Абдусаттор маҳрамнинг дўғон синглиси Авазжонни Абдулло Муфти Нурбой Жук ўғлига никоҳ қилиб берганлар. Абдулло муфтининг маскур Авазжон хотунидан бир ўғил дунёга келиб Паҳлавон деб одлаганлар.

Муҳаммад Раҳимхон Соний замонида генерал Кауфмоннинг Хиванинг истилосидан сўнгра аҳднома ёзилганида котиблик вазифасини адо қиладур. Ўзининг ишчанлиги орқасинда мирзабошлик рутбасина етишадур. Бир хили замонлардан кейин девонбегилик мансабина тайинланадур.

Абдусаттор маҳрамни шоғирди, усто Худойберган адикчидан шашмақом нағмаларини ўрганиб, мусиқа илминда фавкуллода бир маҳорат соҳиби бўлиб, Хоразмда махсус бир нўто ихтиро қиладурким, ҳозир бу нўто халқ орасинда мутавулдур. (Машҳур ва яшаб келмоқда. Б. М.) Рост мақомига “Мураббайи Комил” олида бир нағма боғлагандур.

Алли бетдан иборат узун бир қасида “Наврузисий” си бордур. Форсий дилига шунинг даражада ошно бўлўб, ўрисча дилни ҳам ифода маром этажак қадар билур эди. Умрининг аксарисини китобхонлик билан ўтқариб, ҳар қачон ёнида хоразмнинг илғор кишилари, олим ва адиблари онинг супраси (дас-турхони) каноринда неъматхон эди.

Мулла Бекчон Раҳмон ўгли,
Муҳаммад Юсуф Девонзода.

* * *

...Муҳаммад Раҳимхон Полвон мирзобошининг вафотидан кейин унинг ўғли Муҳаммад Расулни мирзобоши қилгон. Муҳаммад Расул эски мактабни ва мадраса таълимини тўлиқ битказган, ҳаттотлик илминини ҳам яхши эгаллаган. Халқ билан алоқаси яхши бўлган. У 40 ёшидан шоирлик билан шуғуллана бошлаган.

* * *

Шоир Пири Комил баёни: шоирнинг исми Абдурасул, отасини исми Полвон мирзобоши бўлган. Абдурасулнинг адабий номи Пир Комил эди. Бу номни танлаганда Комил Хоразмийнинг ўғли эканлигини назарда тутган. Абдурасул Хоразмда машҳур бўлган Полвон ота деган авлиё кўмида туғилган. Шоирнинг ижтимоий чиқиши ҳақида гапирганда унинг ёзувчи оиласидан чиққан дейиш мумкин.

Шоир Абдурасул беш илмга эга бўлган: эски мактабни битказган, мадраса таълимини олган, нота мақомларини билган, яхши шоир, хушхат ҳаттот бўлган. У девон тартиб бергон. Лекин бу девон кимнинг қўлида қолганлиги номаълум.

Шоир Абдурасул бир неча йил Гурлан туманига Ҳоким бўлди. Халқ билан алоқаси жуда яхши эди.

Абдурасул 40 ёшларидан шоирлик билан шуғуллана бошлаган. Унинг отаси Полвонмирзобоши бўлгани учун у олти ярим мақомни тўлиқ билар эди.

Бобожон Тарроҳ Азизов – ХОДИМ.

* * *

Комил поэзиясининг халқчиллиги, шундаки у ўз ижодининг ҳамма даврларида адолатни, тараққиётни ёқлади. Халқнинг эзгу умидларини куйлаб, зулмни, жаҳолатни қоралади. Шунинг учун ҳам унинг ижоди ўзбек классик адабиётини илғор вакиллари ижодига ҳамоҳангдир.

Абдуқодир ҲАЙИТМАТОВ,
филология фанлари доктори, профессор.

* * *

Муҳаммад Расул Мирзо замонасининг етук маърифат аҳли-ларидан бири бўлиб, истеъдодли шоир, заковатли мусиқашунос, зарқалам, сермаҳсул муаллим ва дидли таржимон сифатида ном чиқарди. Ўзбек маданияти тараққиётига катта ҳисса қўшди. Шейрият, музика назариясини мукамал билган устод сифатида мавқега эга бўлди. Кўпинча тарғиб бериладиган девонлар поэтик жиҳатдан унинг қаровидан ўтар, баъзи девонларга ўзи муҳаррирлик қиларди. Шейрий муҳокамаларда Мирзо адабиёт назариячиси сифатида қатнашарди. Шу босидан ҳам Хива “Мажмуатуш-шуаро”сини тузган Аҳмаджон Табибий ўз мажмуасида қарда Мирзо номи келса “Шейр элини аллома-си”, “Сабоқий назмда пир”, “Шоир аҳлининг устоди”, “Эрур Мирзо барчага устод” деб уни улуғлайди.

Мирзо тасаввурича, шейрнинг шейр бўлиши учун қуруқ зийнат, либос, муглақо кифоя қилмайди, шейрга маъни ва рангдор, товланиб турадиган иборалар керак. Бу эса шейрга қон-жон киритишини таъкидлайди Мирзо.

Юнус ЮСУПОВ – АЙЁМИЙ.

* * *

...Комил Хоразмий ўзининг энг яхши маслаҳатлари, сулҳ-парварлик сиёсати билан хонликда ном чиқарган прогрессив кишилардан бири эди. Манбаларнинг гувоҳлик беришича Комил Россия ва қўшма давлатлар билан тинч-тотув яшаш, ички низоларни бартараф қилиш ҳамда жаҳон маданиятидан баҳраманд бўлиш каби ғояларни илғари сурган.

**Эмас кишига бу дунёда мулк мол камол,
Мусулу илму ҳунар келди безавол камол**

каби мисраларида илм-у маърифатни юксак баҳолади.

**Нурмуҳаммад ҚОБУЛОВ,
филология фанлари доктори, профессор.**

* * *

Комил Хоразмий адабиётимиз ва маданиятимизнинг машҳур арбобларидан биридир. Унинг энг муҳим тарихий хизмати шундаки, у ўзбек классик адабиётининг илғор ва яхши традицияларининг меросхўри бўлиб майдонга чиқди ва уларни XIX асрнинг иккинчи ярмида Хоразмда давом эттириб, у ерда прогрессив адабиётнинг ривожланишига катта ҳисса қўшди.

Комил Хоразмийнинг ижоди биз учун фақат тарихий, маърифий қимматга эга бўлиб қолмай, муҳим амалий, тарбиявий аҳамиятга ҳам моликдир. Унинг халқ ва мамлакат манфаатлари йўлидаги олийжаноб интилишлари ҳозирги авлодлар учун намуна бўлса, бу интилишлари йўлида ёзган бадиий асарлари, жўшқин лирик шеърлари уларга завқ ва илҳом бағишлайди.

**Фулом КАРИМОВ,
филология фанлари доктори, профессор,**

* * *

Комил Хоразмий талантли шоир сифатида кўп шеърлар ёзиб, илғор ғояларни тарғиб қилиши, таржимон сифатида Шарқ адабиётининг ажойиб намуналарини ўзбек тилига таржима қилиши, бастакор сифатида куйлар тўқиши ва музыка тарихи масалалари билан шуғулланишидан ташқари давлат арбоби сифатида мамлакат идора ишларида фаол иштирок этган. Айниқса 1873 йил ҳарбий ихтилоф даврида муҳим роль ўйнаган эди. Комил Хоразмий ғайрати ва ташаббуси натижасида Россия билан Хива хонлиги ўртасидаги уришнинг олди олинди, беурин қон тўкилишига чек қўйилган эди. Комил Хоразмий Россия билан Хива хонлиги ўртасида тинч иқтисодий муносабатлар ўрнатиш ишига ҳам катта ҳисса қўшган кишидир.

**Субутой ДОЛИМОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, профессор.**

Ўттизинчи йилларда биз ўқиган, вилоятда эмас республикада ҳам энг катта илм даргоҳи ҳисобланган Хива педагогика техникумига Хоразм адабий муҳитининг таниқли вакиллари — Чокар, Комил Девоний, Сафо Муганний, Курбон ота Исмоилов, Партав, Роғиб каби шоирлар тез тез келиб туришарди. Мушоира пайтида улар Навоий, Огаҳийлар қатори Комил Хоразмийни ҳам ўзларига устоз эканлигини фахр билан таъкидлар эдилар.

Мен адабиёт муаллими сифатида ишонч билан айта оламанки, Комил Хоразмий — ўзбек классик адабиётининг йирик намоёниси. Менда унинг иккита девони бор. Ҳазаллари, мухаммаслари, рубоийлари, жуда сермаъно, серҳикмат. Ўғиллари Матрасул Мирзо, Абдурасул Пир Комил таҳаллуси билан битган Ҳазаллар ҳам завқ билан ўқилади, яхшиликка, гўзалликка ундайди.

Кадрдон дўстим, шоир, адабиётшунос Айёмий домла (Юнус Юсупов) Комил Хоразмий ҳақида “Тун ва нохун” драмасини ёзиб биринчи бўлиб менга ўқиб берган эди. Қувонганимдан кўзларимга ёш келган. Бу асар Огаҳий номли вилоят мусиқали ва драма театрида саҳналаштирилди.

Комил Хоразмий авлодлари унинг руҳини шод қилиб юрибдилар.

Раҳим НАЗАРИЙ,
Ўзбекистон халқ таълими талочиси.
1987 йил, 1 апрель

Куй-қўшиқ, айниқса мумтоз мақомлар инсон қалбига қувонч, тафаккур оламига ёруғлик, кўнглига эзгу орзу-умидлар, юрак ва билағига илоҳий қувват ато этиб келган. Одамзод қувончи ичига сиғмай қолган пайтида ҳам, ғам-алам, ташвиш қайғуга ботган дамларида ҳам мусиқадан малҳам топган, мусиқага таянган. Оҳанрабо оҳанглар оғушида одамзод ором олган, онги ойдинлашган. Ўзидаги илоҳий куч-қудратни мусиқа орқали эзгу ва хайрли ишларида намоён этишга ошиққанлар. Истеъдодли ижодкор Комил Аваз ўз асарига “Олис оҳанглар” деб ном бериш бежиз эмас.

Комил Аваз Хоразм адабий муҳитида ўзига хос салмоқли ўрин эгаллаган фаол ижодкор. Талантли шоир, ёзувчи, тарихнавис, драматург, мунаққид. Ўнлаб бадиий, илмий-оммабоп китоблар,

саҳна асарлари, видеофильмлар муаллифи. Огаҳий номли вилоят мусиқали драма ва комедия театри ва Огаҳий жамғармаси раҳбари сифатидаги фаолияти маданиятимиз ва маърифатимиз тараққиётига қаратилганлиги билан диққатга сазовор. Комил Аваз Хоразм мусиқа маданияти билимдони ва жонкуяри сифатида алоҳида эҳтиром, эъзозга лойиқ. Унинг бу борадаги саъй ҳаракатлари мумтоз мақомларимиз, уларни яратган мусиқа арбоблари ҳаёти ва ижодини чуқур, пухта ўрганиш, тадқиқ этишда намоён бўлади. Худди мана шу изланиш ва интилишлари адибнинг “Олис оҳанглар” китобида жамул - жам бўлган.

Комил Аваз ишончли манбаларга таянган ҳолда Хоразм мусиқа маданиятини нақадар улугвор ва устивор эканлигини исботлаб беради. Мақомларнинг пайдо бўлиши, мусиқа чолғулари, Хоразмда азалдан мавжуд бўлган ўн икки мақом негизлари, қадим ўлкамиздаги мусиқапарвар инсонлар, хусусан Муҳаммад Раҳимхон Соний – Ферузнинг саз аҳлига раҳномлиги, мусиқа илми билан шуғулланган олимлар, ижодкорлар, саънаткорларни машнақатли фаолияти асарда ўз ифодасини топган. Айниқса Хоразм олти ярим мақомини нотага тушириб қолдирган ота-бола Комил Хоразмий ва Муҳаммад Расул Мирзо, уларга кўмакдош бўлган Муҳаммад Ёқуб харрот, Худойберган муҳрон, Муҳаммад Юсуфбек Баёний, Чокар, Матноно Худойберганов, Комил Девоний каби алломаларни меҳр билан қаламга олади. Мадраҳим Шерозий, Ҳожихон Болтаев, Комилжон Отаниёзов каби таниқли саънаткорларнинг ижро услублари ҳақида тўлқинланиб ёзади.

“Танбур чизиги”га битилган Хоразм мақомларини (Баёний кўчирган нусха асосида) келгуси авлодларга етказиш йўлида Хоразмнинг биринчи Ҳокими Маркс Жуманиёзовнинг 1995 йил 29 сентярдаги 203 – сонли қарори ва шу қарор асосида амалга оширилган хайрли ишлар, бу борада чекилган заҳматлар, машнақатлар ва шу билан бирга қувончли лаҳзалар, Озод Бобоназаров, Озод Иброҳимов, Аҳмаджон Машарипов сингари мусиқа билимдонларининг Хоразм мақомларини “Танбурчизиги” да битилган аслини ҳозирги нота чизигига кўчириш борасидаги бетиням ҳаракатлари, фидойилиги, мухтасар қилиб айтганда қийин иш ва катта ишончнинг қай даражада амалга ошганлиги таъсирчан тарзда ҳикоя қилинади.

Хиванинг 2500 йиллиги олдидан (1997 йил) айна юбилейга тўёна қилинган, Ғ. Фулом номли адабиёт ва саънат нашриётида чоп этилган Комил Авазнинг бу китоби Хоразм мусиқа маданияти арбоби Комил Хоразмий руҳини ҳам шод этди десак муболаға бўлмас.

Комил Хоразмий билан машхур санъаткор Комилжон Отаниёзов ижодининг бир-бирига ҳамоҳанг, бир-бирига чамбарчас боғлиқ бир томони бор. Бу ҳақда менга таниқли кўшиқчи ёнида йигирма йилдан ошиқ доирадас бўлиб ишлаган Отаназар Абдолниёзов ҳикоя қилиб берган эди.

- 1966 йил эди - дея сўз бошлаган эди Отаназар оға — узоқ Африкадан қандайдир бир таниқли санъаткорлар гуруҳи Тошкентга келди. Бир неча кун давомида пойтахт аҳолисига концерт берди. Шу кунларда Комилжон Отаниёзовнинг ҳам концерти бор эди. Кўлда торини сайратиб турган катта афишаси пойтахт бўйлаб, кўзга кўринарли жойларга ёпиштириб ташланганди. Афишаларни кўришган шекилли, ўша африкалик санъаткорлар концертимизга кириб, олдинги қаторда ўтиришди.

Концерт бошланди. Одати бўйича уста “Ассалом” деган машхур кўшиғини айтиб, залда ўтирганларга ҳурмат - эҳтиромини билдирган бўлди. Сўнг “Феруз”, “Сувора”, “Ушшоқ”, изидан замонавий кўшиқларга ўтди. Концерт охирида “Хоразм лазгиси” янгради. Саҳнага товусдек товланиб Гулчеҳрахон Исмоилова чиқди. Кўшиқ бошланиши билан атрофни қарсақлар тутиб кетди. Гулчеҳрахон даврани тўлдириб хиром этарди. Бир пайт ҳалиги африкалик аёл-у эркаклар саҳнага чиқиб, баъзилари ўтирган еридан туриб ўйинга тушиб кетдилар. Уларни кўрган ўзимизнинг ўзбек томошабинлари ҳам кўшилдилар. Комилжон ака бу манзарадан ҳайратланиб борган сари жўшиб куйлар, кўшиғи барча миллат, санъат иштиёқмандларига бирдай таъсир этаётганидан завқланиб кетганди.

- Кўрдингми, “Лазги” нинг қудратини! — деди уста концертдан кейин уйга қайтиб дам олаётганимизда — Узоқ африкалик қора танлилар Гулчеҳрага кўшилиб ўйнаганлари кўзим олдидан кетмай турибди. Ўзинг гувоҳсан, бу куйга ҳиндлар, испанлар, турклар, руслар, туркман-у қозоқлар, бошқа не-не миллат кишилари кўшилиб ўйнаганларига. Инсон вужудига асли жон мана шу “Лазги” орқали кирганлиги ҳақидаги ривоят бежиз эмас. Ана шундай мўъжизали куй бу! Ҳар қандай одамни мафтун қилиб даврага чорлайди.

Бунинг бошқа бир “сири” ҳам бор эди. Комилжон Отаниёзов “Лазги” оламига янгилик олиб кирди. Авваллари “Лазги” фақат куй тариқасида ижро қилиб келинарди. Уста унга биринчи бўлиб сўз боғлади. Кўп изланди. Куйга монанд сўз топиш учун кўп китобларни варақлаб чиқди. Комил Хоразмийнинг

“Сўзла менга эй санам, кимнинг севар ёрисан?” деб номланган газали маъқул бўлди.

**Коматинга бандадур боғ аро сарви равон,
Лаъли лаби рашиқдин гунча эрур бағри қон.
Чунки чаман саҳнида бўлса юзинг гулфишон,
Ноласия айлар фузун буябулий бехонумон,
Сўйла менга эй санам қимни севар ёрсан?**

Бу кўшиққа айниқса “Эй қора кўз бўй-буй, эй қора кўз гал бари” деган нақорати худди узукка қош қўйгандек мос тушди. Кўшиқ бошланишидаги “Гани тоғлар, гани тоғлар, қорли бўлар қорсиз бўлмас, йигит боши омон бўлса молли бўлар молсиз бўлмас, омон, омонэй, омон!” сўзларини ҳам кўшиқ матнидан келиб чиқиб, устознинг ўзлари қўшган эдилар. Хуллас Комилжон Отаниёзов “Лазги”ни кўшиқ билан айтишни биринчи бўлиб бошлаб берганлиги билан янада шуҳрат қозонди, тарихда қолди. Бунинг учун у бир умр Комил Хоразмийдан миннатдор бўлиб юрди. Қачон Хивага келсак, Паҳлавон Маҳмуд пиримиз мақбасини зиёрат қилганларидан кейин, албатта Комил Хоразмий мангу макон топган қорихона, уй музейига кириб, руҳларига дуо фотиҳа қилишни канда этмас эдилар.

- Комил Хоразмий буюк зот бўлган. Агар мана шу сулҳпарвар инсон бўлмаса. Ичон қалъадаги мана бу асрий ёдгорликлар ўрислар тўпига туталиб, ер билан яксон қилинарди, аҳоли қирилиб кетарди. Агар бу зот ҳаракат қилмаса бебаҳо бойлигимиз — Хоразм мақомлари нота ёзувига олинмай йўқолиб кетарди. Унинг халқ олдида, тарих олдидаги хизматлари кўп. Руҳлари шод бўлсин. Қолган авлодларига Оллоҳ соғлик, омонлик, баланд мартабалар ато этган бўлсин. Ҳали шундай замонлар келадики буюк хизматлари янада қадр-қиммат топади, улуғланади - дерди.

Комилжон Отаниёзов ўз исмдоши, элдоши Комил Хоразмий билан бениҳоя фахрланар, асарларини севиб мутолаа қилар, у кишидан қолган меросга меҳр-у муҳаббати чексиз эди. Комил Хоразмий муҳаммаси асосида дунёга келган “Лазги” ана шу меҳрнинг лазиз меваси эди...

* * *

Комил Хоразмий ва унинг фарзанди Муҳаммад Расул Мирзо томонидан қоғозга туширилган “Танбур чизиги” нота китобининг мамлакатимиз Президенти Ислоҳ Абдуганиевич Каримовга тақдим этилиши ва юртбошимизнинг бу ноёб меросни асраб — авайлаб келаётган Ҳофиз Олланазаровга мактуб йўллаши барча хоразмлик элдошларимизни мамнун қилди.

Айниқса республикамиз санъат иштиёқмандлари, санъаткорлар, қолаверса Комил Хоразмий авлодлари учун бу кутилмаган ва қувончли хушxabар эди. Айни мана шу рисолага маълумотлар тўплаб юрган кезларим эмасми, менда ҳам бу воқеага қизиқиш уйғонди: Ҳофиз Олланазаров ким? Қерда туғилган? Касби кори қандай? Исмига яраша санъатга даҳлдор инсонми ёки?: “Танбур чизиги” нота китоби унинг қўлига қандай тушиб қолди? Ана шу каби саволларга жавоб топиш мақсадида пойтахт Тошкентга йўл олдим. Тошкент Давлат консерваториясида ишлайдиган элдошимиз, таниқли санъатшунос Отаназар Матёкубов Ҳофиз Олланазаров яшайдиган манзилни айтди, телефон рақамини берди.

Отаназар оға билан бўлиб ўтган қисқагина мулоқот чоғида бу киши бутун жаҳон аҳли эътироф этаётган миллий мусиқа санъатимизнинг узоқ йиллик тарихи, бунда Хоразм мусиқа санъатининг ўрни ва салмоғи, оҳангларни қоғозга тушириш ишига илк бора бир неча асрлар муқаддам киришилганлиги, Хоразмда оҳангларни қоғозга тушириш борасида эса XVIII аср охирларида катта ишлар қилинганлиги, Муҳаммад Раҳимхон Феруз кўрсатмасига биноан Комил Хоразмий раҳнамолигида “Танбур чизиги” хоразмлик уста созандалар, хаттотлар иштирокида мусиқий ва назмий матнлари ёзилиб китоб ҳолига келтирилганликлари ҳақида қимматли фикр-мулоҳозалар билдирди. Эндиликда бу ноёб манба мусиқа маданиятимизнинг янада тараққий этиши учун хизмат қилажагини эътироф этди.

Эртаси куни (1 декабрь 2002 йил) Ҳофиз Олланазаров хузурига йўл олдим. Қишнинг биринчи куни. Кечаси бошлаган қор чор атрофни оппоқ либосга буркаган. Акмал Икромов туманидаги “Янги ҳаёт” маҳалласига етиб келганимда қор ҳамон шиддат билан ёғмоқда эди. Ҳофиз Олланазаров билан катта йўл чеккасидаги “Ватан” кино театри рўпарасидаги матбуот нашрлари сотиладиган дўкон олдида учрашдик. 50 ёшларга бориб қолган Ҳофизнинг кўнгли ҳам мана шу ёғаётган қордек оқ, беғубор эканлигига у кишининг хонадонида давом этган қизгин гурунг чоғида иқрор бўлдим. Қалби пок, кўнгли тоза, дилкаш, адабиёт ва санъатнинг чинакам шайдоси, шинавандаси эканлигидан гап-сўзларимиз тезда қовушиб, самимий мулоқотга берилиб кетдик.

- Мен Ҳазорасда туғилганман. 48 ёшдаман. Аждодларимиз адабиёт, санъатга, илм-фанга даҳлдор инсонлар бўлганлар. Бобомиз Исқандар Ёқуб ўгли Хоразмнинг машҳур ҳофизларидан бўлганлар. Уч хон кўрган. Хон саройида бўладиган соз-суҳбат кечаларида у кишига давранинг тўридан жой берар эканлар,

эхтимол “Танбур чизиги”ни ҳам ана шундай базмларнинг бирида бобомизга ҳурмат-эҳтиром рамзи сифатида совға қилгандирлар?. Бу ёғи бизга қоронғу. Лекин “Танбур чизиги”нинг асл, мукаммал ягона нусхаси бобомизда бўлганлиги ҳақиқат. Йиллар ўтиб умри охирида у бу ноёб қўлланмани ўғли Жуманиёз Максимга қолдиради. Жуманиёз Максимни мен яхши биламан. Арабча, форсча имлодан саводи жуда кучли эди, Ниҳоятда бой кутубхонаси бўлган. Шарқшунослик институтидан катта-катта олимлар келиб, Жуманиёз дадамиз билан қизгин суҳбат қуришар, у кишининг уйида тунаб кечаси билан китоб мутоласига берилиб нималарнидир ёзиб-чизиб ўтирганларини кўп кўрганман. Илмли инсон эдилар. Қуръони карим оятларини чуқур билар эдилар. Қироат билан Қуръон тиловат қилганларини эшитганлар гўё сеҳрланиб қолгандай бўлар эдилар. Кутубхонасидаги нодир китобларни ҳеч кимга ишонмас, бировга беришга қизганар эдилар. “Бошқа ҳар қандай нарса сўрасангизлар майли, аммо китоблар менинг қон томирим. Уларни олсангиз ана шу томирлар узилгандай бўлади” дер эдилар.

Эсимда, бир куни Комилжон Отаниёзов келди. Анча суҳбатлашиб ўтирдилар. Китобларни кўздан кечирдилар. “Сизда Комил Хоразмийнинг “Танбур чизиги” бор деб эшитдим - деди Комилжон ака — шуни бизларга берсангиз ” Анча пул, аниқ ёдимда, йигирма беш минг сўм бермоқчи бўлдилар. Бу ўша даврда катта пул эди. Беш минг сўмга битта яп - янги енгил автомашина сотиб олиш мумкин эди ўша пайтлар. Устоз қўшиқчининг санъат йўлида мол-дунёсини ҳам аямаслиги катта фидойилик, мардлик, санъатга садоқат ифодаси эканига тан берган эдик. Лекин Жуманиёз дадамиз (Биз шундай атар эдик у кишини) нинг китобга, санъатга, илмга, эътиқоди, садоқатига Комилжон акани ўзи ҳам таҳсин айтганди ўшанда. “Йўқ, бу китобни пулга, мол-дунёга алишиб бўлмайди, ҳар қанча ўргансангизлар келиб фойдаланишларингиз мумкин. Эшигимиз сизлар учун ҳамиша очиқ ”. Комилжон ака келиб-кетиб бу китобдан кўп нарсаларни ёзиб-чизиб юрдилар.

Жуманиёз дадамиз илмга шу даража берилганиданми, билмадим, ҳаётдан уйланмай тоқ ўтиб кетдилар. Дунёдан кўз юмар чоғида “Танбур чизиги” китобини синглиси Аминага бера туриб “Мен фарзанд кўрмадим. Лекин қизинг Бибиҳожарни ўғли Ҳофизни ўз фарзандимдай билардим, ёнимда кўп юрган. Кўз олдимда улгайган. Китобга меҳри зўр. Мусиқага ихлосманд. Номини ҳам Ҳофиз деб ўзим қўйганман. Балки келажақда санъаткор бўлар, балки бўлмас. Қайси касб-кор эгаси бўлиб етишса ҳам юрагини, қалбини санъат тарк этмаса бас. Санъатга кўнгил

қўйган одамнинг дили тоза, нияти пок, йўли ойдин бўлади. Бу китобни ана шу Ҳофиз ўғлимга беринглар ” деб васият қилиб қолдирган эканлар.

Тўғри, мен санъатга қизиқдим. Тор чалишни, ашула ай-тишни ўргандим. Ўрта мактабда ўқиб юрган пайтларим қўлда торим билан кўп тадбирларда қатнашдим. Ҳатто Хоразм телевидениясида кўшиқ айтиб чиққанман. Лекин тақдир менга риск-насибани бошқа касбдан берган экан. Мухандисман. Тошкент Политехника институтини битказдим. Пойтахтда яшайман. Шу ерда Малика деган қизга уйландим. Уч нафар фарзандимиз бор. Фазлиддин Занги ота туманида деҳқончилик қилади, уйланган. Нилуфархон исмли неварамиз бор. Олланазар ўғлим жаҳон иқтисоди ва дипломатия университетини охириги курс талабаси. Баҳром еттинчи синфда ўқийди.

Мустақиллик шарофатидан юртимиз гуллаб-яшнапти. Юртбошимизнинг маънавият-маърифатга бўлган чексиз эътибори барча элдошларим қатори мени ҳам беҳад қувонтирди. Кўп йиллардан буён асраб-авайлаб келаётган “Танбур чизиги” қадимий қўлёзма нота китобини Президентимизга туҳфа қилдим, хат ёздим. Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Хайриддин Султонов бир гуруҳ жамоатчилик вакиллари, маҳалламиз фуқаролар йиғини раиси Қаҳрамон ака бошлиқ фаоллар билан хонадонимизда меҳмон бўлиб, менга Президентимизнинг жавоб мактуби ва эсталик совғаларини топширдилар. Мендай оддий фуқарога эътибор берганлиги учун бутун оила аъзоларимиз, қариндошларимиз билан жуда мамнун бўлдик. Юртбошимиз ташаббуси билан қадимий нотанинг Тошкент Давлат консерваториясига тақдим этилиши эса Ватанимиз келажаги бўлган ёшларга, дунёни ҳайратга солаётган миллий санъатимиз ривожига бўлган юксак ғамхўрлик, катта эътибор ва фахр ифодасидир. Қолаверса, бу Комил Хоразмийдек буюк талант ва иқтидор соҳибларига, бутун Хоразм элита эҳтиром, эъзоз рамзи деб биламан.

Ҳофизнинг сўзларини тинглаб консерватория музейида кўриб кузатганимиз, бу ноёб асар миллий мусиқа асосларини ўрганишда муҳим қўлланма, айна пайтда ўзбек санъати ихлосмандлари учун ифтихор манбаи бўлиб қолиши хаёлимдан ўтди. Санъатшунос олимларнинг фикрича, бу китобни нодирлиги шундаки унда мусиқа оламида номаълум бўлган тўқсон еттита мумтоз ашулалар мавжуд. Улар дутор, танбур мақомларининг айтим йўлларига хосдир. Яна эътиборли томони шундаки китобдаги ашулалар матни Навоий, Мунис. Огаҳий, Комил Хоразмий, Муҳаммад Расул Мирзо, Ҳофиз Шерозий каби мум-

тоз шоирлар ғазаллари ва халқ оғзаки ижодиёти намуналаридан иборат. Соз ва овоз оҳанглари жуда содда, тушунарли, ра-вон ҳолда қоғозга туширилган.

Ана шундай ноёб меросга меҳр -муҳаббат рамзи — Президенти мактубини Ҳофиз Олланазаров чиройли рамкага солиб; уйи тўрида, китоб жавони ўртасида қўйибди. Табаррук хатни фахр билан қўлимга олиб ўқий бошладим:

ҲУРМАТЛИ ҲОФИЗ ОЛЛАНАЗАРОВ!

Сизга халқимиз маънавий меросининг беқиёс намунаси бўлмиш қадимги нота ёзуви — “Танбур чизиги” кўлёмасини тақдим этганингиз учун ўзимнинг самимий минатдорчилигимни билдираман.

Мана шундай бебаҳо асарни кўп йиллар давомида кўз қорачиғидай асраб-авайлаб келгани учун Сизнинг ота-боболарингизга, оила аъзоларингизга мамлакатимиз мусиқа жамоатчилиги номидан, ўз номидан ташаккур айтиш ҳам қарз, ҳам фарз деб ўйлайман. Бу, ўз навбатида, аждодларимизнинг маърифатни, санъат ва маданиятни нечоғлик юксак қадрлаганидан, доимо эзтуликка интилиб яшаганидан далолат беради.

Бой ва бетакрор мусиқа санъатимиз тарихининг ёдгорлиги бўлган бу нодир кўлёмза Ўзбекистон Давлат консерваториясининг мусиқа музейида сақланишини маъқул деб биламан. Бу ноёб асар миллий мусиқамиз асосларини ўрганишда муҳим қўлланма, айни пайтда мумтоз ўзбек санъатининг барча ихлосмандлари учун фахр-ифтихор манбаи бўлиб қолиши шубҳасиздир.

Сизга яна бир бор ўз ташшаккуримни изҳор этар эканман, хонадонингизга тинчлик-омонлик, бахт-у саодат тилайман!

Доимо соғ-саломат бўлинг!
Эҳтиром билан Ислон КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти.

Ўзи неча бор ўқиган бўлсада Ҳофиз мактубни мен ўқиганимда ҳам жуда берилиб диққат билан тинглади. Кўзларида қувонч ёшлари кўрдим. Чехраси қуёшдай ёришди. Кўнглига келган гапларни фахр ва гурур билан айтди:

- Мен Хоразмда, Хивада туғилиб камолга етган Комил Хоразмий раҳномолигида юзага келган нодир китоб туфайли юрт бошимиз назарига тушдим. Бу китобни битганларга, авайлаб-асраганларга, ўтмиш аждодларини ёдлаб руҳини шод қилиб

юрган элдошларимга, хусусан “ХИВА СОПОЛИ” корхонаси раҳбари, Комил Хоразмий чевараси Шоназар ога Аҳмедовга дунёдаги энг яхши истакларни билдираман.

Сухбатимиз узоқ давом этди. Ҳофиздан кўп нарсаларни билиб, ёзиб олдим. Эрталаб келган эдим. Вақтнинг қандай ўтганини ҳам билмабмиз. Оқшом туша бошлади. Кетишга чоғландим. Кўнглимга бир фикр келди. “Ҳофиз ога -дедим- ога-боболарингиз қори, эшон, мулла — имом бўлиб ўтган илмли одамлар экан. Сиз билан кутлуг айёмда-Рамазон Ҳайити арафасида учрашиб турибмиз. Ўтганлар руҳига бир Қуръон тиловат қилсангиз ”

Ҳофиз бағдошни бузди. Чўкка тушиб ўтирганича шундай сеҳрли, мўъжаз бир овозда тиловат қилдики, бутун вужудимда гўё чумоли ўрмалаб бораётгандек туюлди. Ана ихлос, мана эътиқод, илм! Гўё Ҳофизнинг ҳофизлиги мана шу тиловот қироатида эди. Шу топда кўзим олдида бу дориломон кунни кутганлар, ўз умрини фақат эзгуликка, яхшиликка, гўзаллик яратишга бахшида этган инсонлар, буюк аждодларимиз, иккимизни ҳам яхши ният билан дийдор кўришиш, туз-насиба тотишга ундаган Комил Хоразмий руҳи намоён бўлди.

Ҳофиз хонадонидан кўнглим шуурга, нурга тўлиб чиқди. Унга ўз исмидек улуғворлик, умри боқийлик тиладим. Хайрлашдик: “Хоразмда кўришгунча!” Ҳамон қор ёғмоқда эди. Яхши инсонлар кўнглидек оқ, бегубор, тоза...

* * *


“...Ҳаёт шундай мураккаб тилсим, таърифлашга тил ожиз мўъжизаки, уни фақат шодлик, қувончдан иборат деганлар янглишади. Инсон умрининг ҳам фасллари бор. Одамзод бу ёруғ дунёга келибдики, унинг бошида қиш қаҳратони, қор-ёмғирли, сел —тўфонли кунлари, ёз жазирамаси, куз сарҳисоби ва баҳорга юз тутган, гулларга бурканган онлари бўлади: Бобом Комил Хоразмий унинг фарзандлари ҳаётида не-не оқ-қора кунлар бўлган. Не-не кулфатларга дучор бўлганлар. Лекин сўнгги нафаситача халқим, элим деб яшаган.” Шуларни ҳаёлидан ўтказар экан Шоназар ога отаси Аҳмадjon уста айтган сўзларни эслади. Тез-тез такрорлар эди бу сўзларни: “Ўғлим инсонга бир умр уч нарса ҳамроҳ бўлади — ташвиш, йўқчилик, меҳнат. Шуларни енгиб яшаган инсоннинг иззат-ҳурмати, мартабаси баланд, йўли ёруғ бўлади. Боболаримиз мана шу уч нарсани енгиб яшагани учун ҳам буюк, суюк. Сен ҳам шунга интил!”

Шоназар Аҳмедов Комил Хоразмий дафн этилган муқаддас маскан, бобосининг ўзи қурдирган қорихонадан кўнгли осмондек тиниқлашиб, қалби қуёшдек ёришиб чиқди. Ҳали ҳаётнинг кўп – кўп кўз илғамас ҳикматлари борлиги, уларни фаҳмига етиб яшаш умр дафтарини сермазмун этишини қалбан ҳис қилди. Ичон қалъа музей кўрикхонаси Бош директори Ботир Давлетов ҳузурига йўл олди. “Комил Хоразмий қорихонаси, уй музейини янада бойитиш, кўркем қилиш лозим. Унинг номи билан боғлиқ мадрасани ҳам. Кенгашиб кўрайчи...”



Иккинчи қисм

АВЛОДЛАР



Меҳнатинг қадр топса, ўрнига тушса, муносиб баҳоланса – дунёдаги энг катта бахт, шодлик, қувонч айни шунинг ўзи. Ўзбек халқининг пешонасига битилган энг ёруғ кун, улуғ байрам- мустақиллик шодиёнаси қувончлари ҳали кўнгилларни тарк этмай туриб, яна бир хушxabар дилларни хушнуд этди. Қутлашга ошиқаётганларнинг изи узилмайди. Кўнғироқлар, ташрифлар...

- Унвон муборак бўлсин!

- Табриклаймиз!

- Арзийди, меҳнатингиз шунга лойиқ.

- Асли аждодларингиз улуғ одам ўтганлар. Комил Хоразмий, унинг фарзандлари, сизнинг боболарингиз Хоразм тарихида ўчмас из қолдирганлар. Уларнинг ҳам руҳлари шод бўлди.

Шоназар оға кўнгилга яқин дўст – ёрлари, ҳамкасблари, қариндошлари, кўни-қўшнилари дил сўзлари, самимий истаklarини эшитиб, бир томони қувонар, бир томондан жуда хижолат, безовта бўлаётганлиги юз-қўзларида акс этиб турарди. Камтарлиги, ўзини ҳеч қачон бошқалардан устун қўймаслиги, ҳамиша эл-юрт ташвиши-ю қувончлари билан яшаши, шу пайтгача ҳаётда нимага эришган бўлса булар ҳамжиҳатлик билан қилинган меҳнат, интилиш, изланиш меваси эканлигини дилдан ҳис қиларди. Аммо унинг кимлигини эл-юрти билар эди. Ҳамкасблари ташаббускор, жонкуяр, раҳбари борлигидан фахрланишарди. Узоқ йиллик меҳнати ҳукумат томонидан юксак қадр топган кун эса қувончлари ичига сиғмай беҳад севиндилар. 1991 йил Ўзбекистон Мустақиллигининг биринчи йилида Шоназар Аҳмедов юксак унвонга сазовор бўлди. “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган саноат ходими” нишони билан тақдирланди. Истиқлолнинг илк йилида Хоразм вилоятида биринчи бўлиб бундай улуғ номга мушарраф бўлиш қўша қувонч, қўша бахт эди. Бу қувончни элдошлари билан баҳам кўрди “Қарс икки қўлдан. Бу асли сизларнинг ҳам меҳнатингизга берилган баҳо – деди ҳамкасбларига – энди янада катта маъсулият сезиб ғайрат билан ишлашимиз керак!”

Унвон топширилган кун эса Шоназар Аҳмедовнинг ҳаёлидан кўп воқеалар кечди: ота-онасининг беш нафар фарзандни вояга етказиш учун чеккан заҳматлари, беғубор болалик, ўт-олов ёшлиги, ҳунарманд устага шогирд тушган пайтлари, илмга интилиш, олийгоҳга қабул қилинган кун, талабалик йиллари, иш фаолиятининг сермашаққат, жўшқин лаҳзалари, ўзига елкадош, ҳамдард, ҳамфикр бўлган дўст-ёрлар, қийинчиликлар, ташвишлар, изтироблар...

Оила қурган кезлари, бирин-кетин туғилган фарзандлар,

неваралар дийдори. Ўтган кунларни хаёл кўзгусидан ўтказар экан, ҳаётнинг бир ҳадисини чуқур англагандай бўлди: ҳар ким ўз аждодлари, шажараси, ўтмиши билан фахрланиб яшаса, уларга муносиб бўлишга интилса, меҳнати беиз кетмайди. “Бе-худа уринма! — дер эди отаси Аҳмаджон уста — бошлаётган ишингни охирини ўйла- бирон фойда, наф келтирадими, йўқми? Ҳозирдан яхши ўқисанг, илм олишга интилсанг, келажакда эл-юрт эътиборига тушасан. Ҳам хунарли одам ҳеч қачон хор бўлмайди”. Отаси унга тенгдошлари орасида сира кам бўлмаслигини, мудомо олдинга интилиб, қийинчиликлардан ҳайиқмай яшаш кераклигини уқтирар эди. Онаси ҳам буни маъқуллаб ўғлини келажаги тўғрисида қайғурарди. Ўн уч ёшида Матёқуб уста деган дурадгорга шогирдликка беришди. Уста ёш бўлсада куч-қувватга тўлишиб бораётган йигитчага синчков қараб турдида «Сен тенгилар кўча чангитиб, ота-онасига ҳам ёрдамлашмай шовқин кўтариб юришибди. Икки-уч сен тенги болани олдин ҳам олиб келишганди. Ҳафта-ўн кун юриб кетиб қолишди. Сен ҳам шундай қиласанми?» “Йўқ уста! деди Шоназар қатъий- мен ота-онамга сўз берганман Сизнинг фотиҳангизни олмагунча кетмайман!”.

Сўзлари равон, ҳатти-ҳаракатлари чаққон бу йигитча илк кунларданоқ устага ёқиб қолди. Қандай юмуш бўлса шошилмасдан, лекин пайсалга ҳам солмасдан бажаришга ҳаракат қиларди. Устанинг уйи бозорга яқин эди. Баъзан тузатган эшик, деразаларни бозорга олиб чиқишарди. Харидорлар худди кутиб тургандай тезда харид қилишар, айрим пайтлари турли буюртмалар бериб, ўзлари устанинг уйига келиб олиб кетишарди. Шоназар устасининг ҳар бир ҳаракатини диққат билан кузатар, ёш бўлсада ишлаш тартиби, йўлларини ўзлаштириб олишга ҳаракат қиларди. Пол, паталок қилиш энди расм бўла бошлаган даврлар. Уста буюртма олса кўпинча ёш шогирдини ҳам ўзи билан бирга олиб кетар, Шоназарнинг чаққонлиги, ҳар бир ишни пишиқ-пухта бажариши унга маъқул тушарди. Унга йигит кишига қирқ хунар ҳам оз эканлиги, касбини эъзозлаган одамнинг эл — элатда кам бўлмаслигини, оиласига ҳам, юртига ҳам нафи тегишини айтиб панд — насихатлар қиларди, Шоназарни ўз фарзандидек кўрар эди.

Ўрта мактабда қишки ва ёзги таътил кунларини Шоназар устаси ёнида ўтказарди. Бир кунни тушгача икки дона эшик тузатишди. “Бўлади, энди дам оламиз-деди уста, қани юр тушлик ҳам тайёр” Ёгоч сўрига ўтиришди. Матёқуб уста қозоннинг қопқоғига ўқшаш радио карнай овозини кучайтирди. Ундан мумтоз кўшиқ таралди:

**Қора кўзим кел эй мардумнинг эмди фаян қилгил,
Кўзим қаросида мардум қаби ватан қилгил.**

...Кўшиқ тугади. Уста гўё кўшиқ қанотида ҳаёлан узоқларга парвоз қилгандай анча пайтгача индамай ўтирди. Сўнг шогирдига юзланди:

- Аммо ширали овози борда Комилжоннинг. Одамни сеҳрлаб кўяди. Ҳар кўшиғи жонга дармон. Лекин билиб қўй ўғлим, бу ҳофизларга йўл очиб берган, барча санъаткорларга кўшиқ куйлаш, мақом айтиш қоидаларини ёзиб қолдирган сенинг бобонг Комил Хоразмий бўлади. Хон замонасида девонбеги, вазир бўлиб ишлаган. Жуда маърифатли, илмли, элпарвар инсон бўлган. Ҳовва, сен улуг инсонларнинг авлодисан ўғлим!

Шоназар бунга отасидан ҳам эшитган эди. Аммо ҳозир машҳур кўшиқчи Комилжон Отаниёзов ижросида янграган кўшиқ оҳанглиридан кейин устасидан эшитиб жуда фахрланди. Бир кунги Матёқуб уста уйларига келганида ҳам отаси билан ўтган аждодлари, хусусан Комил Хоразмий, унинг фарзандлари тўғрисида, куй-кўшиқ, санъатнинг одамзодга ҳамишалик ҳамроҳлиги, ташвишу қувончларига шерик бўлиб, яхшилик, гўзалликка ундаб туриши ҳақида узоқ гаплашиб ўтиришди.

- Сизга раҳмат-деди Аҳмаджон уста — ўғлимнинг қўли ишга анча келишиб қолибди, уйдаги майда-чуйда ишлар бўлса қўлига ранда, чўкичми олиб дарров тузатади. Ўзига дарс тайёрлайдиган устар-курси тузатиб олибди. Балки келажакда шу касби корини эгаллаб кетар, балки илм ўрганиб, бошқа соҳада ишлар. Бу ёғини яратганининг ўзи билади. Лекин ҳаётда меҳнат қилган одамнинг элда азиз бўлишини Сиз туфайли тушиниб етаётганидан миннатдоримиз. Барака топинг уста!

Матёқуб уста кетар чоғида Шоназарга оқ фотиҳа бериб тайинлади: Ота- онангнинг сендан умиди катта, яхши ўқиб, илми бўл. Ҳунар ҳам зое қилмайди.

Отангни ҳолидан тез-тез хабардор бўл. Бетоблигини ҳеч кимга билинтирмасликка ҳаракат қилгани билан аҳволини сезиб турибман. Худо шифо берсин. ” Отаси аҳволи бироз яхшиланди. Бироқ касаллик яна домига олди. 1963 йили Шоназар мактабни битказишига икки йил қолганида Аҳмаджон уста бу кўҳна оламни тарк этди. 62 ёшида ҳаёт билан видолашди. Ўша кунги таъзияга келганлар кўчани тўлдириб юборди. Узоқ-яқиндан келган дўст- биродорлари, таниш-нотаниш одамлар. Умри бўйи этикдўзлик қилиб, оддий касб-кори билан рўзғор тебратган, беиш фарзандни камолга етказган, меҳнаткаш бир инсоннинг одамийлик фазилатларини ёдга олиб дуога қўл очилди.

«Отам яхшилик уруғларини экиб кетган эканлар —ўйлади Шоназар — шунча дўст-ёрлари бор экан отамнинг. Балки уларнинг кўпчилиги отамдан оз бўлсада бирор яхшилик кўрган, ҳеч бўлмаса ширин суҳбатини олган одамлардир. Бежиз айтмас эканлар, қўлингдан келганича яхшилик қил, одамлар дардига малҳам бўл, ёрдамнингни аяма деб » Отаси васиятларига амал қилиб яшашни кўнглига жо қилди. Мактабда яхши ва аъло баҳоларга ўқиб, ўқитувчилари эътиборини қозонди. Ўрта мактабни тугаллагандан кейин уч йил ҳарбий хизматни ўтади. Сўнг Самарқандга йўл олди. Нияти ҳуқуқшунос бўлиш эди. Эл-юрт осойишталиги, адолат тантанаси, турмуш фаравонлиги йўлида ҳақиқатни ёқлаган ҳолда хизмат қилиш истаги шу касбни эгаллашга ундаганди. Босиқ, вазминлиги, ёш бўлсада, ҳаётга жиддий муносабати, синчковлиги ён-атрофдаги одамларни тақдирига бефарқ қарай олмаслиги, салгина ноҳақлик ҳукм суриб турганини кўрса, аралашиб масалани ҳал қилмагунча кўнгли жойига тушмаслигини кўрганлар, унинг келажақда чинакам ҳуқуқшунос бўлишини башорат ва орзу қилишар, қолаверса, ўзининг ҳам бу соҳада ишлашга майли кучли эди. Фақат ном, мансаб, мартаба учун эмас, адолат ва ҳақиқат тантанаси учун. Бироқ кечикиб келибди. Бу йўналиш бўйича ҳужжатлар қабул қилиниши тугалланиб, имтиҳонлар бошланиб кетган экан. Яна Хоразмга қайтди. Қишлоқ хўжалик техникуми (Ҳозирги Агробизнес коллежи) да бир неча ой хизмат қилиб юрди. 1967 йили ёз фасли Тошкентга йўл олди. Бу гал муҳандисликка ўқишни мақсад қилган эди. Иложини топа олса ҳам ўқиш, ҳам ишлашни режалаштирганди. Оилавий шароит шуни тақоза этарди. Олмалиқ тоғ металлургия комбинатига ишга жойлашди. Шу ерда мавжуд Тошкент политехника институтини муҳандислик факультетига ҳужжат топширди. Имтиҳонлардан муваффақиятли ўтди.

Олмалиқ. Шоназар бу шаҳар ҳақида кўп эшитган, ўқиган эди — ю бирон марта келиб кўрмаган эди. Энди мана шу катта шаҳар бағрида ҳам ўқиб, ҳам ишлай бошлади. Узоқдан Қурама деб аталган тоғ тизмалари кўзга ташланади. Шаҳарни чап соҳилида Оҳангарон дарёси оқиб ўтади. Олмалиқсой ана шу дарёга туташиб кетган. Баланд дарахтлар, арчалар. Боғлар, гулзорлар. Бир биридан улкан иншоотлар: мебель фабрикаси, сут, нон, пиво заводлари, маданият уйлари, кутубхоналар, кино театрлар, бошқа маданий, маиший, тиббий шаҳобчалар, ўқув даргоҳлари, боғчалар. Олмалиқда айниқса оғир саноат ривожланган. Уй-рўзгор буюмлари заводида хрустал, шиша, ойна, автомашина шиналари, елим пластмасса идишлар ишлаб чиқари-

лар экан. Темир бетон заводлари (Улар иккита) гишт, оҳак, ёғочсозлик заводлари, тош кесиш ва қурилиш материаллари комбинати. Шағал карьерда ҳаёт қайнайди. Шоназар ўзидан олдин бу ерга келиб ўқиётган ҳамшахар дўсти Сойибназар Бекчонов (У синфдош дўсти, қўшниси. Олийгоҳни битказиб катта қурилиш корхонаси — 2- сон кўчма механизациялашган колоннасида раҳбарлик қилиб келаяпти. “Ўзбекистанда хизмат кўрсатган қурувчи ” фахрий унвони билан тақдирланган.) билан бўш пайтлари шаҳарни айланиб ана шу катта корхоналар фаолияти билан қизиқишар, бунёдкорлик жабҳалардаги қайноқ меҳнат жараёнини кўриб инсони қўли гул эканлигига, агар у жаҳд килса тоғларни ҳам талқон қилишга қодир эканлигига тан беришарди.

Шоназар борган йили бу ерда катта завод ишга тушди. Бу ўрта Осиёдаги энг йирик корхоналардан бири. Олмалиқ кимё заводи эди. Йилига ишлаб чиқариладиган азотли ва фосфорли ўғитлар қишлоқ хўжалиги ривожига замин яратишни муҳим манба бўлиб хизмат қилади. Шоназар ўзи ишлайдиган кон металлургия комбинати билан яқиндан танишар экан, бу корхона ҳам республика иқтисодининг қон томирларидан бир эканлигини ишонч ҳосил қилди. Комбинатнинг катта-катта заводларида саноат учун энг киматбаҳо ашё ҳисобланган мис ва мис буюмлар. руҳ, қўрғошин сульфат кислота, малибден, олтин гугурт, олтинни ўзи ва бошқа нодир ашёлар ишлаб чиқарилади. Шоназар қурувчилар биргадасига ишга қабул қилинди. Устози Матёқуб акадан ўрганганлари бу ерда жуда қўл келди. Дурадгорлик билан боғлиқ ишларни ўз вақтида сифатли, бажариб раҳбарлар эътиборини қозонди.

Талабалик йиллари ҳам иш, ҳам ўқиш билан давом этар, Шоназар ҳар иккала жараёнга ҳам кўникиб қолган, ишларини кўнгилдагидек бажариб, дарс машғулотларини ҳам яхши ўзлаштириб оларди. Фанларга оид қўшимча маълумотларни топиб, синов ва имтиҳонларга яхши тайёргарлик кўрарди. Уй томонга бориб-келиш, яшаш учун зарур харажатларга ўзи ишлаб пул топар, оидласидагилардан моддий ёрдам сўрашни ҳаёлига ҳам келтирмасди. Ҳар борганида уйига совға-саломлар билан кириб борарди. Ҳар сафар онаси бундан безовта бўларди “Ўзинг ўқишдасан, бизлар учун қайғуриб юрма, соғ-саломат ўқишни битказиб келсанг бўлди. Ҳамма нарсамиз етарли”. Онада, фарзанди катта бўлгани билан барибир у ҳақда ёш болани авайлагандай қайғуради, ўйлайди. Шоназарнинг ҳаёлига уй томондаги вазият келди-ю алланечук бўлиб кетди. “Раҳматли отам бўлганида ҳам онамни ёлғизлиги билинмасди. Опаларим турмушга чиқиб ке-

тишган, Ражаббой оғамни рўзғори бўлак, бола-чақали. Укам Комилжон ҳам Тошкентда ўқишда. Мен ҳам уйдан узоқда бўлсам... Тўғри, оғам, опаларим онамнинг ҳолидан хабар олиб туришибди. Лекин ахир уларнинг ҳам энди ўз оилалари бор, ташвишлари бошидан ошиб ётибди. Онам ёнида бўлишим керак! ” У сиртқи бўлимга ариза берди. Аҳволини тушунтирди. Туғилган юртига қайтиб маҳаллий саноат бирлашмасига қарашли Хива таъмирлаш -қурилиш бошқармасига ишга кирди. Олдин қурилиш устаси, икки йилдан кейин прораб бўлиб ишлади.

1977 йил. Талабалик орта қолди. Шоназар Аҳмедов қурувчи муҳандис касбини эгаллаганлиги ҳақидаги дипломга эга бўлди. Уни ўзи ишлаётган корхонага бош муҳандис қилиб ишга тайинлашди. Шоназар Аҳмедовни масъулияти янада ошди. Энди у катта-кичик қурилиш, таъмирлаш ишларига масъул раҳбарлардан бири эди. Унга корхона раҳбари Дамир Раҳмонов устозлик қилди. Корхонада давом этаётган ишларини то охиригача сифатли, талаб даражасида бажарилиши учун Шоназар Аҳмедов масъулият сезиб ишлар, умумий ютуқлар кўлами бош муҳандиснинг интилишлари, изланишлари, ҳаракатларига боғлиқ эканлигини чуқур ҳис қиларди.

Кўлда гилам тўқиш фабрикасини бутунлай қайтадан таъмирлаш, қўшимча цехлар қуриш юзасидан лойиҳа ҳужжатлари тайёрланиб, ишга киришилди. Шоназар Аҳмедов бу ердаги ишларга масъул мутахассис сифатида бош-қош бўлиб қурувчиларга зарур шароит яратиб бериш, иш сифатини кўздан кечириб боришни бирон дақиқа ҳам эътибордан четда қолдирмасди. Иккинчи қаватга ўрнатиладиган катта дастгоҳ агар лойиҳада кўрсатилган услубда жойлаштириладиган бўлса чидаш бера олмайди. Буни олдини олиш учун лойиҳага ўзгартириш киритиш, пойдевор ва иккинчи қават томини янада мустаҳкам ҳолда қуриш лозим. Шоназар қанчалик исботлашга уринмасин уни тушинишни истамадилар. Биринчи навбатда буюртмачиларни ўзлари қурилишни тезроқ тугаллаш тарафдорлари эдилар. Бугунни ўйлаб, эрта учун қайғурмаслик яхшиликка олиб келмаслиги ўз - ўзидан аён бўлиб турсада негадир буни тўғри тушинишни истамаётганликлари Шоназар Аҳмедовни таажжублантирди.

- Барибир мен ўз сўзимда қоламан- деди у - Бундай пайтда шошилиш ярамайди. Узоқни кўзлаб иш тутиш керак. Ахир фил кўтарадиган юкни от кўтара олмайди-ку. Наҳотки мана шу пойдевор, шу устунлар, шу бетон плиталар катта, оғир дастгоҳларни кўтара олса?!

Яна ўзларини сўзида туриб олишди. Айни шу кезларда Хо-

размга келган ва Хивадаги саноат корхоналари иши билан та-нишайтган республика маҳаллий саноат Вазири Ф. Насридди-нов ҳам бу “ўжар” муҳандиснинг ўз сўзини исботлаш учун жон куйдирётганига таажжуб билан қаради. Унинг таклифини жид-дий ўрганиш зарурлиги билдирилди. Кейинчалик Ш. Аҳмедов-ни фикри маъқулланиб лойиҳага ўзгартириш киритиладиган бўлди. Кўплар ўз касби-корига эътиқодли бу йигитга ўзгача ҳурмат-эътибор билан қарайдиган бўлишди. Ш. Аҳмедов фақат Хивада эмас, вилоятни бошқа шаҳар, туманларида ҳам кўплаб иншоотлар, турар жойларни, энг аввало мустаҳкам, замона-вий, кўркам тарзда қад ростлашига ҳисса қўшди. Гурландан кейин Хонқада қисқа муддатда икки-учта фишт заводларининг ишга туширилишига шахсан ўзи бош-қош бўлди. Хивага ҳам келмай айна қурилиш жабҳалари давом этаётган ҳудудларда, вагон уйларда ишчилар билан ёнма ён яшади. Улар билан ҳатто елкама елка туриб ишга киришиб кетганини ўзи ҳам билмай қолар эди. Ўша пайтлари Хоразм вилояти маҳаллий саноат бо-шқармаси бошлиғи лавозимида ишлаётган Сардор ака Жоб-берганов бу тиниб – тинчимас, жонкуяр, фидойи йигитнинг ишчанлиги, қолаверса одамлар билан тезда тил топишиб ке-тиши, ташаббускорлигини йиғилишларда, турли қурилиш да-вом этаётган жойларда бўлганида “Шоназардан ўрганинглар, ўрнак олинглар!” дея кўп бора таъкидлар эди.

Ш. Аҳмедовни ташкилотчилиги, ташаббускорлиги, топши-рилган ишни кўнгилдагидан зиёда битириши туман ва вилоят раҳбарларининг ҳам диққат-эътиборини тортди. 1979 йил бо-шида Хива район партия комитетига етиб келишини билди-ришди. Уни шахсан биринчи котибнинг ўзи қабул қилди.

- Биласан ука, Хивани довруғи бутун жаҳонга кетган- деди Мадамин Маткаримов гапни узоқдан бошлаб – бу юртда не-не табаррук улуғ зотлар камолга етганлар: Ал Хоразмий, Паҳ-лавон Маҳмуд, Огаҳий... Сенинг бобонг Комил Хоразмий ҳам буюк инсон бўлган. Маданият, маърифат, илм-фаннинг ри-вожланиши шу азиз инсон номи билан боғлиқ. Хиванинг дов-руғи, шухрати бутун ҳам сўнмаслиги керак. Ҳар бир соҳада та-шаббускор, пешқадам, голиб бўлишимиз керак. Қишлоқ ҳўжа-лигини-ку бироз ўнглаб олдик. Аммо саноат, транспорт соҳа-ларидаги аҳвол яхши эмас.

Мадамин Маткаримов кейинги пайтларда бу соҳалардаги режалар тўла-тўқис бажарилмаётганлиги, иш кўлами ва сифа-ти талаб даражасида бўлмаётганлигини куюниб гапирди. “Бу-нинг сабаблари нимада деб ўйлайсан? - деди Шоназарга – Қан-дай қилсак бу соҳаларда ўзгариш ясашимиз мумкин?”.

- Ҳаракат қилиш керак. Худо ҳам “ Сендан ҳаракат, мендан баракат ” деган экан Мадамин ака. Масъулиятни унитмаслик, бир жойда турмасдан узоқни кўзлаб ишласак олинмайди-ган қалъа бўлмаса керак.

Маткаримовнинг чехраси ёришди, майин табассум пайдо бўлди юзида. Унинг одамларни ўз сўзи, ўз лабзи билан боғлайдиган ажойиб одати бор эдики, буни қаршисидаги одамнинг ўзи ҳам сезмай қоларди. Ҳозир ҳам худди шундай бўлди.

- Баракалла ука! — деди у — Тўғри айтдинг, агар ҳаракат қилсак ошмайдиган довоимиз қолмайди. Ҳамма гап сен айтгандай жон куйдириб ишлашда, ҳаракатда. Хуллас ука, сени қаддини кўтара олмаётган корхоналарнинг бирига, керамика заводида директор қилиб тайинламоқчимиз.

Кутилмаган таклифдан Шоназар бироз ҳайратланди. Билардики, Мадамин ака бир сўзли одам. Ута жиддий. Сўз ва иш бирлиги унинг ҳаётида бир бутун тушинча. Зарур пайтларда гапни қиличдай кесиб ташлайди. Бўладиганини айтади. Эзмаликни ёмон кўради. Чуқур фикрлайди. Узоқни кўзлаб иш тутарди. Шу боис вилоят, ҳатто республика раҳбарлари унинг фикрларини ҳисобга олишарди, эътироз билдиришмайди, маъқуллашарди. Мадамин ака республикада нуфузли, салоҳиятли, ўз ўрнига эга раҳбарлардан. Меҳнат Қаҳрамони. Олий Мажлис депутати. Унинг қўшни Янгиариқдан Хива район партия комитетининг биринчи котиблигига ўтказишганига кўп бўлмаганди. Шоназар Маткаримовни ишни кадрларни жой-жойига қўйишдан бошлашгани эшитганди. “ Демак мен ҳақимда ҳам кўп ўйлаган, сўраб-суриштирган. Раҳматлик отам айтардилар, “Ҳарким ҳар кимга ҳам ишонч билдиравермайдилар. Эл - юрт, раҳбарлар эътиборига тушиш, ишончини оқлаш катта бахт ”.

- Кеча Гандимёнга борган эдим-деди Мадамин ака- биласан у ерда бир тарихий обида бор- Отажон Тўра мадрасаси. Раис Собиржон Қиличев билан пиёда айланиб юриб шу мадраса олдидан чиқиб қолдик. Унга кўзим тушиб сенинг бобонгни — Комил Хоразмийни эсладим. Бобонг қўли билан ёзилган тарихий ҳужжат — “ Гандимён шартномаси ” шу ерда имзоланган. Агар мана шу сулуҳ тузилмаганида Хивани жаҳонга машҳур обидаларидан асар ҳам қолмасди. Ўрислар тўпига тутилиб яқсон қилинарди, аҳоли ҳам нобуд бўлиб кетарди. Бобонгни хизмати шундаки, хон Ферузга буни тушунтира олган. Хуллас ука Хиванинг шухратини қанчалик кўтарсак ўтганларни руҳи шунчалик шод бўлади.

Маткаримов ўрнидан туриб Шоназар Аҳмедовга яқинлашди.

- Менинг сенга билдираётган таклифимни вилоятдаги раҳ-

барлар, бошқарма бошлиғи, устозинг Сардор ака Жобберганов, республикадаги мутасадди ўртоқлар ҳам билишади. Улар ҳам маъқуллашди. Қани кўлингги бер, табриклайман, мувафакият тилайман!-дея Шоназарни кўлини маҳкам қисиб чин кўнгилдан қутлади. Кейин жойига бориб ўтирдида ҳамма-ҳаммага ҳам айтавермайдиган бир доно, қимматли фикрни билдиришни фарз билди:

- Бардам бўл, янгиликка интилиб яша. Ҳеч қачон ютуқларинг билан қаноатланма. Энг зўр иш қилсанг ҳам ҳали олдинда бундан ҳам зўр ишлар қилиш мумкинлигини ҳис қил. Ана шунда ўсиш, юксалиш бўлади. Сенда айни мана шу фазилатлар борлиги учун ҳам бу вазифага тайинляяпмиз.

Шоназар Аҳмедовга билдирилган бу ишонч, мартабали раҳбарнинг оқ фотиҳаси унга гўё кўш қанот бағишлагандай эди. Энди ана шу қанотлар билан узоқ-узоқларга парвоз қилиши учун ҳали кўп нарсалар кераклигини ҳис қилди: ирода, ғайрат, шижоат, дадиллик! Узи айтганидек ҳаракат, ҳаракат ва яна ҳаракат!

* * *

Қадим Хиванинг Шайхлар қишлоғига кираверишда “То-забоғ” деган элат бор. Дейдиларки, улуғ пир Паҳлавон Маҳмуднинг пойи қадами теккан таббаррук жойлар бу! Шу ерда вақф ерлари бўлган, шу ерда истиқомат қилган. Аввало шу элатдаги тўй-маъракаларда курашга чиқиб, голиб бўлиб, бора-бора шухрати бутун оламга таралган. Шу қишлоқда бир-биридан серҳикмат, пурмаъно рубойилар ижод қилган. Шоназар Аҳмедов раҳбар қилиб тайинланган Хива кулоллари корхонаси ҳам айни мана шу таббаррук ҳудуд бошида қад ростлаб турибди. Ичкарига қадам кўяр экан Шоназар Аҳмедовни кўнгилдан бир эзгу фикр ўтди: “Паҳлавон Маҳмуд мақбараси яқинидаги маҳаллада ўсиб- улгайдим. Бобом Комил Хоразмий қорихонаси, уларни фарзандлари Матрасул, Абдурасуллар яшаган ҳовли ҳам улуғ пиримиз пойгоҳида. Мана бу илоҳий имкония, бахтни қарангки, мен ҳам Паҳлавон Маҳмуд назари тушган, қадамлари теккан таббаррук жойларда қурилган корхонада иш бошлаяпман. Руҳлари кўлласин! Кўнглимизда буюк пир шижоатини, матонатини ҳис қилиб туришимиз керак!”

Шоназар Аҳмедов аввало танишиб чиқди. Жамоанинг ҳар бир аъзоси билан диддан суҳбатлашиб, уларни кўнглига йўл топиш пайида бўлди. Қуш қаноти билан. Ҳар бир раҳбар ўз жамоаси аъзоси билан парвоз қила олиши мумкин. Ҳамма гап

аҳилликда, ҳамжиҳат бўлиб, қарсни икки қўлдан чиқаришда. Йиғилишда бу ҳақда дангал, бафуржа гаплашиб олишди. Ишни яхшилаш тадбирлари белгиланди.

Корхонани ишга тушганига уч йил бўлган. Унча катта бўлмаган цехда бор-йўғи уч хил маҳсулот ишлаб чиқарилаётган эди. Ишчи хизматчилар сони эллик нафардан ошмас экан. Уларга яратилган шароит ҳам талабга жавоб бермайди. Шоназар Аҳмедов бутун диққат-эътиборини иш кўламини кенгайтиришга, маҳсулот сифатини оширишга, янги технологияларни ишлаб чиқаришга жорий этишга қаратди. Кулолчиликнинг нозик сир - асрорларини чуқур ўрганиш учун тарихий манбаларни эринмай излади, кузатди. Тарихга назар ташлар экан кўз олдида хунарманд ота-боболар томонидан оддий лойдан ишланган турли идиш ва буюмлар намоён бўлди: пиёла, товоқ, лаган, кўза, хум... Ўтда қиздирганда тошсимон бўлиб пишиб чиқадиган маҳсус тупроқ лойидан тайёрланган бундай идишларни тайёрлашни одамлар миллоддан аввалги беш минг йилликда ҳам билганлар. Сопол идишларга-талаб-эҳтиёж ошиши билан кулоллик санъати тобора такомиллашиб, уларни яшаш, бадий жиҳатдан безашни янги-янги шакллари вужудга келди. Хива хунармандларининг тарихий обидаларига сайқал бериш санъати кулоллар меҳнатида ҳам ўз ифодасини топган. Қадимги сопол буюмларга синчковлик билан разм солинса, унда кўкимтир, феруза ранглар ва нақшлар Хива обидаларидаги ранглар нақшлар билан уйғунлашиб кетганлигини пайқаш мумкин.

Ичонқалъа музей кўрикхонаси археология бўлими бошлиғи, Хоразм Маъмур академияси илмий ходими Шихвазар МАТРАСУЛОВ ҳикояси: Ўзбекистон Фанлар академиясининг Қорақалпоғистон филиали раҳбари, тарих фанлари доктори М. МАМБЕТУЛЛАЕВ бошчилигида Хивада олиб борилган қазилма пайтида кулоллар меҳнатида оид кўплаб буюмлар топдик. Кулолларни сув танқис бўлган пайтлардаги тадбиркорлигини тасдиқловчи бир топилма бор. У Тошқовли айвонида экспонат сифатида сақланмоқда. Буйи 1 метр 26 сантиметр, оғзини диаметри 56 сантиметр, айлана узунлиги 2 метр 15 сантиметр бўлган катта хум. Бундай хумларда сувдан ташқари озиқ-овқат маҳсулотлари ҳам сақланган.

Кулоллар меҳнатида XIX асрнинг 30-40 йилларида рус сажҳларидан бири Г. П. Сенесарев “ Хивада катта ҳажмли ва жуда яхши идишлар ясашди, улар бизникидан пишиқроқ ва унга турли рангларда сир бера оладилар ” деб ёзиб қолдирган. Кулоллар фақат бундай катта буюмлар тайёрлаш билангина эмас кўплаб лаган, товоқ, косаларни тайёрлаш билан ҳам мақтовга

сазovor бўлганлар. Овқат солинадиган идишлар чуқур, кенг, шакли, ҳажми, кўриниши билан диққатни тортган. Алоҳида тантаналар учун махсус идишлар, тўй товоқлари, подшойи товоқлар тайёрланган. Олло берган қора, Юсуф кулол, Воис кулол, Искандар Калантаровлар кулолчилик илмининг пириустозлари бўлганлар. Улар ва улардан ҳам олдин яшаб ўтган кулоллар меҳнатига тарих тилсимоти мужассам. Турли тарихий воқеаларга асос бўлган айрим маълумотларни, шаҳарлар ёшини аниқлашда ота-боболаримиз томонидан ишланган, қўлланилган идишларнинг архиологик қазичмалар пайтида топилиши жудда катта аҳамият кашф этади.

Шоназар Аҳмедов кулолчилик тарихи билан қизиқар экан, бу касб соҳиблари ўтмишда ҳам ғоят қадр-қимматга эга эканликларини, эл юрти иззат-ҳурмати ва сийловида бўлганликларини кўнглидан ўтказди. Тўғри, ўтмишда тайёрланган шамдон, қора чироқ, гупи, катта-катта хумлар, шакаша сингари буюмларга бугунги кунда эҳтиёж қолмади. Аммо лаган, товоқ, гулдон ва бошқа совғабоп идишларга эҳтиёж катта. Уларнинг кундалик рўзгор буюмлари қатори кенг қўлланишади. Сайёҳлар севиб харид қилишади. Ҳаммага манзур бўлаётган бундай идишларни нега кўпроқ ва янада кўркам, чиройли, сифатли қилиб чиқариш мумкин эмас?

Шоназар Аҳмедовни безовта қилаётган бу ўйлар ниятга, асосий мақсадга айланди. Ўтирса ҳам, турса ҳам, қаерга борса шу фикрни амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида ўйлар эди. Жамоаси билан маслаҳатлашди. Бир фикрга келишди: “Корхонани кенгайтираемиз!”

Корхона теварак – атрофида чиқиндилар уюми тоғдек тўпланиб, ёнтоқ, оқвош, бўён босиб ётган ташландиқ ерлар кўмилиб, текисланиб қурилиш майдонига айлантирилди. Бу ерда иккита кенг, катта сопол идишлар тайёрланадиган цехлар қуриш бошланди. Қурувчиларга барча шароит яратиб берилди. Шоназар иккита вагон уй ҳам топиб келди. Уларни яхшилаб жиҳозлаиб берди. Иссиқ чой, овқат, ҳаммаси иш устида. Шароит етарли бўлганидан кечалари чироқ ёруғида ҳам иш давом этди. Тун бағрини чақмоқдек тилиб, алланималарни пайванд қилаётганлар, кўтарма кранга гоҳ гишт, гоҳ қоришма юклаётганлар, бир – бирига туташ деворларни тезроқ қуриб битказиш ҳаракатида юрган гишт терувчилар, сувоқчилар... Кеча кундуз давом этган бунёдкорлик жабҳаси ўз самарасини берди. Баланд, кенг, ёруғ ва шинам иккита цех кичика муддатда қуриб битказилди. Энди уларни замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш зарур. Шоназар Аҳмедовни ташвишлари янада ортди. Иш юзасидан мута-

садди тапшилот раҳбарларига учрашди. Вазирликта борди.

- Наманганга борасиз — деди республика енгил саноат Вазирлиги ўқтам ИСМОИЛОВ — шаҳардаги сопол заводида Россиядан келтирилган битта қурилиш печи бор. Шунини олиб келишни йўлга қўйинглар.

Шоназар Аҳмедов зарур ҳужжатларни бир қисмини Тошкентда, Вазирликни ўзида расмийлаштирди. Сўнг самолётда Урганчга қайтиб, шу кунлик ҳужжатларни қолганини тўла расмийлаштириб икки нафар мутахассис йигит билан Наманганга йўл олди. Сопол заводи директори Акмалхон ИКРОМОВНИ олдиндан танир эди. Камтар, дилкаш ишчан йигит. Феъл-атворлари яқинлигидан дўстлашиб қолишганди. Бир неча бор Хивага келган. Бу гал дўсти уни Наманганда кучоқ очиб кутиб олди. Янгиликлардан хабардор бўлиб қувонди. Янги цех қурилганини эшитиб боши осмонга етди. Бажону дил ёрдам бериш истагини билдирди.

...Қатта печни кўтарма кран топиб, улкан автомашина кузовига юклаш, темир йўл вокзалига олиб келиш, яна поезд очиқ вагонига юклаш, хуллас юкни Урганчга, ундан Хивага олиб келишнинг ўзи бўлмади. Шоназарни бир аҳволда, ўта ҳорғин, чарчаган қиёфада кўриб унга жони ачиган яқин дўстларидан бири танбеҳ берди:

- Ҳозирдан ўзингни олдириб қўйибсан. Йўл азоби — гўр азоби. Нима қиласан, шундан шунга йўл юриб, азоб чекиб. Одам, айниқса раҳбар ўзини аяши керак. Қўл остингда шунча одам бор. Шуларни юборсанг бўладику. “Корхонани кенгайтираман” деб ўзингга азобни сотиб олган кўринасан. Осон иш эмас бу. Мен ҳам қурувчиман, тушунаман. Қўй бу азобларни!

Шоназар дўстини тушинди. Жони ачиганидан куюниб айтаяпти. Лекин гапларига унча қўшилиб бўлмайди. У айтганидек раҳбарлик ҳузур-ҳаловат, роҳат-фароғат, мансаб курсисини эгаллаб тинч орқайин юриш дегани эмас. Аксинча раҳбарлик эл-юрт ғамини ўз ғами, тапвиши деб билиш, яхши қунлар, фаравонлик, тўқинлик учун масъулят сезиш демак. Раҳбарни умри масъулият ҳиссидан нур олиб туриши керак. Бу нур ўзининг ҳам, қўл остида ишлаётганларнинг ҳам умр йўллариини ёритиб турмоғи лозим. Шоназар Аҳмедов илк бора раҳбар бўлиб иш бошлаган кунлариданоқ бу оддий ҳақиқатни ҳаётининг асл мазмунига айлантирганди.

* * *

Цехни айланар экан, қулоғига қаттиқроқ овоз эшитилди.

Яқинда ишга келган шогирд устози олдида хижолат бўлиб турарди.

- Бу ишда шонилмаслик керак. Сал эҳтиётсизлик қилсанг ҳаммасини қайтадан бошлашга тўғри келади. Қара, синдириб қўйибсан, майли хафа бўлма, ясаб кўрсатаман. Яхшилаб қараб тур!

Ҳабиба Ботирова стол устидаги ҳозиргина қолипдан чиққан вазанинг гулларини чаққонлик билан тартибга келтирди. Қаерида ортиқча қоришма бўлса қиртишлаб ташлади. Сўнг авайлаб қуритиш жойига қўйди. Бу ишларни ҳаммасини шунчалик тез, қийналмасдан бажардики, Ойбиби ҳайрон қолди. Боя ўзи қилган хатосини тушинди. Қолипдан чиққан буюм ҳали қуримаган, нам ҳолда бўлганидан сал бепарволик билан яна аввалги лой шаклига келиб қолади. Шунча меҳнат зое кетади. Буни тушинган Ойбиби Оллаберганова устозидан узр сўраганича иш столига ўтирдида ўзи қайтадан мустақил ясашга киришди. Битта вазага пардоз бериб иккинчисига ўтди. Сўнг учинчисига. Устози ишларини кузатиб, «Шундай давом эттиравер!» дегандай бош тебратиб қўйди. Бу манзарани гувоҳи бўлган директорнинг чеҳрасига табассум югурди. Шундай жонкуяр, ўз касбига ихлоси баланд ишчилари борлигидан қувонди. Кейинги пайтларда режаларни ошириб бажараётгани, туман, вилоятда бўладиган йигилишларда пешқадамлар қатори тилга олинаётганликлари, корхона маҳсулотларига талаб ва эҳтиёжнинг ошиб бораётганлиги ҳам жамоанинг аҳиллиги, ҳамжиҳатлиги, ўз касбига бўлган эътиқоди туфайли эканлигини қалбдан ҳис қилди.

Шоназар Аҳмедов ҳар кун иш одати бўйича цехларни бир-бир айланиб, аввало ишчиларнинг кайфияти билан қизиқади, ҳол-аҳвол сўрайди. Қаерда, қандай муаммо туғилган бўлса, бирон нарсага муҳтожлик сезилса уни ҳал қилиш чора-тадбирлари кўришга ишонч билдиради. Олдинлари оддий лой, асосий хом-ашёни туман жамоа хужаликлари ёпларидан, каналларидан қазиб олинган тупроқ ҳисобига тўплашар экан. Туямуйин сув омбори қурилиб, лойхок сув келиши тўхтаган, хом ашё масаласини узлуксиз етказиб бериш кўндаланг муаммо бўлиб қолди. Шоназар Аҳмедов дастлаб иш бошлаган кезлариданоқ мана шу муаммони ечилишини топишга ҳаракат қилди. Кўп жойларнинг тупроқ шароитини ўрганиб чиқишди. Бир кун Дошёқ қишлоғи чеккасидаги Сўзанли кўли ёнида “Олтой” трактори ёнида қисиниб юрган тракторчи йигитга дуч келди. Ҳол-аҳвол сўрашди.

- Ўтган йили ҳам шундай бўлган эди. Мана қаранг, бу йил ҳам иш бошлашим билан плуг синди. Тупроқ жуда қаттиқ, лой бўлиб қотиб қолган.

Шоназар синган плуг четидаги лойни қўлига олиб, синчиклаб қўздан кечирди. Майдаламоқчи бўлди, ушалмади. Худди ёпишқоқ елимдек. У лойни селлафан халтага солдида қаршисидаги одамга раҳмат айтганича йўл чеккасида турган машинаси томон ошиқди. Тракторчи йигит ҳайрон бўлганича қолаверди. Орадан кўп ўтмай туман раҳбарияти “Хива” жамоа хўжалигига қарашли Сўзанли ва Ровот кўли атрофидаги ерни махсус қарор билан сопол заводи хом-ашё базасига айлантиришга рухсат берди. Хом-ашё масаласи шу тариқа ҳал бўлди. Аммо ана шу оддий лойдан тупроқ идишлар, совға буюмлар тайёрлаш жараёни осон кечмас экан. Ҳар бир мутахассисдан тортиб, ишчиларгача ғайрат-шижоат билан бирга нозик дид, сабртоқат, синчковлик ва сезгирлик, маҳорат талаб этилади. Махсус қоришма тайёрлаш жараёнининг ўзи бир машшақат, азоб! Автомашинанга юклаб олиб келинган тупроқ махсус текширишдан ўтказилади, шўр сувлар мутлақо қолдирилмасдан ювилиб, тозаланиб, яна ичидаги ортиқча сув чиқариб ташланади. Махсус автоматик ускуналарда зичлаштирилиб, ичидаги ҳаво сўриб олинди, тайёрланган қоришма турли шакллар ўйилган қолипларга солинади. Қолипдан чиққанидан кейин эса пардозлаш, қуритиш, сўнгра пишириш цехига етказиб берилади. Эҳ-ҳе, бу занжирдай бир-бирига боғлиқ жараёнларни ўзлаштириб олиш, оддий бир лаган, товоқ ёки гулдон ясаш учун қанчалик сабртоқат, ирода, чидам керак, Агар маҳсулотни токи пишириш цехига етказиб бергунча бирор хато, ишқалга йўл қўйилса борми, бутун меҳнат зое кетади, тайёр буюм дидга, талабга яраша бўлмайди. Шоназар Аҳмедов кулоллар меҳнатининг сири ҳақидаги ривоятни эслаб, гоҳ-гоҳида ишчиларнинг ҳам ёдига солиб туради.

Қадимда бир ота ўғлини шогирдликка берибди, “Шарт шу - дебди кулол - Бу касб нони ширин, лекин меҳнати оғир. Роппа-роса икки йил ёнимда бўлади. Ана шунда бу касбни сирасрорларини пухта ўрганади. Сабр-чидамли бўлиш керак. Кулоллик осон касб эмас. Оддий лойдан буюм яратиш керак. Хуллас икки йил! Розимисизлар?” “Розимиз!” дейишибди ота-ўғил. Ота юзига фотиҳа тортиб жўнаб кетибди. Ўғил қолибди. Уста ёнида юриб касб ўргана бошлабди. Қарасаки бу икки йил эмас икки ойда ўрганадиган “оддий” иш “Мен кетаман - дебди сал фурсат ўтмай- ўрганиб бўлдим. Ўзим дўкон очаман!” “Майли-дебди уста- лекин мен сенга фотиҳа бера олмайман. Ҳали ҳеч нарса ўрганмадинг. Кетсанг ихтиёринг!” Шундай қилиб шарт муддати ўтмасданоқ шогирд кетиб қолибди. Бориб устахона қурибди,

духон очибди. Ўзи ишлаган буюмларни сотишга қўйибди. Бироқ уни биров харид қилиш у ёқда турсин ёнига ҳам йўламас эмиш. Не гап? Бу ёғи қандай бўлди? Ўғил ҳайрон. Отанинг фиғони кўкка чиққан. “Айтмабмидим, устанинг фотиҳасини олмай келма деб! Қани ўрганган хунаринг, қани харидор, қани савдо?!”

Ишқилиб, ота-бола яна устанинг ёнига боришибди. “Майли – дебди уста- соқолингизни оқини, ёшингизни ҳурмат қилиб ўғлингизни олиб қоламан. Лекин яна шу аввалги шарт: икки йил юриши керак!” Рози бўлишибди. Ўғил энди ҳеч нарсага диққатини бўлмай устанинг ёнида хунар ўрганишга киришибди. Яна шу лой қориш, бодия ёки бирор идиш ясаб, хумдонда пишириш. Ўзига таниш ишлар. Бироқ бу сафар чидабди. Икки йил ўтгач устасига “Энди кетсам бўладими?” деб сўрабди.

Уста “Қани битта идиш тузатчи!” деган экан, шогирд дарров тузатиб ташлабди. “Йўқ!-дебди уста – бўлмайди. Шунча йил ёнимда юриб ҳам ўрганмабсан. Қараб тур, охири марта ўргатишим. Бошқа такрорламайман.” Уста ишга киришибди. Шогирд унинг ҳар бир ҳатти- ҳаракатини ўта синчковлик, диққат билан кузата бошлабди. Бир маҳал уста тайёр идишни хумдонга пиширишга қўйишдан аввал “Пуф!” дебди. Эҳ! Шогирд мана шунигина қилмаган экан. Тушиниб етибди, агар идишни хумдонда қўйиш вақти пуфлаб, чанг-ғубордан тозаламаса, у чиройли чиқмас, ғадир-будур, кўримсиз идишни эса ҳеч ким сотиб олишни истамас экан. Йигит буни тушиниб етганида уста унга оқ фотиҳа берибди. Шундан кейин унинг ишлари юришиб кетибди! Ҳа нозик, сермашшақат касб бу!

Тўғри, ҳозир кўп иш жараёнлари мехнаизациялаштирилган, қўлда бажариладиган ишларни турли автоматик қурилмалар “ўз зиммасига” олишган.

Ҳатто унга қадим ривоятда таъкидланган идишларнинг чанг-ғубордан тозалаш ҳам техник воситалар ёрдамида бажарилади. Аммо барибир идиш инсон кўли билан сайқал топади. Кўли гул деган таъриф энг аввало кулоллар шаънига айтилган бўлса ажаб эмас. Дейдиларки, Парвардигор эгам одамзодни – Одам ота ва Момо Ҳавони ҳам лойдан пайдо қилганлар, инсон насли ана шундан кейин кўнайиб кетган. Яна эътироф этадиларки, агар икки одам бир-бирига ўхшаб кетса “Буларнинг лойи бир жойдан олинган!” деб.

Лойда ҳикмат кўп, тупроқда хосият бисёр. Шоназар Аҳмедов ишчиларга тез-тез такрорлаб туради. “Оллоҳнинг назари тушган касб бу! Шундай ишлаш керакки, сизларнинг қўлингиздан чиққан ҳар қандай буюм кўзларни ҳам, кўнгилларни ҳам, хонадонларни ҳам яшнатиб турсин!” Ишчиларнинг қўлларидан чиқ-

қан буюмлар эса чин дилдан, ҳавас билан харид қилинаётган-лигини кўриб ёки кўплаб буюртмалар олинганида, Хивага келаётган сайёҳлар сополдан ишланган маҳсулотларни ўз юртларига ардоқлаб ва авайлаб, энг яхши совға сифатида олиб кетаётганида Шоназар Аҳмедовнинг қалби гурурга, ифтихорга тўлади. Бу касбни ардоқлаётган касбдошларга меҳри товланади. “Режалар бажариларди. Турдош корхоналар ичида ўз ўрнимизни топиб олдик. Дастлабки йилларда бор-йўғи ўн тур маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлса, энди уларнинг сони икки юзга яқинлашиб қолди, цехлар кенгайди. Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ошди. Хориж технологияларини ишлаб чиқаришга жорий қилармиз. Германиядан олиб келинган сопол буюмларни пиширадиган печ қурилди. Бир-биридан чиройли сопол буюмлар ишлаб чиқариш соҳасидаги тажрибамизни ўрганишарди. Энди бошқа соҳала ҳам ўрнак бўлишимиз керак. Янгиликка интилишимиз, изланишимиз зарур. Бу — давр тақозаси, замон талаби!” Шоназар Аҳмедов янги улкан ниётлар уфқи сари интиларди. Кўнглида агар астойдил аҳд этса, жазм қилса инсон боласи амалга ошириши муқаррар эзгу орзу-умидлар туғён уради.

* * *

1985 йил. Қадим Хива бўйлаб дув-дув гап оралади. Тезда бу гап бутун вилоят миқёсида тилга олина бошлади:

- Хивада чинни заводи қурилармиш.

- Энди ўзимизни чойнак-косада чой ичадиган бўлибмизда.

- Қани эди шундай бўлса. Лекин осон иш эмас бу! Сопол идишларку бундан неча минг йиллар олдин ҳам тайёрланган. Чинни тайёрлаш учун тажриба, малака керак! Қолаверса хом ашё.

- Агар ихлос, ниёт бўлса ҳаммаси топилади. Шоназар Аҳмедов бу ишни амалга оширишга қаттиқ киришган.

- Илоҳим, ниятига етсин. Асли улуғ инсонлар авлодидан. Ахир ўзимизнинг чиннимиз бўлса бу катта фахр, бахт, давлатку. Бу ишга бош қўшганларни яратганинг ўзи қўлласин.

Бу гапларда жон бор эди. Чиндан ҳам ўша йили Хива чиннисини яратишга асос солинди. Дастлаб, бу ҳақда олдин жамоа билан ўзаро маслаҳатлашган ҳолда чинни ишлаб чиқариш технологияси ҳар томонлама ўрганиб чиқилди. Сўнг мугасадди ташкилотлар билан ҳам ўзаро кенгашиб олинди. туман ва вилоят раҳбарлари Шоназар Аҳмедовнинг бу ташаббусини маъқуллашди. Завод ҳудудига яқин яна бир оз ташландиқ жой, кичик кўл бор эди. Унинг ўрнида иккита чинни цехи қуриладиган бўлди.

Лойиҳа тайёрланди. Бунёдкорлик ишлари бошланиб кетди. Курувчиларга зарур материаллар пешма-пеш етказиб бериб турилди. Шароит яратилди. Шоназар Аҳмедов таъминотда тақчиллик бўлмаслиги учун астойдил елиб югурди, бирор зарур материал республиканинг қайси вилоятида, шаҳрида бўлса хабар топиб, уни олиб келмагунча хотиржам юра олмади. Меҳнат таътилига чиқиш ҳам ҳаёлидан бутунлай кўтарилди. Эсида, ёз фасли эди, жазирама иссиқ. Курувчилар терлаб-пишиб ишлаб турибди. Шоназар уларга “ Ҳорманглар ” дея ҳол-аҳвол сўрашиб, вагон уй олдида қурилган чертак соясида олдинда қилиниши лозим бўлган ишларни режалаштириб, ён дафтарига нималарнидир қайд қилиб турган эди. Яқин дўстаридан бири Рус там Раҳимов келиб қолди. Қўлида энг зўр курортларнинг бирига иқкита йўлланма!

- Биттасини сенинг номингга расмийлаштирамыз- деди у — ўзингни бунча ўтга-чўққа ураверма. Раҳбар бўлганингдан буён тиниб-тинчимайсан. Бу дунёнинг ишлари тугамайди. Дам ҳам олишинг керакку. Ҳориб-озиб кетибсан жўра. Йўлланма тайёр, бир ҳордиқ чиқариб, дам олиб қайтасан!

- Эътиборинг учун раҳмат дўстим!-деди Шоназар — Ҳозир айна иш қизиган пайти. Тез асбоб-ускуна, дастгоҳларни келтирамыз. Уларни монтаж қилиш керак, чет элдан усталар келади. Уларнинг ёнида турмасам бўлмайди. Худо ҳоҳласа, келгуси йил борарман.

Аммо келгуси йил ҳам боролмади. “ Изингиздан етиб бораман, сизлар бораверинглар!” деди-ю курорт масаласи умуман ҳаёлидан кўтарилиб кетди. Бу пайтда Италиядан келган уч нафар уста дастгоҳларни ўрнатишга киришган эди. Улар Урганчдаги меҳмонхонага жойлаштирилган, Хивага ҳар кун махсус ташкил қилинган енгил автомашинада келиб кетишарди. Хорижлик усталарнинг иш тутиши жудда режали, нозик: ҳар бир дақиқадан унумли фойдаланишади, нонушта, тушлик, кечки овқатланишни ҳам бир дақиқа кечиктирмасдан ўз вақтида қилишар, маълум пайтлардагина дам олишарди. Шоназар Аҳмедов уларнинг феъл-автори, ишга муносабатини яхши тушиниб олди. Шунга карата тушлик қилар уларга зарур шарт-шароит яратиб бериш учун астойдил ҳаракат қиларди. “ Булар меҳмон, қолаверса узоқ юртдан келиб янгилик яратиш учун жон кўйдириб ишлашапти. Иззатини жойига қўйиш керак. Меҳмондўстлик отабоболаримизга хос олийжаҳоб фазила!” Хорижлик мутахассислар охириги дақиқаларгача садоқат билан меҳнат қилишди. Қайтиш чоғида уларга Хива гиламлари, ўзлари ишлаб чиқарётган маҳсулотлардан совға қилишди. Шоназар Аҳмедов хориж-

лик мутахассисларни мамнуният билан кузатиб қолди.

Чинни цехининг биринчи навбати 1991 йил, айти Ўзбекистан Республикаси Мустақиллигининг биринчи йилида ишга тушди. Хива чиннисозлари қувончлари истиқлол шодиёналарига қўшилиб кетди. Байрам кургазмаларини куздан кечираётганлар, Шоназар Аҳмедов бошлиқ жамоа тайёрлаган маҳсулотлар ичида Хива чиннилари-чойнак, пиёла, лаганларни ҳайрат ва хавас билан кузатдилар, қўлларига олиб кўрдилар. Ҳамманинг кўнглида бир эзгу истак, тўйгу тилак: агар одамзод астойдил интилса, изланса, ишласа ҳатто тошда гул ундириши мумкин. Мана ота-боболар минг йиллар орзу қилган чинни идишлар айти мустақиллик айёмида ишлаб чиқарилди. Энди Хива обидалари каби чинниси доврўғи ҳам ошади. Бундай қийин, нозик, сермашнақат, аммо шарафли ишни уддасидан чиққан аҳил жамоага, унинг раҳбарига тасаннолар айтишди. Йил охирида, 4 декабрь куни завод директори Шоназар Аҳмедов “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган саноат ходими” унвони билан тақдирланди. Бу бутун жамоа меҳнатига, заҳматига берилган муносиб баҳо эди.

* * *

Кўз олдида ҳали ўрта мактабда ўқиб юрган пайтлари Тошҳовлида жойлашган тарих музейида Буюк ипак йўли орқали Хивага олиб келинган, хонлар, амалдорлар қўллаган нафис, чиройли хитой чинниларига ҳавас билан узоқ тикилганлари келди. Ушанда пайти келиб бунга ўхшаш чинни идишлар ўз юртида, Хивада ҳам ишлаб чиқарилиши, бунга ўзи бош бўлишни хаёлига ҳам келтирмаганди Шоназар оға. Бу ҳеч кимнинг тасавурига ҳам сиғмасди ўша пайтларда. Лекин, йиллар ўтиб, бундай мураккаб ишни уддасидан чиқишди. Кўп елиб югуришлар, тинимсиз изланишлар, ҳаловатдан кечишлар эвазига.

Чинни керамиканинг нафис тури. Иссиққа чидамли, асосан оқ рангли, жарангдор. Ундан кўпроқ рўзигор букюмлари ишланади. Электр ўтказмаслиги туфайли электротехника, радиотехникада, кислоталарга чидамли бўлганлиги учун кимё саноатида фойдаланилади. Чиннидан санъат асарлари ҳам яратилади. Бу ноёб касб 4-6 асрларда Хитойда вужудга келган. 11-14 асрларда Эронда, 16 асрга келиб Франция, Флоренция, Англия, Голландия, Германияда аста-секин ривожлана бошлаган. 1744 йилда Россияда Петербургда биринчи чинни заводи қурилган. 19 асрнинг охириларига келиб Россияда, буюк Британиядан келтирилган ускуналар билан ишлайдиган 30 дан ошиқ чинни заводлари қурилган.

Ўзбекистонда 50 йилларга келиб чинни саноатига асос солинган. 1952 йилда Тошкент, 1970 йилдан бошлаб Самарқанд, 1978 йилдан бошлаб Қувасой чинни заводларида чойнак-пиёла, лаган, тарелка каби чинни буюмлар тайёрлана бошладилар. Ангрен керамика заводида (1967 йилда ишга туширилган) чинни плиталар ва бошқа санитария -қурилиш материаллари ишлаб чиқарилмоқда. 1991 йилдан бошлаб ана шу турдош корхоналар сафига Хива керамика заводи жамоаси ҳам қўшилди.

Хоразмда, Хива чойнак – пиёласи кириб бормаган хонадон йўқ ҳисоби. Республикамизнинг бошқа вилоятларидан Хива чиннисига буюртмалар кўп. Ҳам арзон, ҳам сифатли бундай маҳсулотлар тайёрлаш жараёни осон кечмайди. Сопол буюмлар тайёрлашга қараганда бир неча баробар сермашшақат. Дастлаб келтирилган хом-ашё яхшилаб ювилади, сўнг қиздирилиб, навларга ажратилади. Кейин тегирмонда майдаланиб кукунга айлантиради. Каолин, дала шипати, кварц, даламит керакли миқдорда қўшилиб, яхшилаб қориштирилади. Бу қоришмадан бетон ҳовузларда шликер деб аталадиган лой тайёрланади. Шланглар, электромагнит орқали лой яна тозаланади. Сўнг бетон ҳовузда қайтадан қуюлтиради. Ичидаги ҳаво махсус мосламалар ёрдамида сўриб олинади. Маълум муддатдан кейин махсус қоришма – гил деб аталган чинни лойи тайёр бўлади. Қолипчилар ясаган ярим фабрикатларига турли буюмлар қуюлиб, биринчи мартаба печларда 700-800 даража ҳароратда пишириб олинади. Сўнгра миллий услубда нақш қўйилади. Кейин яна пишириш цехида 1400 даража ҳароратда қайта пиширилади. Сирланиб, гул, нақш ва бошқа тасвирлар туширилган буюмлар шундан кейингина тайёр ҳолатга келади. Бунгача маҳсулот унлаб қўлларда сайқал топади. Ҳар бир жараённинг ўз усталари бор. Улар моҳирлик ва синчковлик билан бехато ишлашга ҳаракат қиладилар.

Хом-ашё олдинлари Украина ва бошқа ҳамдўстлик мамлакатларидан ташиб келтирилар эди. Ҳозир маҳаллий имкониятлардан кенг фойдаланилмоқда. Чинни тайёрлаш учун ишлатиладиган асосий хом-ашёни Ангрендан, Самарқанддан келтириш йўлга қўйилди. Кейинчалик бошқа бир қулай енгиллик туғилди. Бу кутилмаганда ва гайритабиий ҳолда юз берди: Шоназар Аҳмедов жамоаси, оиласи аъзолари билан муқаддас зиёратгоҳ – Султан Увайс қадамжосига боришганида шу яқин ўртадаги Қизилқоқ қабрасидаги Чилпик кўли яқинида ажойиб бир мўъжизага дуч келишади. Шоназар Аҳмедов оқ, оппоқ лойни кўриб ҳайрон қолади. “Ахир бу чинни тайёрлашда ишлатиладиган ноёб хом-ашё – каолинга жуда ўхшаб кетадику!” Ўғли

Отабек билан шу лойдан бир идишга солиб олишади. Султон Увайс тоғи ён бағрларидаги тошлардан ҳам намуналарни Хивага келтиришади. Махсус текширишдан ўтказишганида ҳар иккала топилма хом-ашё сифатида ишлатиш мумкин эканлиги аниқланади. Кароматли авлиё деб тан олинган Султан Увайс бобо зиёрати боис чиннисозлар “мушқули” осон бўлган эди.

...Хива чинниларида қуёш жилваланади. Унда жамоа раҳбарининг ҳам, мутахассисларнинг ҳам, ишчи-хизматчиларнинг ҳам ижодкорлиги, кашфиётчилиги, ҳалол меҳнати, юксак маҳорати, гўзалликка шайдолиги ўз ифодасини топган.

* * *

Сопол цехида Украина, Болтиқ бўйи республикаларидан, Қозоғистондан келтирилган дастгоҳлар, чинни цехида Англия, Германия, Италиядан олиб келинган тўрт дона пардозлаш ускуналари, қуритиш печлари, яна бундан бошқа қанча техник қурилмалар, дастгоҳлар, ускуналар. Собиржон Ортиқовга барча иш жараёнлари яхши таниш. У олий маълумотли мутахассис. Тошкент политехника институтини тугаллаган. 1977 йилда шу корхонага ишга келди. Олдин цех бошлиги, сўнгра узоқ йиллар бош мухандис бўлиб ишлади. Ҳозир техника хавфсизлиги мухандиси ва иш сифати бош назоратчиси. Доимо касб маҳоратини ошириб боради. Республикамиздаги барча турдош корхоналарда, Болгарияда хизмат сафарида бўлиб, қимматли тажрибаларни ўрганиб, хивалик ўз касбдошлари фаолиятига тадбиқ этишда жонқуярлик қилиб келмоқда.

Корхона ютуқларида рассомлар меҳнати мужассам. Ҳар бир буюмни кўзга ёқимли, чиройли бўлиб чиқишида айниқса Раҳмонбой Раҳмоновнинг ўзига хос ҳиссаси бор. Бодиями, лаганми, гулдон, чойнак-пиёлами, қандай буюм бўлмасин уни юксак дид, ўткир зеҳн, идрок билан безайди. Турли тарихий саналар, юбилейлар, бошқа яхши кунлар муносабати билан ишланадиган буюмларга ўзига хос тасвир танлашда унинг маҳорати ёққол кўзга ташланади. Портрет жанрида ҳам катта тажрибага эга.

Раҳмонбой Раҳмонов Тошкент Низомий номли педагогика институтининг рассомлик факультетини имтиёзли тугаллади. Сўнгра Ўзбекистон республикаси маданият Вазирлигида хизмат қилди. 1982 йилда керамика заводига ишга келди. Дастлаб яратувчи рассом, ҳозир эса бош рассом вазифасида ишлаб келмоқда.

Давлатжон Бекматов ҳам қўли гул рассомлардан. 1977 йил-

дан буён ўз касбини ардоқлаб, бир-биридан чиройли сопол ва чинни буюмлар яратилишига муносиб ҳисса қўшиб келаётир. Маълумоти олий, қобилиятли, талантли, истеъдодли рассомлардан.

Ўз касбининг фидойиларидан бири Самандар Жонибеков. Корхона ишга тушган 1977 йилдан буён шу даргоҳда ишлаб келяпти. Сопол буюмлар яшаш жараёнида бажариладиган ишларни пухта билади. Оддий ишчи эди. Ҳозир сопол цехида яшаш бўлими бригада бошлиғи. Роза Бобожонова 1980 йилда сараловчи бўлиб ишга келган. Ҳозир сифат назорати бўлими бошлиғи. Оллаберган Раҳимов Урганч қурилиш техникуми (Ҳозирги қурилиш касб-хунар коллежи) ни тугаллаб, 1977 йилда ишга келди. Олдин уста, 1991 йилдан директор ўринбосари вазифасида самарали ишлади. 2001 йилдан буён таъминотчи муҳандис вазифасида ишлаб келяпти. Корхонадаги ишларни бир-бирига боғлиқ ҳолда изчиллик, уюшқоқлик билан давом этиши кўп жиҳатдан ўзига боғлиқ эканлигини яхши тушинади. Корхонага хом-ашё келтиришдан тортиб токи уни тайёр маҳсулот ҳолида харидорларга етказиш ташвишлари Оллаберганнинг зиммасида. Республика бўйлаб, ҳамдўстлик мамлакатларида хизмат юзасидан ойлаб сафарларда булишга тўғри келади. Шундай пайтлар бўладиги корхона юмушлари билан машғул бўлиб, оиласидагилар билан ҳатто телефонда сўзлашиш имкониятлари бўлмай қолади.

Жуманазар Полёзов иссиқлик манбалари бўйича маъсул муҳандис. Газ ва электр қуввати билан қизадиган печларда қандай маҳсулотни қанча ҳароратда асл буюм ҳолатига келиши Жуманазар аканинг синчковлиги, фидойилигига боғлиқ. Полёзов эса ўз ишининг устаси. Кўп йиллардан буён шу даргоҳда ишлаб келмоқда.

- Мен корхонамиз раҳбари Шоназар Аҳмедов билан бир маҳаллада ўсиб улғайганман. Бирга ўн йил бир мактабда, бир синфда ўқиганмиз. Ҳозир ҳам шундай ташкилотчи, жонқуяр дўстим билан ҳамнафас бўлиб бир корхонада ишлаб келаятганимдан манмунман — дейди Жуманазар Полёзов.

Корхона фидойиларидан яна бири Оллаберган Гадониёзов. Ҳамкасбларига ғамхўр, талабчан, чин дўст. Бош энергетик вазифасида ишлаб келаятганига 20 йилдан ошди. Техник жараёнларнинг изчил, узлуксиз давом этишида ҳиссаси катта. Корхона бош раҳбари Оллаберганнинг ишчанлиги, фидойилигини жуда қадрлайди. У билан бирга маҳаллий саноат қурилиш корхонасида ҳам бирга ишлаган. Жамоада Оллаберганга ўхшаш меҳнатсевар, қобилиятли, корхонанинг умумий манфаати йўлида тенг

туриб курашадиган йигит-қизлар ишлаётганидан кўнгли хотир-жам. Пешқадамлар кўп. Ойбиби Оллаберганова шуларнинг бири. Дастлаб сопол цехига қуювчи бўлиб ишга келган эди. Қисқа муддат ичида сопол идишлар тайёрлашнинг барча жараёнларини пухта ўрганди. Чинни цехи ишга тушгач бу нозик, сермашшақат соҳа билан ҳам қизиқди. Шу цехда ишлаш истагини билдирди. Тиришқоқ, жонкуяр ўзига ва касбдошларига нисбатан талабчан бу қизнинг истаги инobatга олинди. Чинни цехида оддий ишчи бўлиб иш бошлаган Ойбиби ҳозир шу цехда бригада бошлиғи. Йигирма нафар аъзоси бор. Ўзи ҳам бригадирман деб қараб турмайди. Барча ишларга қандай аралашиб, киришиб кетганини ўзи ҳам сезмай қолади. Баъзида кимдир бирор узрли сабаб билан келмай қолса, дарҳол ўрнига ўзи ўтиради. Ўтган йил (2002 йил) Ойбибининг қайнонаси Мунаввар момо 80 ёшга тўлди. Унга ўзлари ишлаган чойнак-пиёлани совға қилди. “Илоҳим юз ёшга кирганингизда ҳам бизлар ишлаган мана шу чойнак—пиёлада чой ичиб ўтиргайсиз.” Момо қувониб кетди. “Раҳмат қизим, сен ҳам, барча касбдошларинг ҳам касбларингиздан барака топинглар. Кўлларингиз дард кўрмасин!”.

Ойбиби Оллаберганованинг Саробиби Бекчонова, Роза Бобожонова, Муҳаббат Маҳмудова, Муқаддас Бекчонова, Отаназар Бобожонов, Муборак Бекчонова каби ўнлаб касбдошлари борки, ҳар бирининг таърифи тилларда дoston бўлишга арзигулик. Ахир оддий тупроқдан бир қарашдаёқ ўзига мафтун этгувчи буюмлар ясашга қодир инсонларга қанча таҳсин айтса оз. Шундайлар билан ҳаёт гўзал, турмуш фаравон.

Корхона цехларини айланар экансиз, сопол ва чинни буюмларидан ташқари яна бир ажойиб мафтункор маҳсулотлар тайёрлаётган қўли гул қиз-жувонларга кўзингиз тушиб дилингиз яйрайди. Беихтиёр ўзингизни эртақлар ва афсоналар дунёсига кириб колгандай сезасиз. Тандирдан ҳаётнинг бош неъматини — нон узаётган аёл, гул дасталаб онажонини қутлашга ошиқаётган неvara, Хўжа минора, Ота дарвоза, Паҳлавон Маҳмуд мақбараси ва яна қадимги Хиванинг ўнлаб тарихий обидалари, қўлларига доира, тор, фижжак, сурнай ушлаган санъаткорлар, гармонни сайратаётган халфа, миллий кийимлар кийган донишманд отахонлар, онахонлар, бир умрлик қадрдон ҳамроҳи- эшагига минишга чоғланаётган Насриддин Афанди, белига суянганича узоқларга нигоҳ ташлаётган сувчи, ҳосилдан мамнун қовунчи, боғбон, бедана ва булбул овозидан сармаст табиат шайдоси, эртақлар, мультфильмлар қаҳрамонлари, эҳ-ҳе санаб санафига ета олмай қоласан. Ҳаммаси сополдан ишланиб, ўзига хос ва мос турфа ранглар билан бўялган, эрин-



Аҳмаджон ота ва Уллибиби она



Комил Хоразмийнинг чевараси, “Хива сополи” корхонаси директори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган саноат ходими Шоназар Аҳмедов.




Хива. Комил Хоразмий уй музейида.



Президент девони маслаҳатчиси Х. Султонов “Танбур чизиғи” нота китобини юртбошимиз И.А. Каримовга тақдим қилган Ҳофиз Оллоназаровга юртбошимиз мактубини топширмоқда.



Отабой Абдуллаев умр йўлдоши Лена опа билан.



Эвара Сухроббек – боболар издоши.



Боболар юрган йўлларда.



Шоназар Аҳмедов дўсти Озод Аҳмедов билан.



Саробиби Отабоева невараси Моҳира билан.



Мунаввара опа.




Наврӯз байрамидла.



Гурунҗ мавзуи – бооболарга муносиб бўлмоқ.



Туркия сафари.




— Шоназар оға, бошонлиқ Комил
Хоразмийининг “Танбур чизниги”
нота китоби санъаткорларнинг асл
қўлланмасы - дейди Ўзбекистон
халқ ҳофиси Фарҳод Давлатов.



Кореялик меҳмонлар таширфи.



Чинни цехида.



Раҳмонберган Раҳмонов – моҳир рассом.



Ш. Аҳмедов Ичонқалъа маҳалласида.



“Хива соғоли” корхонаси фаоллари.



АХИЛ ЖАМОА.



- Хива чойнак-пиёласида чой ичиш гаштига нима етсин!



Зумрадхон Курбанова.

май пардоз берилган. Қараб туриб ҳавасингиз келади. Ҳар ким ҳам бундай буюмларни севиб харид қилади, уйининг тўрида сервантда қадрли совға сифатида ардоқлаб асрайди. Хорижлик сайёҳларнинг айтинг, бундай янгиликни тез пайқашади, ўз юртларига ноёб эсталик сифатида қувона-қувона олиб кетадилар. Боғча-яслиларда бундай буюмлардан алоҳида кўргазмалар қилишади. Ҳар бир буюм ўзи бир тарих, миллий қадрият, мўъжиза, кашфиёт. Тарбиячиларга қулайлик туғдиради- ҳар бир буюмдан юртимиз тарихи, табиати, миллий урф-одатларини ҳикоя килувчи манба сифатида фойдаланишади. Шоназар Аҳмедов ҳаргал бу цехга кирганида бир-бирини такрорламайдиган янги-янги буюмлар пайдо бўлаётганидан қувонади. Ўзларига хос “ кашфиёт” лар яратаётган, кўп ҳафсала, диққат-этибор, синчковлик, ўткир зеҳн талаб қиладиган бундай нозик, ўзи майда иш бўлиб кўринсада заҳмати катта юмушни завқ билан бажараётган Жамила Оллаёрова, Муҳайе Саидова, Гулнора Жобборова, Қундуз Бобожонова каби серғайрат ишчилар ва уларга бош бўлаётган Ҳусаинбой Саъдуллаев, Аноржон Жонибековаларни изланишлари айниқса таҳсинга сазовор, мақтовга лойиқ.

Корхонада ишлаб чиқарилаётган барча маҳсулотларнинг сифатли, харидоргир, рақобатбардош бўлишида лаборатория мудираси Фарида Отаева, Олмагон Матчонов, техника назорати бўлими бошлиғи Роза Бобожоноваларнинг хизматлари катта.

Хом-ашёни ташиб келтиришда, тайёр маҳсулотларни манзилларга ўз вақтида элтиб беришда, ишчи-хизматчиларни корхонага олиб келиш ва яна уйларига элтишда Шоназар Мадаминов, Рўздат Ражабовларнинг жонкуярлиги ҳурмат-эҳтиромга сазовор. Оғирни енгил, узоқни яқин қилаётганлар шулар.

Равшанбек Саъдуллаев ёш, лекин кўплаб хайрли ишларга бош мутахассис. Тошкент политехника институтини тугаллаб олдин қурилиш ташкилотларида ишлади. 1992 йили керамика заводига ишга кирди. Олдин бу ерда уста бўлиб ишлади. Саккиз йил шу вазифада ишлаб меҳнатда тобланиди, катта тажриба тўплади. Ишчанлиги, ўз касбига эътиқоди, изланувчанлигини эътиборга олишиб, 2000 йилда уни бош муҳандис вазифасига тайинлашди. Равшанбек ўз ишига масъулият билан ёндошади.

Ўзининг билими, маҳорати тажрибасини корхона ютуқларини кўпайтиришга, жамоа моддий таъминотини таъминлашга бахшида қилиб келаётган Мукаррама Раҳимова фидойи ишчан аёллардан бири. Бош иқтисодчи. Чорак асрдан буён шу корхонада ишлаб келаяпти. Ҳисоб-китоб ишларини аниқ ва тўғри юритишда катта тажрибага эга. Унинг ҳамкасбларидан

Эгамберган Отамуродов, Нигора Искадарова, Роҳатой Юсупова, кадрлар бўлими бошлиғи Бикажон Саъдуллаева, диспетчер Жуманазар Саъдуллаев, таъминотчи Собиржон Курбонов, цех бошлиғи Озод Маҳмудов, бош механик Отаназар Бобожионовлар ҳам ўз касбини эзозлаб келаётган ходимлардир.

Корхонада ишларни самарали ва сифатли давом этишида хизматчилардан ошпаз Муяссар Сафоева, маҳсулот ясовчи Шихназар Матёқубов, бўёқ тайёрловчи Шавкат Юсупов, санитария техниги Рустам Матжонов, электр устаси Одилбек Давлетовларнинг ҳам ўзига хос ҳиссалари бор.

Жамоа аҳиллиги фақат иш жараёнида эмас, байрамларда, тўй-маъракаларда ҳам ёққол сезилиб туради. Ҳатто бир-бирларини туғилган кунлари билан табриклаб қўйишни ҳам уништирмайди. Бир-бирига меҳр-оқибатли, аҳил-иноқ, ташвишу қувончларига шерик бўлиб яшашга, ишлашга нима етсин. Оғиз бирлик, аҳиллик бор жойда барака бўлади, ишлар юришади, кайфиятнинг кўтарилиб, ҳаёт завқи, нашидасини сезиб яшайсан. Шоназар Аҳмедов корхонаси худди ўз уйидек ҳис қиладиган, эрта тонгдан ишга ошиқадиган аҳил жамоаси борлигидан фахрланади. Ҳамиша уларга зарур шарт-шароит яратиб беришга интилади.

Ишчиларга барча қулайликлар муҳайё этилган. Ишга бориб-келишлари учун махсус автобус ташкил қилинган. Шу боис узоқдан қатнайдиغانлар ҳеч қийналишмайди. Ҳамма эрталаб ўз вақтида завқ билан, ҳавас, иштиёқ билан ишга кирипадилар. Соат 11-00 да нонушта, соат 13-00 да яна корхона ҳисобидан bepул тушлик ташкил қилинган. Ишчилар соғлиги-домий эътиборда. Санитария-гигиена хоналари, душ ишлаб турибди. Тиббиёт хонасида ишлаётган олий маълумотли шифокор ва ҳамшира корхона ҳисобидан маош олишади. Ишчи-хизматчилар имтиёзли равишда республикамиздаги турли сихатгоҳларда ўз соғлигини мустаҳкамлаб, дам олиб қайтишади. Самарқанд, Бухоро, Кўкон, Шаҳрисабз каби тарихий шаҳарларга, Султон Увайс, Қалажиқ қаъласи каби заёратгоҳларда бўлишади. Тўй қиладиганларга, иморат қурадиганларга ёрдам, фарзанди илк бора мактабга борадиган ота-оналарини рағбатлантириш, касб маҳорати учун устама ҳақ, мукофот, юбилей ва тўйларида гилам, корхона буюмлари ҳадя қилинади.

- Ишчилар меҳнатини қадрлашимиз керак! — дейди Шоназар Аҳмедов — Ишчиларнинг топиш-тутиши, руҳияти яхши бўлсагина меҳнатта муносабати яхши бўлади.

Ш. Аҳмедов ишчиларга отадек ғамхўр, содиқ дўст каби қадрдон. Ўз навбатида ишчилар ҳам корхона раҳбарининг ҳурмат

қилишади, ўзларига яқин тутишади. Бемалол юрагини очиб дардларини яширмай айтишади. Бир куни хузурига ёш ишчи йигит келди, нимадандир безовта, юз - кўзларида аллақандай гамгинлик “ Уйда бирор нохуш воқеа бўлганмикин? Ёки ўзининг ҳаётида бирор келишмовчилик содир бўлдими? ” Аҳмедов уни таниди: Аминбой Эшчонов. Энг қийин иш унинг зиммасида. Лой, яни асосий хом-ашё тайёрлайди. Касбидан нолиган эмас. Ғайратли, ишчан йигит. Иши ҳам сифатли. Нима дарди бор экан? Ё биров хафа қилганмикин?

- Уйланмоқчи эдим - деди у уялинкараб- Лекин...

Уёғини айтолмайди. Хижолат бўлиб ерга қарайди. Директор ҳар бир ишчининг оилавий аҳволини яхши билар эди. Бу йигитни ҳам тушунди. Аёлванд оиладан. Тўй қилишга қурблари етиши қийин. Шундай пайтда отаси ўрнида кўриб ёрдам сўраб келибди. Бирдан бир суянчиғи деб билибди ўз корхонасини, унинг раҳбарини.

- Ҳеч ташвиш чекма ука — деди директор — Ёрдам берамиз. Корхонанг- ўз уйинг, бошингни баланд тут, кайфиятингни туширма. Куёв деган чақмоқдек чақнаб, ўтдек ёниб, учқур одек парвозга шай туриши керак. Қани, келин қаердан, узоқданми?

- Йўқ, шу ердан, ўзимизнинг корхонадан. Гулчизувчи Замира...

Директор бунга ажабланмади. Корхонада бирга ишлаб ўз бахтини топиб кетган ҳамкасб келин - куёвлар қанча: Озод Худойберганов билан Курбонжон Рўзметова, Бекчон Бекчонов билан Нигора Искандарова, Йўлдош Оташов билан Фароғат Солаева, Отабой Худойберганов билан Раҳима Исоқова, Юрий Абдуллаев билан Санобар Бобожонова, Хушнуд Ғойипов билан Маҳлиё Раҳимова... Корхона бош рассоми Раҳмонбой ҳам ҳаётида тассаввур қилиб юрган умр йўлдошини шу ердан топди. Ҳозир Гулнораҳон билан бахтли яшашяпти. Бундайлар кўп.

- Корхонамиз Фарҳод-Ширинлари қаторига сени ҳам қўшиб қўядиган бўлибмизда. Олдиндан табриклайман — деди Аҳмедов ва ички хизмат телефони орқали йигирма беш йилки шу ерда ишлаб келаётган тиниб-тинчимас, фидойи аёл, касаба уюшмаси раиси Гулчеҳра Рўзметовани хузурига чақирди. Шу куни бошқа фаоллар билан ҳам фикрлашди. Ҳамманинг фикри бир жойдан чикди: “Аминбойга ёрдам берамиз!”

...Тўй файзли ўтди. Раҳмонбой билан Давлат оға янги оила қуришга аҳд қилган ҳамкасблари суратини катта кўзага тушириб, остига жамоанинг қисқа, лекин пурмаъно истакларини ёзиб

қўйишиби. Шу куни янги оиллага бир рўзғорга етадиган корхонани ўзида ишлаб чиқарилган буюмларни ҳам совға қилишди. Хонанда, халфа, раққосалар ҳам корхона талантилари эди. Жўшиб дилдан хизматда бўлишди. Тўй аҳли, айниқса Аминбойни отаонаси қувончини кўрсангиз. Бундай саховат ва илтифот учун Шоназар Аҳмедовдан, бугун жамоадан миннатдор бўлишди.

Бош раҳбар Ш.Аҳмедов ҳар гал йиғилишда бир нарсани алоҳида таъкидлашни унитмайди “ Қачон ишчининг вақти хуш, оиласи, уй-рўзғоридан кўнгли тинч — хотиржам бўлса ишида унум, барака, сифат бўлади. Уларга фақат иш буюришни эмас, зарур шароит яратиб беришни ҳам унутмаслигимиз зарур”.

* * *

... Германиядан қайтган куни Ғайрат устози Сардор Иброҳимов билан Шоназар Аҳмедов ҳузурига кириб келди. Директор уларни кучоқ очиб кутиб олди.

- Ўтган йил Таиландда ўтказилган турнирда иккинчи ўринни эгаллаган эдинг. Бу йил Германияда ўсмирлар бейлашуввида биринчи ўринни олибсан. Чин кўнглимдан табриклайман ука — деди Шоназар Аҳмедов — Келажакда Артур Григорян, Муҳаммадқодир Абдуллаев каби жаҳон чемпиони бўлиш насиб этсин!

- Ғайрат фақат Хива, Хоразм эмас, бугун Ўзбекистон спорт шарафини ҳимоя қилди. Буяда Сизнинг ҳиссангиз катта. — деди Сардорбек — Агар бизларни қўллаб-қувватламасангиз бундай ютуқларни қўлга киритиб бўлмас эди. Сизга раҳмат Шоназар оға!

Хива шаҳар ва туман “ Бокс клуби” Президенти қилиб сайланган эди уни. Янглишмаган эканлар. Натижалар яхши. 1991 йилдан буён Ш. Аҳмедов бу жамоатчилик вазифасини сидқидилдан бажариб келаяпти. Корхона клубида бокс билан шугулланувчи ёшларга барча қулайликлар яратилган. Спорт анжомлари, кийимлар етарли, шаҳар ва тумандан юздан ошиқ ўсмир ёшлар бокс билан шугулланиб, бу борадаги маҳоратини ошириб борадилар. Уларнинг мураббийси Сардор Иброҳимов Ўзбекистон чемпиони, спорт устаси, олий тоифали мураббий. Урганч Давлат дорилфунунининг жисмоний тарбия ва спорт факультетини тугаллаган. Қатор мусобақаларда шаҳар, вилоят, республика шарафини ҳимоя қилиб ғолибликни қўлга киритган. Унинг устозлигида Ғайрат Маткаримов, Қувондиқ Ваисов, Дониёр Қурбонов, Жаҳонгир Абдукаримов, Дилмурод Раҳимовлар Ўзбекистон чемпиони деган шарафли унвонга засо-

вор бўдилар. Республика терма жамоасига қабул қилиндилар.

Бокс клуби аъзолари ҳар йили шаҳар, туман, вилоят ва республика бўйича ўтказилаётган мусобақаларда фаол иштирок этишяпти. Ҳамиджон Жабборов, ака-ука Ҳасан-Ҳусан, Эрнур Курбонов, Зафарбек Раҳимов, Руслан Иброҳимовлар ҳам юкори натижаларга эришиб, спорт усталари, чемпионлар бўлишга ҳаракат қиляптилар. Уларнинг издошлари йилдан йилга кўпайиб бораёпти.

- Бу яхши-дейди Шоназар Аҳмедов — “Фарзандлари соғлом юрт баркамол бўлади” деб бежиз айтишмаган. Ҳар томонлама чиниққан, тобланган жисмоний жиҳатдан мустаҳкам ёшлар фақат бугунги кунимиз эмас, балки келажагимизнинг ишончли таянчидирлар. Биз уларга ҳомийлик қилиб кўмагимизни аямаймиз.

Шоназар Аҳмедовни бу борадаги сайъ ҳаракатлари, фидойилиги, ташаббус ва ташкилотчилиги нуфузли давраларда фахр билан тилга олинди. Хоразм вилояти ва республика «Ойнаи жаҳон» ида бир неча бор тарғиб қилинди.

Корхонада жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиш учун шароит бор. Спорт зали, майдончалари мавжуд шахмат-шашка, футбол ва волейбол беллашувлари ўтказиш, жисмоний машқлар билан машғулик жамоанинг сеvimли одатига айланган.

Спорт соғлиқ гарови. Мустақилликнинг илк йиллариданоқ бу соҳани ривожлантиришга жиддий эътибор бериб келинмоқда. Махсус фармон ва қарорлар қабул қилиняпти. Юртимизнинг кўплаб спортчилари жаҳон миқёсида Ўзбекистон довруғини оширяптилар. Ким билсин, Ш. Аҳмедов бош бўлган бокс клубидан ҳам ана шундай доvруқли спортчилар етишиб чиқар? Бу яхши ният. Аммо масаланинг энг муҳим, асосий томони бор: инсон қайси касбда ишламасин тетик, бардам, руҳан ва жисмонан соғлом бўлгандагина кўзлаган мақсадига эришади. Қолаверса ҳаётнинг ўзи фаол ҳаракатни талаб қилади. Ҳаракат қилган одамнинг турмушида ҳам, ишида ҳам, умрида ҳам барака, маъни бўлади. Бу эса спорт ва жисмоний тарбия билан шуғулланишни тақоза этади. Шу боисдан ҳам Шоназар ака ҳар эрта тонгдан югуриш, жисмоний машқлар бажаришни одат қилган. Йилнинг тўрт фаслида ҳам уни эрта тонгда уйи яқинидаги стадионда учратиш мумкин. Унинг бу фазилати оиласи аъзоларига, дўстларига, кўшнларига ҳам ўтган.

...Сардор яна бир хушxabар олиб келди. Бокс клубидан икки нафар ўсмир республика чемпионатида қатнашиш ҳуқуқини кўлга киритибди. Агар голиб бўлишса улар ҳам Ўзбекистон чемпионлари сафига қабул қилинар эканлар. Шоназар Аҳмедов

бош ҳисобчига сафар харажатлари билан боғлиқ ҳужжатларни расмийлаштиришни топширди.

* * *

Инсон ҳеч қачон ўрганишдан, изланишдан чекинмаслиги керак. Ҳамиша янгиликка интилиб, ниманидир кашф қилиш, яратиш иштиёқи билан яшамоғи лозим. Яна энг муҳими - ишингдан қаноатланмаслик! Агар бирор ишни муддатидан олдин кўнглидагидек бажариб хотиржамликка берилса оқибати яхши бўлмайди. Бажариладиган энг зўр иш, эгалланадиган энг баланд довон ҳали олдинда деб билиш керак. Ана шунда силжиш, ўсиш-юксалиш бўлади. Шоназар Аҳмедов буни ҳали қурилиш соҳасида иш бошлаган меҳнат фаолиятининг илк кунлариданоқ кўнглидан ўтказган эди. Бора-бора бу ақида бош пиорига, умр фалсафасига айланди. Айниқса раҳбар бўлиб ишлаётганидан буён бу борадаги маъсуллияги чандон ошди. Бугун бошлиқ жаома сардори сифатида корхона доврғини оширишга, ютуқларини мустаҳкамлашга, куч-қуввати, билим ва тажрибасини аямасди. Баъзан дўстлари, ҳатто раҳбарлар ҳам хайрли ишларини эътироф этсаларда барибир ўз ишидан қаноат қилишни ҳаёлига келтирмасди. Аксинча бирор ишни бажаришга киришса уни охирига етказиш, сифатига эътибор беришни бурч деб билди. Республикадаги турдон корхоналар иш фаолияти билан яқиндан танишиб, баъзи ибратли томонларини ишлаб чиқаришда қўллаш, ўз навбатида хивалик кулоллар тажрибаларидан ҳамкасбларини баҳраманд этиш борасида хизмат сафарларида бўлиб турарди. Зеро, бир-бировдан ўрганиш, ўзаро ҳамжиҳатлик, дўстона муносабатлар халқимизнинг азалий одати, ойдin йўлга бошловчи жиҳат.

Бу гал уни хорижга — Туркияга йўллашди. 1993 йилнинг куз фасли. Шоназар Аҳмедов сафарга отланар экан бу мамлакат ҳақида эшитган, ўқиган, «Зангори экран» да кўрган-билганларни бир карра ҳаёлидан ўтказди. Туркия Ўзбекистон мустақиллигини илк бора тан олган давлатлардан. Марказий Осиё, яқин Шарқ мамлакатлари орасида сиёсий мустақиллигини сақлаб, жадал ривожланиб, тараққиёт йўлидан бораётган мамлакат. Шимолда Қора денгиз, ғарбда Эгей денгизи, жанубда Урта ер денгизи ўраб туради. Тоғлар, ўрмонлар, боғ-у гулзорлар... Шоназар Аҳмедов бу манзараларни ўз кўзи билан кўриб, Туркия чиндан ҳам жаҳоннинг энг гўзал, бетакрор, кўркем мамлакатларидан бири эканлигига гувоҳ бўлди.

Сафар асосан Измир шаҳрида ўтди. Бу шаҳар тарихи миллоддан авалги икки мингинчи йилларга бориб тақалар экан.

Ўзига хос тарихий обидалари бор. Порт шаҳри. Ҳалқаро аэропорт ҳам бор. Темир йўллар, кенг, равон, шоссе йўллар. Тўқимачилик, озиқ-овқат, ёғочсозлик, машинасозлик, кемасозлик ривожланган. Измир Туркиянинг энг катта иқтисодий ва маданий маркази ҳисобланар экан. Мамлакатда экспорт бўйича биринчи, импорт бўйича иккинчи ўринни Эгаллашини ҳам биллиб олишди. Шаҳарда катта билим даргоҳлари, йирик корхоналар, музейлар мавжуд. Измир шаҳрида ҳар йили жаҳон миқёсида ҳалқаро ярмарка ўтказилар экан. 29 -, 30-, 31 октябрь кунлари ана шу ярмаркада хивалик кулол ва чиннисозлар тайёрлаган маҳсулотлар ҳам кўргазмага қўйилди. Ҳар бир буюмни ҳавас ва ҳайрат билан кузатишар экан, хивалик ҳунармандлар маҳоратига тасаннолар айтишди.

Шоназар Аҳмедов Россиянинг қатор турдош корхоналарида, Қозоғистонда, Болтиқ бўйи республикаларида ҳам хизмат сафарида бўлди. Қаерда бўлса ўз юрти, меҳри уни ўзига тортиб турди. Ўзбекистон, унинг ажралмас бўлаги, сўлим гўшаси Хоразм, табаррук юрти Хива дунёдаги энг жаннатмақон ўлка эканлигини ҳис қилди. Яна шунга иқрор бўлдики, ҳалол ва фидо-корона меҳнат ҳамма ерда ҳам фаравонликни таъминлар, бахт сари етаклар экан. Шоназар Аҳмедов жамоаси аъзоларига хорижликлар таҳрибаси ҳақида гапириб берар экан уларни меҳнатга муносабати, бир-бирларига бўлган меҳр-у оқибатини, ҳамжиҳатлигини доимо эслатиб туради. Ҳалқ фаравонлиги йўлидаги манфаатлар муштараклиги, дўстлик, биродарлик ўсиш-юксалишлар гарови эканлигини таъкидлайди. Зеро, мамлакатимизда қад ростлаётган қўшма корхоналар, турли ускуна, жиҳозларнинг кўплаб келтириляётганлиги ана шундай хорижий ҳамкорлик самарасидир. Шоназар Аҳмедов ўзи раҳбарлик қиляётган корхонада ҳам хорижий ҳамкорлар билан ишлаш, ишлаб чиқариладиган маҳсулотларни чет мамлакатларга ҳам экспорт қилиниши борасида қайта ва қайта фикр юритади.

* * *

Қадим Хивага Наврўзи олам ўзгача шукуҳ ва виқор билан кириб келди.

Наврўз шодиёналари “ХИВА СОПОЛИ” корхонасида ҳам эрта тонгдан бошланиб кетди. Чиройли безатилган давра тўридаги гиламга “Байрамингиз муборак!” деган дил каломи битилган. Соз-суҳбат, ўйин-кулгу авжида. Гуллар. Меҳрли нигоҳлар. Байрам соғинчи гулгун чехраларда акс этади. Тўкин дастурхонга кечаси билан катта дошқозонда хил-хил бўлиб пиш-

ган сумалак тортилди. Кўклам таомлари — кўк барак, кўк со-мса. Корхонада ўз қўллари билан ишланган чойнаклардан бир бирларига чиройли пиёлаларга чой қуйиб узатишар экан, фи-дойи меҳнатлари самараси, завқи ҳар бир ишчи, ҳар бир мута-хассис дилига бир олам қувонч, шодлик бағишлаётганлигини четдан кузатганлар тезда пайқаши қийин эмас. Жамоа жам. Айниқса фахрийлар ташрифи узукка қош куйгандек ярашиб турибди.

- Фахрийлар — фаҳримиз — ҳаёлидан ўтказди Шоназар Аҳмедов — Корхонамиз ривожда, ҳар бир ютугимизда улар-нинг ҳиссаси катта. Ҳалол меҳнат қилиб энди роҳатини кўра-яптилар. Лекин уларнинг ўрни сезилиб туради. Байрамлардан ташқари пайтлау да ҳам келиб турадилар, қимматли тажриба-ларини ўргатишда эн эринмайдилар. Ўзларимиз ҳам ҳол-аҳволи-дан хабардор бўлиб тураемиз. Бахтимизга бор бўлсинлар, соғ саломат, умрлари узоқ бўлсин!

Директор даврага меҳр билан нигоҳ ташлар экан, базм гули, нақши бўлиб, шогирдлари орасида тўлиб-тошиб ўтирган фах-рийларни кўриб дилдан қувонди. Ана, Шарифа Собирова. Кор-хона очилган илк кунданоқ шу даргоҳга ишга келган. Энг қий-ин пайтларда ҳам баъзилардек ишни ташлаб кетишни ҳаёлига-ям келтирмаган. Қайтага қанчадан қанча ёшларга устозлик қилиб билганларини кунт билан ўргатган. Қимматли маслаҳатлар бер-ган, насиҳатлар қилган: “ Ишнинг катта -кичиги, яхши -ёмони, оғир-енгил бўлмайди. Агар кимки ўз касбига чинакам ихлос қўйса барака топади. Иззат-ҳурмати ошади. Нони бутун бўлади. Дарахт бир жойда камолга етади, ўғил — қизларим, касбин-гизни севинглар, ардоқланглар! Шунда Сиз эмас, бахтнинг ўзи сизларни излаб топади”.

Шарифа опани ўзи ҳам касбини ардоқлаб бахт-у соадат топди. Ҳаёти фаравон, рўзгоридан хотиржам. Уч ўғлини уйлан-тириб, икки қизини турмушга узатди. Ҳаммалари бахтли тур-муш кечиряптилар. Неваралар ўн бешдан ошди. Шарифа опа асли кўшни Янгиариқ туманининг Каттабоғ қишлоғидан. Ота боболари кулол ўтганлар. Кейинчалик Хивага кўчиб келишган. Умр йўлдоши Эркин Раззоқов (Оллоҳ уни ўз раҳматига олган бўлсин!) нинг акалари Хивага кўчиб келишган. Ражаббой, Имомалжон кулол десалар уларни эл-юрт ҳозир ҳам яхши та-нийди. Шарифа опа қайноғаси Ражаббой кулол устахонасида ишлар эди. Бодия, лаган, кўза каби сопол буюмларга гул қўярди. Бу осон иш эмас. Ўта нозик, мураккаб юмуш. Ясалган буюмга салгина чанг ўрнаса ёки бўёқ расамадида ишланмаса шунча меҳнат, вақт зое кетади. Бу ишни бажариш учун жуда юксак

дид, укув, ҳафсала керак. Бундай хислатлар эса Шарифа опада болаликдан шакллана бошлаган. У ишга бутун меҳрини берди. Корхонани ўз уйидек ҳис қилди. 1977 йилда керамика заводига ишга тақлиф қилишганида ўз қариндоши устахонасида тинчгина ишлаб юравериши мумкин эди. Топиш-тутиши яхши, келин бўлганидан кейин сийлови ҳам шунга яраша жойида. Янги ташкил қилинган заводдаги ишларни йўлга қўйиш эса осон эмас. “Энди оёққа тураётган корхонага ишга келганларга мен ўргатмасам, ким иш ўргатади? Одамзод фақат ўзқайғуси, ўз ташвиши билан яшаса чинакам инсонлик қиёфасини йўқотдику ахир! Ҳазрат Навоий бобомиз билиб айтганлар: “Одамий эрсанг демагил одамий, аниким йўқ эл гамидин гами”. Мана шу туйғулар уни заводга бошлаб келди ва то нафақага чиққунича шу ерда ҳалол, сидқидилдан меҳнат қилди. Ўзи билан бирга ишлаган Шукуржон Матчонова, Онабиби Матрасулова, Зумрад Курбонова, Саломат Қўшаева, Саломат Маҳмудова ва яна ўнлаб бошқа фахрийлар ҳам корхона фахри. Улар ҳам давра меҳмони. Кўп йиллар техника назорати бўлими бошлиғи бўлиб ишлаган Бекпошша Ҳажиева Наврўз байрамига санъатга иштиёқманд ўғли Наврўзни ҳам олиб келибди. Торини сайратиб шўх-шўх қўшиқлар айтиб даврани қиздирди. Бир ёқда халфалар хониши, ишчи қизларнинг ўзлари ҳам завққа тўлиб раққосани доғда қолдирганликлари...Хуллас, ҳар йилгидек бу йил ҳам байрам жуда яхши, кўнгилли ўтди. Байрамдан икки кун олдин яна бир улуғ, савоб, ишни бажо этишди. Узоқ йиллар бирга ҳамнафас бўлиб ишлаган, лекин тақдирнинг бешафқат ҳукми билан ҳозир орада йўқ инсонларни ёд этишди. Норжон Ёқубова (44 ёшида оламдан бевақт кўз юмган), шунингдек Сиддиқжон Раҳимов, Каримбой Абдиезов, Ражаббиди Отажонов, Зариф Ражабов, Давронбек Матчонов сингари корхонага меҳнати сингган марҳумларни дилдан эслашди, қабрларини зиёрат қилишди, хонадонларига бориб ҳол-аҳвол сўрашиб, оиласи аъзоларига совға-саломлар улашдилар.

* * *

1996 йил 3 январь. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Хива шаҳрининг 2500-йиллик юбилейини нишонлашга тайёргарлик кўриш тўғрисида” ги қарори эълон қилинди. Шу кундан эътиборан бутун Хоразм вилоятида, қадим Хиванинг ўзида бўлажак катта, оламшумул анжуманга тайёргарлик ишлари бошланиб кетди. Хива керамика заводи жамоасининг ишлари эса энди янада кўпайди. Бир томондан меҳмонлар учун совғабоп буюмлар тайёрлаш лозим бўлса, иккинчи-

дан яна бир қийин, мураккаб, ўта нозик, аммо жудда шарафли ва фахрли ишни ҳам уларга ишониб топширишди:

Хива обидаларининг кўпчилиги қадим нақшлари йиллар ўтиши билан ўз ўрнидан кўчиб тушиб ёдгорликларнинг асли ҳолдаги кўринишини йўқотган эди. Уларни ўрнига худди шунга ўхшаш ранг ва услубдаги миллий нақшлар билан безатилган керамик плиталар ишлаб чиқаришни изчил йўлга қўйиш кечиктириб бўлмас вазифа эди.

Шоназар Аҳмедов ҳар иккала хайрли ишни тез ва соз бажарилишини таъминлаш учун чуқур масъулият ҳис қилиб, жамоани юбилей олди тайёргарлик ишларига жалб қилишда ҳаловат билмай ишлади. Ишчилар ҳам чарчаш нималигини билмай астойдил меҳнат қилдилар. Ахир ўз туғилган юртингнинг таввалуд тўйи бутун жаҳон миқёсида нишонланса ғайрат-шижоат билан фаҳрга тўлиб ишламай бўладими? Хива тарихий обидалари тасвири туширилган, юбилей рамзи акс этган 50 турдан ошиқ маҳсулот ишланди. Улар тайёрлаган кошнлар тарихий ёдгорликларга иккинчи умр бағишлади.

1977 йил 15 –21 июн кунлари. Париж. Франция пойтахтида ЮНЕСКОнинг бош қароргоҳида Бухоро ва Хива шаҳарларининг 2500-йиллиги юбилейи олдидан халқаро миқёсда катта анжуман бўлди. Тадбирлар ЮНЕСКО раҳбарлари, дипломатия корпуси вакиллари, дунёнинг кўп мамлакатларидан келишган мартабали меҳмонлар Ўзбекистон Республикаси вакиллари иштирокида бу ерда ташкил этилган кўرғазманинг очилиши билан бошланди. Бу кўрғазмада қадимий ва ҳамisha навқирон Хиванинг ўтмиши, бутуни ва эртаси ҳақида ҳикоя қилувчи турли асорий – атиқалар, тарихий ҳужжатлар, ҳунармандарнинг миллий услубда ишлаган кўплаб маҳсулотлари қаторида хивалик куллолар ва чиннисозлар ишлаган буюмлар ҳам қўйилди. ЮНЕСКО Бош директори Федерико Майор ва бошқа давлат ва жамоат арбоблари Хива кўрғазмасига юқори баҳо беришди.

Парижда саккиз кун давомида бўлиб ўтган бу тантаналарда иштирок этган Хива шаҳар, туман Ҳокими, Ўзбекистон Олий Мажлиси депутати Э. А. Раҳмонов керамика заводида ишланган буюмларни ҳамма ҳаяжон ва ҳавас билан кузатганликларини, бобо мерос касбни улуғлаб саянат даражасидаги асарлар яратаётган ишчилар меҳнатини юксак баҳолаб, қадрлаб тасаннолар айтишганини гапириб берди.

1997 йил 20 октябрь. Хива. Ичон қалъа байрам либосига бурканган. Эрта тонгдан бошланган халқ сайли хушчақчақлик, шод-у хуррамлик билан давом этди. Орзиқиб кутилган айём-Хиванинг 2500-йиллик юбилейи тантаналари жаҳон миқёсида

кент нишонланди. Шу куни Хива улкан тўйхонага айланди. Ичон қалъа бўйлаб ташкил этилган кўрғазмалар орасида “ХИВА СОПОЛИ” жамоаси тайёрлаган маҳсулотлар яна ўз бежиримлиги, чиройлилиги, юксак дид билан сайқал берилганлиги билан ажралиб турди, ҳамманинг диққат — эътиборини тортди. Бу маҳсулотлардан меҳмонларга ҳам совға қилинди.

Юбилей тантаналарида иштирок этган Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Абдуганиевич Каримов ўз нутқида фахр билан шундай деди:

- Хива гўзал диёримизнинг гавҳари, халқимиз санъати ва бунёдкорлиги тимсоли, маданий ва маънавий анъаналаримизнинг абадийлигини ўзида мужассам этган бир мўъжизадир.

Кўҳна Арқда ўтаётган тантанада юртбошимизнинг бу сўзларини эшитар экан, Шоназар Аҳмедовнинг қалби қувончга тўлди. Мўъжизалар яратаётган муносиб ворислар сафида аҳил жамоаси ҳам борлигидан фахрланди. Зеро, қадим шаҳар доврўғини, нафосатини, кўркини оширишда қуллолар меҳнати мужассам эканлиги тарихдан аён. Қадим шаҳар ёшини аниқлаш ҳам қуллолар заҳматига бориб боғланиши бежиз эмас.

* * *

Эл олқишига, ҳурмат — эҳтиромига сазовор бўлиш, юрт фаравонлиги, ободончилигига ҳисса қўшиш, бу йўлда хайриялар қилиш савоб. “ХИВА СОПОЛИ” ана шундай савобга сазовор корхона. Хива шаҳри ва туманида бу корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлардан беминнат баҳраманд бўлмаган маҳалла йўқ. Яхши кунлар, Наврўз, Мустақиллик байрамлари арафасида бу жамоа тайёрлаган буюмларни меҳмонларга, меҳнат илгорларига, беллашувлар голибларига, фахрийларга совға-салом ўрнида топшириш одат тусига кирган. Туман ижтимоий таъминот бўлимига фахрийларга совға қилиш учун тез-тез корхона маҳсулотларидан хайрия қилишади. Ўзбекистон ХДП туман кенгашига, “Меҳрибонлик уйи” га кўплаб идиш — товоқлар, чойнак — пиёлалар, катта гулдонлар тортиқ қилишди. “Муҳтож аёллар маркази” га, миллий кураш федерациясига, 97 — мактаб - интернатига, кўзи ожизлар мактаби ва корхонасига, туман спорт қўмитасига... Хуллас, хайриялар рўйхатини узоқ давом эттириш мумкин.

“Нуроний” жамғармаси раиси Рустам Файзуллаев бу жамоа хайр-у саховатидан минатдор бўлиб, “Савоб ишни ҳар ким, ҳар куни қилиши керак!” деган юртбошимизнинг дона сўзини бемалол сизларнинг фаолиятингизга тадбиқ этса бўлади” дейди.

Корхона жамоаси якка-ёлғиз, боқувчиси йўқ саккиз нафар қарияни ўз оталигига олиб, уларни белул озиқ-овқат билан таъминлаб келмоқда. Ўзларида ишлаб кетган икки нафар фахрийни газ, телефон тўловлари корхона ҳисобидан тўланмоқда. Шу билан бирга байрамларда корхона фахрийларига совға саломлар етказилади, ораларида беморлари бўлса ҳолидан хабар олиниб, белул дори — дармонлар билан таъминлашади. Кўп йиллар одамлар узоғини яқин, оғирини енгил қилиб халққа ҳолис хизмат этган фахрий ҳайдовчи Иноят отанинг кўзлари хиралашиб, бора-бора яхши кўролмайдиган бўлиб қолди. Шоназар Аҳмедов унга мурувват кўрсатди. Отанинг кўзлари жарроҳлик йўли билан тўзалди. Касалхонадан чиқиб, уйига ҳам бормаи тўппа-тўғри “ХИВА СОПОЛИ” корхонасига, Шоназар Аҳмедов ҳузурига келди. Директорни худди ўз ўғлидек кучоқлаб минатдорчилигини қандай изҳор қила олмай турган ҳолатини тасвирлашга тил ожиз, қалам ожиз. Бундай мисоллар кўп.

Корхона жамоаси “Бойчечак” болалар боғча-яслиси, Аваз Ўтар номли мактабни ўз оталигига олиб, зарур пайтларда имкон борича ўз ёрдам қўлини чўзиб келаётир.

Ҳадисларда зикр этилганидек ўзгаларга қилинган эҳсон, хайрия, яхшилик унитилмайди, қачон бўлса ҳам қадрланади. Ишга ривож, барака бағишлайди. Сахий, олийҳиммат инсонларнинг боғи гуркираб, яшнаб, серҳосил бўлиб бораверади.

* * *

Корхонага кираверишда бир мўъжаз хона бор. Тенгсиз хазинага қиёслашади уни. Корхонанинг бугун “бойлиги” шу ерда жамулжам. Биринчи ишлаб чиқарилган маҳсулот, кейингилари... Ҳаммаси юксак дид билан қўйиб чиқилган.

- Бу корхонамиз музейи — дейди Шоназар Аҳмедов — Мутахассислар, ишчилар, ташриф буюрадиган меҳмонлар ҳавас билан кузатиб, кўнгиллари завқ — шавққа тўлади. Тўғриси, ўзим ҳам аввало кўпинча шу ерга кириб, сўнг ишхонамга ёки цехларга ўтишга одатланганман.

Зеро ҳар ким ҳам ўз меҳнати самарасини кўрса, ҳис қилса қувонади. Ўзида янги-янги ютуқларга рағбат сезади. Корхона музейи ҳам ўзига хос, ўзига мос фахрбахш, илҳомбахш маскан. Бу ерда бўлганлар инсон нималарга қодир эканлигини, меҳнат билан ҳатто оддий тупроқдан мўъжизалар яратиш мумкин эканлигини ҳис қилади. 1983 йилда Ал-Хоразмийнинг 1200 йиллиги муносабати билан бу улуғ, буюк элдошимиз тасвири туширилган буюмлар, Осиё, Африка, Лотин Америкасининг

Тошкентда бўлиб ўтган қатор кино—фестиваллари рамзи туширилган, шунингдек, ЮНЕСКО томонидан ўтказилган тадбирлар учун тайёрланган махсус маҳсулотлар, Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг биринчи, бешинчи ва ўн йиллигига, Хиванинг 2500, Урганчнинг 350, Нукус шаҳрининг 70 йиллигига, Президентимиз томонидан этироф этилган “Оила”, “Оналар ва болалар”, “Соғлом авлод”, “Қариялар”, “Обод маҳалла” йилларига бағишланган, бу сана, воқеаларни ўзида ифода этган буюмлар музейга ўзгача кўрк бағишлаб турибди. Нажмиддин Кубро, Паҳлавон Маҳмуд, Алишер Навоий, Маҳмуд аз-Замахшарий, Амур Темур, Жалоладдин Мангуберди, Муҳаммад Раҳимхон Феруз каби буюк сиймоларнинг таввалуд саналари муносабати билан ишланган буюмларга нигоҳ ташлар экансиз, бу сиймолар қўли гул жамоа аҳлига дуолар қилаётгандек туюлади. Санъат даражасига кўтарилган бу асарларни яратувчиларига тассанолар айтгинг келади.

Музейда 300 дан ошиқ турли маҳсулотлар қўйилган. Гулдонлар, бодия, лаган, кўза, чойнак-пийёла, миниатура шаклидаги совғабоп буюмлар, саналар муносабати билан ишланган маҳсулотлар. Уларнинг кўпчилиги вилоят, республика, халқаро миқёсда ташкил қилинган кўргазмаларда юксак баҳоланган, дипломлар билан тақдирланган.

Корхона тарихи, иш фаолияти билан боғлиқ маълумотлар, хужжатлар, тақдирномалар, суратлар, қадимги кулолчилик санъати намуналари ҳам бу нодир масканга янада фойз, чуқур маъно бағишлаб турибди. Музей йилдан йилга бойиб ва шунинг баробарида корхона жамоасининг ҳам ютуқлари кўпайиб бориши табиий. Бунинг учун ихлос, иштиёқ, имконият бор.

* * *

Шу пайтгача оиласида бўлсин, ишхонасида бўлсин нимаики ютуқларга, яхшилиқларга сазавор бўлган бўлса барисида дўстларининг ҳиссаси беҳад эканлигини юракдан ҳис қилади. Лекин, сир эмас, ҳаётда шундай дўстлар ҳам йўқ эмаски, учрашганларида кучоқлашиб ёлғондан ҳол-аҳвол сўрайдилар, кўкка кўтариб мақтайдилар. Орқадан эса гийбат, маломат, бўҳтон тошлари отадилар. Яна шундай “дўстлар” бўлиши мумкинки, ўзини бошқалардан устун қўйишни истайди. Чин сўзни ёлғонга, бор нарсани йўққа чиқаради, қилган, яхшилигинини унитиб, ишинг тушса ўзини олиб қочади, баҳона излайди. Шоназар оға бундайлардан узоқроқ юрди. Унинг Худо берган бир фазилати бор: яхши — ёмонни жуда тез илғаб олади. Бир қарашдаёқ қар-

шисидаги одамнинг ичидагини сезиш, қўлидан иш келиш — келмаслигини идрок этиш, қандай хислат, қусурга эга эканлигини дарров фаҳмлашдек илоҳий бир сезги бор унда. Буни ўзига ёқмаганлар билан вақтини беҳуда совурмаслигидан, ҳамма-ҳаммагаям қалб эшигини очавермаслигидан, гапни калта қилишидан билса бўлади. Очiq кўнгил, самимий, пок ниятли ва қалбли дўстлари билан эса қанча гурунглашса оздек туюлади.

Шоназар оғани шундай дўстлари борки, кунда, кунора кўрмаса орадан гўё бир ой ўтгандай дарров соғиниб туради. Шундай дилга яқин дўстлари билан тез-тез учрашиб, гурунглашиб, маслаҳатлашиб турмаса кўнгли жойига тушмайди. Ўзаро ҳурмат, эътибор шу даражага бориб етганки, ҳатто куда бўлиб кетган дўстлари бор.

Бир кун Намангандан кўнғироқ бўлди. Дўсти Акмалхон Икромов экан. Керамика заводи директори эди. Зарур пайти кўллаб, катта ёрдамлар кўрсатган. Фариштали, ўқимишли, зиёли ташаббускор инсон. Шаҳар Хокими қилиб тайинланибди. Чин кўнгилдан табриклади. Хивага таклиф қилди. Яна бир гал ҳамдўстлик мамлакати — Украинада яшайётган дўсти Георгий Филипович Сердюкдан мактуб келди. Ўқиб худди ўзини кўргандек бўлди. Эслади: 80 — йиллар бошида турмуш ўртоғи Анастасия Алексеевна билан келиб, янги автоматлашган сопол пехида иш юритиш, сополларни бўяш, сирлаш, пишириш бўйича бир ярим йил тажриба ўргатиб кетган эди. Қизиқ, ўша пайтлари маҳаллий ҳудуднинг ўзидаги катта тажрибага эга кулолларни таклиф қилишганида, номига ёқар-ёқмас иш ўргатган бўлиб жуфтакни ростлаб қолган эдилар. Гўё завод ишга тушса ўзларининг насибаси қирқиладигандек. Билишмаганки, карвон бир, ризқи бўлак. Кеча бошқа бир дўсти Ичонқалъада яшайдиган Раҳимбой Раҳимов қўлида кўк рангли катта китоб билан кириб келди. Билади, Раҳимбой китобга ўч. Китобни ҳаётининг мазмуни деб билади. Умр бўйи китоб йиғиб келаётир. Шахсий кутубхонасида минглаб китоби бор. Қайси шаҳарга борса вақт топиб китоб дўконига киради. Шоназар оға уни ана шу фазилати учун ҳам яхши кўради.

— Мана, сен излаб юрган китобни топдим жўра! — деди у суюнчилаб — унда бобонг ҳақида зўр гаплар ёзишибди.

Шоназар Аҳмедов боболари ёзиб қолдирган танбур нота ёзувини ўрганган Илёс Акбаров, Мухтор Ашрафий, Матниёз Юсупов каби ўзбек мусиқашунос олимларини билар, улар ҳақида кўп манбаларда ўқиган эди. Аммо бу иш билан таниқли рус мусиқашуноси Виктор Александрович Успенский ҳам шуғулланганини эшитган, буни ҳеч қаерда ўқимаган эди. Ян Пек-

кернинг шу улуғ мусиқашунос ҳақида асар ёзганлигини айтишган эди. Дўсти шу китобни топиб олиб келибди. 1959 йилда Ўзбекистон Давлат бадий адабиёт нашретида чоп қилинган экан. Раҳмат Раҳимбойга, шунча йил ўтган бўлсада кутубхонасида бу ноёб китоб бор экан!

Ўзбекистон Қаҳрамони, “ Ўзбекистон ” ширкат хўжалиги бригада бошлиғи Бекдурди Жуманиёзов Шоназар Аҳмедовнинг дўстона фазилатларини ҳурмат билан тилга олар экан, шундай самимий, камтар, ишчан, ташаббускор дўсти борлигидан фалсафалик гапирди. Яна бир Ўзбекистон Қаҳрамони Вера Борисовна Пак ҳам унинг дўстона ёрдамларини ҳамisha минатдорчилик билан эслади. Корхонага Корейдан ташриф буюрган меҳмонлар билан бирга ҳамроҳ бўлиб келганида уларга Шоназар Аҳмедовнинг ташаббускорлиги, хорижий ҳамкорлар билан корхона шуҳратини ошириш борасида қилаётган ибратли ишларини, инсоний фазилатларини гурур билан айтиб берди.

Шоназар оғани дўст-ёр ҳақида, ўз фалсафаси бор: Ҳақиқий дўст камчилик, хатоингни кўрса чидаб тура олмайди, рўйи — рост юзинга айтади, иложи бўлса ўша камчилик — нуқсонни бирга тузатишга ҳаракат қилади, ёрдамлашади. Дўст ютуғини ўзиники деб билади. Бошига ташвиш тушганида ташлаб кетмайди. Яхши — ёмон кунларида, тўй-маъракаларида тикка хизматда турадилар. Феъл — атвори, қарашлари, қизиқишлари, интилишлари бир-бирига ёққан, ҳамisha бир-бирларини истаб, соғиниб яшайдиган дўстларидан Рустам Раҳимов, Озод Аҳмедов, Сойибназар Бекжонов, Отаназар Пирназаров, Одамбой Ражабов, Абдулла Отаниёзов, Матёқуб Саъдуллаев, Исмоилжон Давлетов, Комилжон Шарипов, Бахтиёр Жуманиёзов, Оллаёр Раҳимов, Худойберган Ёвбосаров, Бахтиёр Акрамов, Файрат Зоҳидов, Рўзибой Раҳимов, Давлатер Бекчонов, Шоназар Нурматов, Баҳодир Юсупов, Баҳодир Ҳусайнов... Содиқ дўстлари исмларининг ўзи бир китоб бўлар. Унинг битта альбому бор. У дўстларини исм-шарифлари, манзилгоҳлари, телефон рақамлари ёзилган ташрифномалар билан тўла.

Дийдор ганимат, умр ўткинчи. Ҳаётдан бевақт кўз юмган Иброҳим Матрасулов, Мадрим Отаназаров, Матмурот Отабоев, Абдуманнон Шерматов каби дўстларини ҳам ҳамisha эҳтиром билан эслади. Уларни руҳи-поклари ҳозир ҳам қўллаб тургандек туюлади. “ Жойлари жаннатда бўлсин, қолган умрларини, кўролмай кетган яхши кунларини қолганларга ато этган бўлсин! ” дейди дуоларга қўшилиб.

...Дўстлари кўп кишилар энг бахтли инсонлар. Дўстлик эса на ёш, на мартаба, на мансаб, на манфаат танлайди. Бу дунё-

нинг гўзаллиги, ёруғлиги дўстлар билан. Сени истаб, соғиниб, кутиб яшайдиган дўстларинг бўлса — шунинг узи қувонч, бахт, бойлик! Шуларни ҳаёлидан ўтказиб турган эди, қотиба қиз учта таклифнома олиб келди. Узоқ яқин дўстларидан. Тўйга таклиф қилишипти. Шоназар оға бир-биридан чиройли таклиф-номаларни кузатар экан, бир нарсага ҳайрон қолди: учала дўстининг тўйи ҳам бир кунда. Барибир бориш керак, шарт! Қулоғи остида таниш қўшиқ жаранглаб кетгандай бўлди:

**Дўст бўлиш осон, уни сақлаш қийин,
Ранжиса дўст кўнглини қорғлаш қийин.
Сўзда дўстингман дея оқлаш қийин,
Узма дўстлик торини боғлаш қийин.**

* * *

2002 йил 17 март. Оилада яна бир фарзанд туғилди. Ўн иккинчи невара билан қўлагани келганларни изи узилмайди. Шоназар оға билан Дармонжон опани қувончлари чексиз. Шодликларига шерик бўлиб келганларга минатдорчилик билдиришади. Самимий истақлар, ниятлар...

- Ахтиқнинг умри узун бўлсин. Боболари, ота-оналари каби улуғ инсон бўлиб етишсинлар.

- Аммо онангизнинг исмини қўйиб кўп савоб, яхши иш қилибсизлар. Руҳлари шу атрофда кезиб, қувониб юргандир. Шоназар оға неварасининг кулиб турган юзига меҳр билан тикилар экан унинг кўз қорачиқларида онасининг нурли сиймоси акс этгандай бўлди. Тавба, онажонининг худди ўзи! Кечаси билан онаси тушига кириб чиқди. Эҳ, қандай меҳрибон, қандай жонфидо эди онажони. Фарзандлари учун жонини ҳам аямасди. Бетоб бўлса ҳам билингиргиси келмасди, фарзандларим ўқисин, касб-хунар ўргансин деб жони ҳалак эди. Олтинчи синфда ўқиб юрган пайти йўниғчи устанинг олдида қўлидан тутиб олиб борган. Отаси “ўқисин, илм олсин, зеҳни ўткир бунини” деганида “Хунар ҳам зарар қилмайди, йиғит киши қанча кўп хунар ўрганса ҳаёти, шунча фаровон бўлади, олдида чиқади, бировларга муҳтож бўлмайди” деган эди. Дарвоқе, ота-оналари ҳам улуғ инсонлар бўлган онажонимнинг. Машхур шоир, ҳаттот, таржимон, мусиқашунос Комил Хоразмийнинг ўғли Абдурасулнинг қизи. Оналарининг исми Саодат. Уларнинг яна Гулхоним исмли бир қизлари бўлган. Уни камолга етгач Ортиқ Охуннинг ўғли Абдурахмонга турмушга беришган. Улардан Собиржон исмли фарзанд дунёга келган. Уллибибби она эса Аҳмаджон ака билан

Шоназар оға билан Дармонжон опани қувончлари чеқсиз. Шодликларига шерик бўлиб келганларга минатдорчилик билдиришади. Самимий истаклар, ниятлар...

- Ахтиқнинг умри узун бўлсин. Боболари, ота-оналари каби улуг инсон бўлиб етишсинлар.

- Аммо онангизнинг исмини қўйиб қўп савоб, яхши иш қилибсизлар. Руҳлари шу атрофда кезиб, қувониб юргандир. Шоназар оға неварасининг кулиб турган юзига меҳр билан тикилар экан унинг кўз қорачиқларида онасининг нурли сиймоси акс этгандай бўлди. Тавба, онажонининг худди ўзи! Кечаси билан онаси тушига кириб чиқди. Эҳ, қандай меҳрибон, қандай жонфидо эди онажони. Фарзандлари учун жонини ҳам аямасди. Бетоб бўлса ҳам билингиргиси келмасди, фарзандларим ўқисин, касб-хунар ўргансин деб жони ҳалак эди. Олтинчи синфда ўқиб юрган пайти йўниғчи устанинг олдига қўлидан тутиб олиб борган. Отаси “ўқисин, илм олсин, зеҳни ўткир буни” деганида “Хунар ҳам зарар қилмайди, йиғит киши қанча кўп хунар ўрганса ҳаёти, шунча фаровон бўлади, олдига чиқади, бировларга муҳтож бўлмайди” деган эди. Дарвоқе, ота-оналари ҳам улуг инсонлар бўлган онажонимнинг. Машҳур шоир, ҳаттот, таржимон, мусиқашунос Комил Хоразмийнинг ўғли Абдурасулнинг қизи. Оналарининг исми Саодат. Уларнинг яна Гулхоним исмли бир қизлари бўлган. Уни камолга етгач Ортиқ Охуннинг ўғли Абдурахмонга турмушга беришган. Улардан Собиржон исмли фарзанд дунёга келган. Улдибиби она эса Аҳмаджон ака билан биргаликда олти фарзанд кўришган. Катта қизи Мунаввар узоқ йиллар дўкончи бўлиб ишлади. Умр йўлдоши Отабой (Жойи жаннатда бўлсин) билан олти ўғил, бир қизни воёга етказишди. Ўғилжоннинг ҳам гулдай хунари бор эди. Қўли гул гилам тўқувчи. Эл-юртда ҳурмати баянд аёл эди. Лекин тақдир экан, яратганининг ўзи яна қайтиб олди уни. Акаси Ражаббой умри бўйи ошпазлик қилиб эл-юрт хизматига камарбаста бўлиб келяпти. Умр йўлдоши Саробиби билан икки нафар қизни камолга етказишди. Опаси Саробиби бобоси Комил Хоразмий номига қўйилган кўчада яшайди. Умр йўлдоши Дамир Раҳмонов. Узоқ йиллар қурилиш идорасида раҳбар бўлиб ишлаган. Шоназар оға устози билан ёнма-ён ишлаган пайтларини ҳавас билан эслайди. Ўз касбига садоқатли, ишнинг кўзини биладиган, етти эмас, керак бўлса ўн марта ўлчаб, сўнг кесадиған, ўзига, бошқаларга ниҳоятда талабчан эди. Қўп нарса ўрганган ундан. Дамир оға ҳозир умр йўлдоши Саробиби опа билан фарзандлари, нева-чеваралари қуршовида ҳалол меҳнатлари гаптини сураядилар. Укасига бобосини исмини қўйишган. Олий маълумотли мутахассис.

Қурилиш идораларида ишлади. Ҳозир Комилжон ғишт заводи директори. Қанчадан-қанча иморатларга, катта — кичик иншоотларга сифатли пишган ғишт етказиб бериб, ҳурмат-эҳтиромга сазовор бўлмоқда. Умр йўлдоши Зулфияхон саломатлик посбони. Икки фарзандлари бор. Равшанбек отаси ёнида-ғишт заводида ишлайди. Шахноза ўқитувчи.

Шоназар оилада беппинчи фарзанд. 1971 йилнинг куз фаслида Дармонжон билан никоҳ тўйлари бўлиб ўтди. Дармонжон синфдоши. Ун бир йил бир синфда ўқишган. Бир кўчада яшашган. Ўша тўй оқшоми синфдошлари роса ўйнаб-кулишган, қувониб-қувониб хизмат қилишган, энг эзгу истак-ниятлар билдиришган эди. Худога шукр, ўша истаклар рўёбга ошиб келаяпти. Шоназар Аҳмедов катта корхона бошлиғи. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган саноат ходими, Дармонжон узоқ йиллар қишлоқ мактабида ёшларга таълим-тарбия берди, ҳаётга йўллади. Ҳозир нафақада. Ўй бекаси. Беш нафар фарзандни давримизнинг муносиб инсонлари бўлиб етишишлари учун оталик ва оналик меҳрини аямадилар. Фарзандлари эса ишончларини оқлашяпти. Эл-юрт хизматига қамарбасталар. Сухроббек Тошкент Политехника институтини тугаллаган. Хива туман Хокимлигида бўлим бошлиғи. Умр йўлдоши Иродахон билан Мафтуна, Шоҳсанам, Улдибиби исмли фарзандларини тарбиялашяпти. Қизлари Муқаддасхон, Сурайё, Нилуфархонлар онаси касбини эгаллашган — ўқитувчи. Ҳар бири бир оиланинг гулдек келини. Улардан ҳам Ҳилола, Гулҳаё, Шоҳруҳбек, Камолатдин, Розахон, Гуласал, Сирожиддин, Жалоладдин исмли неваралар кўришган. Кенжа ўғли Отабек (У қурувчи муҳандис) ва келини Ойгул ҳам фарзанд кўришди. Жавоҳирбек деб қўйишди исмини.

Оқёп қишлоғидан ташқарида ҳам бу оилага ҳавас қилишадди. Аввало оила дарғаси Шоназар Аҳмедов, умр йўлдоши Дармонжон Отабоева фарзандларига ибрат. Қуш уясида кўрганини қилади. Фарзандлар ҳам ота-онаси, бобо-момоларига муносиб бўлиб яшашга интиладилар, ҳар қайсиси ўз касбидан барака топишяпти. Уй — рўзгор ишларида ҳам бир-бирларига ҳамкор, ҳамнафаслар. Оила шiori-огизбирлик-аҳиллик, мақсади — оилага, жамиятга наф келтириш, нияти — яхшилик, гўзалликка интилиш, орзулари — ер юзида тинчлик, омонлик бўлсин!

Оиланинг ҳар кун сермазмун, кўнгилли, фойдали ўтади. Унумли иш кунидан сўнг кўнгилли ҳордиқ чиқаришадди. Шахсий кутубхона, газета — журналлар, радио, телевизор, шахмат-шапқа — маънавий эҳтиёжни қондириш учун нимаикки зарур бўлса бор. Бўш вақтларида, шанба-якшанба кунларида

Фойдаланилган адабиётлар

Хива минг гумбаз шаҳри. “Шарқ” нашриёт, матбаа концернининг бош таҳририяти. Тошкент – 1997 йил.

Ғ. К. Каримов. “Ўзбек адабиёти тарихи”. Учинчи китоб. “Ўқитувчи” нашриёти. Тошкент – 1975 йил.

Огаҳий. “Девон” 1 жилд. Ғ. Фулом номли Адабиёт ва санъат нашриёти. Тошкент, 1980 йил.

Комил. “Девон”. Ғ. Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. Тошкент – 1975 йил.

Ю. Юсулов. “Хоразм шоирлари”. Ғ. Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. Тошкент – 1967 йил.

Хоразм тарихи. 1 жилд. “Хоразм” нашриёти. Урганч – 1997 йил.

Мухаммад Юсуфбек Басний. “Шажараи Хоразм шоҳий”. Ғ. Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. Тошкент – 1994 йил.

Бобожон Гаррох. “Хоразм навозандалари”. Ғ. Фулом номли Адабиёт ва санъат нашриёти. Тошкент – 1994 йил.

Лаффасий. “Тазкираи шуаро”. “Хоразм” нашриёти. Урганч – 1992 йил.

А. Абдурасулов. “Хива”. “Ўзбекистон” нашриёти. Тошкент – 1997 йил.

Н. Қобулов. “Хоразм адабий муҳити”. “Хоразм” нашриёти. Урганч – 1992 йил.

Д. Раҳим, Ш. Матрасул. “Феруз. Шоҳ ва шоир қисмати”. Ғ. Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. Тошкент – 1991 йил.

Комил Аваз. “Олис оҳанглар” Ғ. Фулом номли Адабиёт ва санъат нашриёти. Тошкент – 1997 йил.

Комил Аваз. “Хива дилбанди”. “Ёзувчи” нашриёти. Тошкент – 1997 йил.

Комил Аваз. “Тошбосма”. “Расстр” журнали. Тошкент – 1999 йил, июн ойи сони.

Мулла Бекжон Раҳмон ўғли, Мухаммад Юсуф Девонзода. “Хоразм мусиқий тарихчаси” Тошкент. “Ёзувчи” нашриёти, 1998 йил.

К. Худойбергенов. “Хива хонлари шажараси”. “Хоразм” нашриёти. Урганч – 1996 йил.

Хива Ичонқалъа музей қўриқхонаси архиви ҳужжатлари.



МУНДАРИЖА

Ферузнинг суянган тоғлари (Сўз боши).....	3
Аждодлар.....	7
Авлодлар.....	41
Фикрлар, мулоҳазалар.....	89
Фойдаланилган адабиётлар.....	95

Бадий-публицистик нашр

Абдуля САФОЕВ

КОМИЛ ХОРАЗМИЙ ВА АВЛОДЛАРИ

(*Ҳужжатли қисса*)

Мухаррир *Н. Қобулов*

Техник муҳаррир *Б. Исмоилов*

Мусахҳиҳ *Қ. Сафоева*

Суратларни Ш. Собиров тайёрлади.

Босишга рухсат этилди 7 май, 2004 йил.

Бичими 84x108 ¹/₃₂ "Таймс" гарнитурасида офсет усулида

босилди. Шартли босма табоғи 6; 5. Нашр табоғи 6,0.

Адади 1000 нусха. Баҳоси шартнома асосида.



"Истиқлол" нашриёти, 700129, Тошкент,

Навий кўчаси, 30.

"Фулломов А" х.т. босмахонаси.

Тошкент, Ниёзов-Фаробий 5 уй.

КОМИЛ ХОРАЗМИЙ ВА АВЛОДЛАРИ



“ИСТИҚЛОЛ”